



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIV SUDI



£ (GBR)  
\$ (USD)  
€ (EUR)  
₼ (UZS)

ИНВЕСТОР ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДА  
НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ  
АСОСЛАРИ





**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



world  
trade  
institute

**u**  
b  
UNIVERSITÄT  
BERN



# ИНВЕСТОР ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

ТРЕНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИ

МАЪРУЗАЧИ:  
Родриго Поланко

2021 йил

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастирининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” кўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН**. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, БМТ Тараққиёт Дастури, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ёки АҚШ хукуматининг расмий нуқтаи назарини акс эттиrmайди.

Нашрнинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг [www.sud.uz](http://www.sud.uz) ва БМТ Тараққиёт Дастирининг [www.uz.undp.org](http://www.uz.undp.org) интернет сайtlарида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди,  
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.  
Телефон: (+998 71) 239-02-67

# МУНДАРИЖА

## ТРЕНИНГ БҮЙИЧА АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Тренинг тавсифи ва натижалари	6
1.2. Маъruzачи	7
1.3. Халқаро инвестиция шартномалари (хиш) бўйича умумий маълумот	8
1.4. Халқаро инвестиция шартномаларининг қўлланиш доираси	14
1.5. Хишдаги инвестиция режимлари	22
1.6. Хишдаги инвестиция ҳимояси стандартлари	29
1.7. Хишдаги низоларни ҳал қилиш механизмлари: фактлар ва рақамлар	33
Кейс стади	36
Презентациялар	40
Адабиётлар рўйхати	97

## ТРЕНИНГ ТАВСИФИ

Ушбу маъруза инвестор ва давлат ўртасидаги низоларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий асослари ва механизмлари бўйича тингловчиларга умумий маълумот беришга қаратилган. Шу мақсадда маъруза давомида биринчи навбатда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини тартибга солувчи халқаро ҳуқуқнинг асосий элементлари, шу жумладан, халқаро инвестиция шартномаларининг (ХИШ) амал қилиш доираси, уларда ҳамда суд ва арбитражлар амалиёти асосида шакллантирилган инвестор ва инвестицияларни ҳимоя қилиш режимлари ва стандартлари ёритилган.

Шундан сўнг инвестор ва давлат ўртасидаги низоларни ҳал қилиш механизмлари ва айниқса инвестор-давлат арбитражи ҳақида чуқурроқ маълумот берилади. Инвестор ва давлат ўртасидаги низоларни ҳал қилиш (ИДНХ) механизми бўйича асосий фактлар ва рақамлар, ИДНХ билан боғлиқ турли даъволар (шартнома, контракт ва қонунга асосланган), арбитраж жараёнини қўзғатиш талаблари (кутиш даври, миллий ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг тугатилиши, низоларни ҳал қилиш механизмларини танлаш қоидалари ва унинг оқибатлари), юрисдикция турлари кўриб чиқилади. Инвестицион низоларни ҳал қилиш халқаро маркази ҳамда ЮНСИТРАЛ Арбитраж қоидалари ўртасидаги фарқлар, жумладан, арбитраж қарорларини ижросини тўхтатиш ва уларни ижрога қаратиш механизмларига алоҳида эътибор қаратилади. Мавжуд халқаро инвестиция ҳуқуқини ислоҳ қилиш бўйича уринишларга баҳо берилади.

## ТРЕНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Халқаро инвестиция ҳуқуқи ва айниқса инвестор ва давлат ўртасидаги низоларни ҳал қилиш, шу жумладан, инвестор-давлат арбитражи ҳақида маҳсус тушунчага эга бўлиш.

## МАЪРУЗАЧИ

Родриго Поланко

Родриго Поланко Берн Университетининг Жаҳон савдо институти катта илмий тадқиқотчиси ва маъruzачиси, Швейцария Қиёсий ҳуқуқшунослик институтининг ҳуқуқий маслаҳатчиси, Чили университетининг таклиф қилинувчи профессори ҳисобланади. Бундан аввал у Чили университетининг Халқаро алоқалар бўйича директори ва Ҳуқуқ факультетида профессор (Халқаро иқтисодий ҳуқуқ), Луцерн университетида маъruzачи ва илмий тадқиқотчи (savdo шартномаларида катта маълумотларни бошқариш тизимиға бағишиланган) бўлган.

Жаҳон савдо институтининг магистратура дастурларини мувофиқлаштиришга масъул бўлишдан аввал Родриго ушбу институтнинг тадқиқотчиси ва маъruzачи, шунингдек, SECO лойиҳаси (Перу, Жанубий Африка, Вьетнам, Индонезия ва Чили савдо қонунчилиги ва сиёсати бўйича минтақавий ваколат марказларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш) ҳамда SNIS лойиҳаси (Халқаро ҳуқуқнинг тарқоқлашиши: халқаро инвестиция шартномаларининг матни таҳлили) координатори сифатида фаолият олиб борган.

Родриго ҳам оммавий, ҳам хусусий ҳуқуқ соҳалари бўйича тажрибага эга бўлган ҳуқуқ амалиётчиси ҳисобланади. У иқтисодий ва халқаро ҳуқуқ, инвестиция ҳуқуқи, савдо ҳуқуқи, ҳаво ва фазо ҳуқуқи ихтисослигига эга. Родриго Чили университети Ҳуқуқ факультетининг бакалавриат ва магистратураси, Нью-Йорк университети Ҳуқуқ мактабининг (факультетининг) магистратураси, Берн университети Иқтисодий глобаллашув ва интеграция олий мактабининг докторантурасида таҳсил олган.

Шунингдек, Родриго ҳозирда Колумбиядаги Экстернадо университети (Universidad Externado Colombia) таклиф қилинувчи профессори ва ушбу университетнинг Ҳуқуқ ва иқтисодиёт таҳлили журналида таҳририят аъзоси, Перу Понтифик Католик Университетининг (Pontifical Catholic University of Peru) ташриф буюрувчи профессори ва тадқиқотчиси ҳам ҳисобланади. У Чилидаги Fiscalía del Medio Ambiente деб номланган атроф-муҳит ҳимояси билан шуғулланувчи нотижорат ташкилоти асосчиларидан бири.

## МАЪРУЗА МАТНИ



### Эътибор қаратинг:

Ушбу маъруза матни фақат мазкур тренинг учун, рўйхати ушбу хужжатнинг охирида келтирилган бир нечта манбалар асосида шакллантирилган. Берилган матн осонроқ ўқилиши учун тегишли ҳаволалар келтирилмаган.

### Халқаро инвестиция шартномалари (ХИШ) бўйича умумий маълумот

## Асосий тушунчалар

### 1. Инвестиция турлари

#### 1.1. Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари

Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари – бу бошқа иқтисодиётда (қабул қилувчи давлатда) тижорат фаолиятини олиб бораётган корхонанинг узоқ муддатли бошқарув ҳуқуқини берувчи мол-мулкини (одатда, ўн фоиз ёки ундан ортиқ овоз берувчи акцияларни/улушни) чет эллик инвестор томонидан сотиб олишга қаратилган (қабул қилувчи давлатга кириб келувчи) инвестицияларнинг соф оқимлари. Бу турдаги инвестициялар корхона балансида акс этувчи устав капитални (акциялар), реинвестициялар, бошқа узоқ ва қисқа муддатли капиталнинг йиғиндиси ҳисобланади. Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари янги бизнесни бошлаш (“Greenfield investment”) ёки мавжуд бизнесни сотиб олишга (“Brownfield investment”) қаратилган бўлиши мумкин.

*Маълумот учун:*

*“тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари — чет эллик инвесторнинг ҳуқумат кафолатларисиз, таваккалчилик шароитларида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан инвестициялари;”*

*“Ўзбекистон Республикаси худудидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар — акцияларининг (улушларининг, пайларининг) ёки устав фондининг (устав капиталининг) камидা ўн беш фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар.”*

*“чет эллик инвесторлар — чет давлатлар, чет давлатларнинг маъмурий ёки худудий органлари, давлатлар ўртасидаги битимларга ёки бошқа шартномаларга мувофиқ тузилган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъекти бўлган халқаро ташкилотлар, чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган ва фаолият кўрсатадиган юридик шахслар, ҳар қандай бошқа ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар, чет давлат фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар;”*

3-модда. Асосий тушунчалар  
ЎзР “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонуни  
(2019 йил 25 декабрь, ЎРҚ-598-сон)

Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари глобал бизнес шароитида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кун сайин янада ўсиб бормоқда. Бу турдаги инвестициялар тадбиркорлик субъектларига янги бозор ва маркетинг каналлари, арzonроқ ишлаб чиқариш қувватлари, янги технология, маҳсулот, малака ва молиялаштиришга эга бўлиш имкониятини яратиб бериши мумкин. Қабул қилувчи давлат учун эса бундай инвестициялар янги технология, капитал, жараён, маҳсулот, ташкилий технологиялар ва менежмент маҳоратининг манбасини тақдим этиши ва шу тариқа унинг иқтисодий ривожланишига кучли туртки бериши мумкин.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари портфель инвестициялардан бир қатор асосларга кўра фарқланади. Жумладан, одатда тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари узоқ муддатли мажбуриятларни ва инвестиция тутатилгандан сўнг қайтариб бўлмайдиган катта харажатларни қамраб олади. Шунингдек, бундай инвестициялар киритилган активларни узоқ вақт давомида қайтариб олинишини ҳамда қабул қилувчи давлат билан узоқ муддатли муносабатларни назарда тутади. Шу билан бирга, ушбу турдаги инвестициялар жиддий тижорий ва сиёсий хатарларга дуч келади. Бу ўринда Халқаро инвестиция ҳукуқи асосан инвесторлар учун сиёсий хатарлар юзасидан бўлган муносабатларни тартибга солади.

## 1.2. Портфель инвестициялар

Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси бўлмаган ҳар қандай инвестицияни портфель инвестиция деб ҳисоблаш ушбу турдаги инвестицияни тавсифлашда кенг тарқалган ёндашув ҳисобланади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) портфель инвестицияни бизнесни бошқариш ёки бошқариш устидан доимий манфаатдор бўлмаган сармоялар (яъни ўн фоиздан кам овоз берувчи акциялар/улуш) деб таърифлаган. Портфель инвестициялар уларни сотиш ёки бошқа усулларда қайтариб олиш осонроқ экани билан тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидан фарқ қиласди. Ушбу турдаги инвестицияларнинг бундай хусусияти уларни бошқариш кескин ўзгарувчанини ҳамда уларни қабул қилувчи давлатдан осонроқ олиб чиқиб кетиш мумкинлини англаатади. Шу сабабли ҳам халқаро инвестиция шартномаларида портфель инвестицияларининг ҳимоясига уларда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини ҳимоя қилишга қараганда камроқ аҳамият берилган.

## 2. Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари киритилишининг иқтисодий омиллари

Ҳар қандай инвесторнинг маълум бир давлатга сармоя киритишга бўлган қизиқишини шакллантирувчи тўртта асосий иқтисодий омили мавжуд. Булар:

- тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларни киритишга ундовчи табиий ресурслар.*

Инвестор қабул қилувчи давлатда табиий ресурсларнинг мавжудлиги сабабли ушбу давлатга ўз сармоясини киритиши мумкин. Бу ўринда инвестор сармоя киритилаётган чет давлатдан кўшимча активлар (масалан, капитал, технологиялар, менежмент ва ташкилий маҳорат)ни импорт қилиш йўли билан мавжуд ресурслардан фойдаланиб, рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариши ва уни халқаро бозорларда сотиши мумкин. Ушбу турдаги инвестициялар асосан янги иш ўринларини яратиш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш орқали маҳаллий иқтисодиётга таъсир кўрсатади. Бироқ бу турдаги инвесторларнинг асосий мақсади ўз маҳсулотларини маҳаллий бозорларда сотиши имкони бўлмагани учун табиий ресурсларга йўналтирилган инвестициялар қабул қилувчи давлат иқтисодиёти учун қандайдир аҳамиятли қўшимча таъсирига (масалан, маҳаллий ишчи кучи орасида янги касбий кўникмаларни шакллантириш) эга

бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай инвестициялар қабул қилувчи давлатнинг тегишли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича нисбий устунлигидан фойдаланишга қаратилган. Масалан, фойдали қазилмалар каби бирламчи материалларга бой бўлган мамлакатлар ушбу ресурсларни ўзлаштиришга интилаётган инвесторларни жалб қиласидар.

*б) янги бозорларни топишга қаратилган тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари.*

Инвестор қабул қилувчи давлатда нисбатан катта ички истеъмол бозори мавжудлиги сабабли ушбу давлатга сармоя киритишига интилиши мумкин. Бу вазиятда инвесторнинг асосий қизиқиши ўз инвестиция фаолияти натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни/хизматларни қабул қилувчи давлат ички бозорида сотишдан иборат. Мазкур турдаги инвестиция, шунингдек, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш учун қўшимча активларни (яъни технологик инновацияларнинг муваффақиятли тижоратлаштирилиши ва маркетингини қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган инфратузилма ёки бошқа воситалар) ҳам қабул қилувчи давлатга олиб кирилишини назарда тутади. Бозорларни топишга қаратилган инвестициялар, одатда, тегишли маҳсулот ишлаб чиқарилиши учун зарур бўлган ресурсларни хориждан сотиб олиш, шунингдек, таъминот занжирида ихтисослашган ишчи кучини шакллантириш орқали ўз ишлаб чиқаришни таъминлаб турувчи тизимларнинг яратилишига олиб келади (backward supply linkages). Шунингдек, бу турдаги инвестициялар ички бозорда маҳсулот сифатини оширади ҳамда маҳаллий харидорларнинг маҳсулот сифатига бўлган талабларини ошириш орқали истеъмолчилар хатти-ҳаракати ва хулқ-авторига таъсир кўрсатади. Яна бундай инвестициялар маҳаллий тадбиркорликни рағбатлантириши ва ички рақобатни қучайтириши мумкин. Ушбу турдаги инвестициялар одатда мавжуд ёки кутилаётган талабга асосан турли хил майший истеъмол товарлари ёки бошқа турдаги саноат товарларини ишлаб чиқариш учун киритилади. Баъзи ҳолларда тадбиркорлик субъектлари хориждаги ўз мижозларига яқин бўлиш учун тегишли давлатга инвестиция киритишади. Автомобиль қисмларини ишлаб чиқарувчилар автомобиль ишлаб чиқарувчилар ортидан уларга яқин бўлиш учун бирон-бир давлатга инвестиция киритиши бунга мисол бўлиши мумкин.

*в) самарадорликни оширишга қаратилган тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари.*

Инвестор маълум бир давлатдаги мавжуд қулайликлардан келиб чиқадиган фойдани кўзлаб, ўзининг глобал бизнесининг бир қисмини ушбу давлатга инвестиция сифатида киритишига қизиқиши мумкин. Жумладан, инвестор арzon иш кучи, давлатдаги қулай тартибга солиш тизими ёхуд капитал, материаллар, хом ашё ва тегишли кўникмаларга эга ишчи кучининг мавжудлигидан келиб чиқиб, бирон-бир давлатга сармоя киритиши мумкин. Глобал доирада тариф ва тарифсиз тўсиқларнинг, транспорт ва алоқа харажатларининг пасайиши ҳамда савдо-сотиқдаги бошқа тўсиқларнинг олиб ташланиши ушбу турдаги инвестицияларни жалб қилишга ёрдам берди. Одатда инвестицияларнинг ушбу тури экспорт қилишга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқиши ва хизматларни кўрсатишга йўналтирилган бўлиб, шу орқали қабул қилувчи давлатга хорижий валюта кириб келишини қучайтиради. Шунингдек, бундай сармоя маҳсулот диверсификацияси ва географик диверсификацияга ёрдам беради, якуний маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлассига қаратилган иқтисодий тузилмаларни шаклланишига туртки беради (масалан, бутловчи қисмлар ёки хом ашёни етказиб берувчилар), технология трансфери каби қўшимча таъсирга ҳам эга. Самарадорликни оширишга қаратилган инвестициялар қабул қилувчи давлат иқтисодиётини тизимли

такомиллаштиришда ҳам қўмак беради. Nestlé компаниясининг Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги филиаллари ушбу турдаги инвестицияларга мисол бўлиши мумкин. Зоро, келтирилган ҳар бир филиал минтақавий бозор учун ихтисослашган маҳсулот ишлаб чиқаради. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бири ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш учун керак бўлган бошқа маҳсулотларни қўшни мамлакатлардаги “шўъба” филиаллардан импорт қиласди. Бунинг асосида юқоридаги минтақа бир бутунликда бир груп маҳсулотларни ишлаб чиқаради, бироқ ҳар бир филиал алоҳида ушбу маҳсулотларнинг фақат кичик бир қисмини ишлаб чиқаришга жавобгар.

- г) стратегик активларга эгалик қилишга қаратилган тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари.

Стратегик активларни излаётган инвестор товар номи, технология ёки маҳсус кўнекмалар каби ўзига хос (аксарият ҳолларда маҳаллий бўлган) активларни сотиб олиш учун сармоя киритишга қизиқади. Стратегик активларга эгалик қилишга қаратилган тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари қабул қилувчи давлатга капитал ва қўшимча активларнинг киритилишини назарда тутади. Бу турдаги инвестициялар қабул қилувчи давлатнинг стратегик активларини глобал бизнес тизимга киритилиши орқали уларни халқаро бозорларга чиқиши таъминлайди ҳамда уларнинг глобал тизимлар билан боғлиқлигини кучайтиради. Масалан, бирон-бир трансмиллий корпорация (ТМК) ўзаро манфаатли илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун бошқа давлатда жойлашган компания билан стратегик иттифоқ тузиши мумкин. Бундай инвестициялар саноати ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган.

### *3. Инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг турли даражалари*

Халқаро инвестиция фаолиятини тартибга солиш учта даражада амалга оширилади: миллий (ички), икки томонлама (масалан, инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама битимлар), кўп томонлама минтақавий (масалан, минтақавий преференциал савдо битимларнинг инвестицияларга бағищланган қисми) ҳамда универсал даражаларда. Миллий қонун хужжатлари тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг иқтисодиёт учун ижобий бўлган жиҳатларидан самарали фойдаланиш ҳамда улар туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган салбий таъсирларнинг олдини олишга қаратилган. Бу борадаги халқаро хужжатлар эса, одатда, инвесторларни қабул қилувчи давлатлар томонидан уларга нисбатан адолатсиз ҳамда кутилмаган чоралар кўрилишидан ҳимоя қилишга, шунингдек, айrim ҳолатларда инвестицияларни рағбатлантиришга қаратилган бўлади.

#### *3.1. Миллий қонунчилик*

Миллий даражадаги инвестиция фаолиятини тартибга солиб турувчи хужжатлар давлатлар томонидан тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг иқтисодиёт учун ижобий бўлган жиҳатларидан самарали фойдаланиш ҳамда улар юзага келтириши мумкин бўлган салбий таъсирларнинг олдини олишни таъминлашга қаратилган миллий қонун хужжатларини ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши билан шакллантирилади.

Давлатлар ўзаро айнан бир турдаги инвестицияларни жалб қилишда рақобатлашётгани сабабли тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш мақсадида, улар одатда сармоялар киритиш учун ошкоралик ва очиқликни таъминлаш билан бирга, киритилаётган инвестицияларни ҳимоя қилиш учун қўшимча кафолатлар ва чораларни ҳам таклиф этадилар. Бундай чоралар божсиз импорт ва экспортга рухсат берадиган эркин зоналар, тўғридан-тўғри субсидиялар ва бошқа молиявий имтиёзлар, чет эл инвестициялари бўйича турли кафолатлар (масалан, ички қонунларни

барқарорлаштириш, солиқ имтиёзларини бериш ва валютани конвертация қилиш, сотишдан тушган даромад ва фойдани олиб чиқиб кетиш бўйича, яъни маблағларни эркин ўtkазиш бўйича кафолатлар) кўринишида бўлиши мумкин. Улар тегишли давлатга чет эл инвестицияларини кўпроқ жалб қилиш мақсадида жорий этилади.

Чет эл инвестициялари давлат иқтисодиётiga фойда келтириши билан бирга, қабул қилувчи давлат учун бир қатор хавфларни ҳам келтириб чиқаради. Чет эл инвестициялари асосан миллий хавфсизлик ва мудофаа, давлат суверенитети, давлатнинг тўлов баланси (жумладан, келажакда инвестор томонидан катта миқдордаги маблағларни эркин олиб чиқиб кетилиши ёки инвестиция лойиҳасининг катта ҳажмдаги импортга асослангани сабабли), миллий саноатни ҳимоя қилиш, табиий ресурсларнинг назорати ҳамда миллий қадриятларни ҳимоя қилиш каби бошқа номоддий масалаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, чет эл инвестициялари атроф-муҳиттга зиён етказиш, ўрнатилган меҳнат ва инсон ҳукуқларини бузиш, тегишли малакаларнинг етишмаслиги баҳонасида чекланган технология трансферини амалга ошириш, маҳаллий ишчи кучларининг бошқа давлатларга кўчириш орқали қабул қилувчи давлатда ишчи ўринлари сонининг қисқартириш, ўзининг устун мавқеини сунистеъмол қилган ҳолда рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатиш, инвестор билан ўзаро боғлиқ хорижий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги келишилган нарх-наво асосидаги трансферлар орқали маҳаллий солиқларни тўлиқ тўлашдан қочиш йўли билан ҳам қабул қилувчи давлатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу ўринда давлатлар ўзлигининг миллий қонунчилиги воситасида бундай салбий таъсирларнинг олдини олишга ҳаракат қиласди.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш баробарида, улар юзага келтириши мумкин бўлган юқорида саналган салбий таъсирларнинг олдини олиш мақсадида, давлатлар ўзларининг тегишли миллий қонун ҳужжатларида турлича ёндашувларни қўллашларини кузатиш мумкин. Масалан, улар иқтисодиётнинг муайян соҳаларига чет эл инвестицияларининг киритилишини чеклашлари, чет эл инвестициялари киритилишидан аввал уларнинг мажбурий тасдиқдан ўтказилишини талаб этиши мумкин. Шунингдек, миллий қонунчиликда тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари (i) инвесторлар маҳаллий тадбиркорлик субъектлари билан инвестиция қилиш учун қўшма корхона тузиш; (ii) якуний маҳсулот ишлаб чиқариш учун фақат қабул қилувчи давлатда ишлаб чиқилган маҳсулотлардан фойдаланиш (маҳаллий манбаларлардан фойдаланиш талаби); (iii) ўз импорти қийматини мавжуд экспорти қийматига тенглаштириш (савдо балансини таъминлаш); (iv) келишилган экспорт кўрсаткичлари талабларини бажариш, (v) фақат белгиланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш (ишлаб чиқариладиган маҳсулотни белгилаб қўйиш) ёки (vi) янги технологияларни киритиш шартлари асосида киритилиши мумкинлиги ҳам белгилаб қўйилган бўлиши мумкин. Бошқа шу каби чоралар қаторига, шунингдек, ерга эгалик қилиш, инвестицияларни қайтариш ёки валютани конвертация қилиш бўйича чекловларни киритиш мумкин. Қабул қилувчи давлатлар ушбу турдаги шартлар ва чекловларни жорий этиши билан бирга, уларнинг иқтисодиёти ҳали ҳамон тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари учун жозибадор бўлишига ҳам эришишлари лозим.

### 3.2. Халқаро ҳукуқ

Халқаро инвестиция ҳукуқи чет эл инвестицияларини қабул қилувчи давлатга кириб келишини таъминлайдиган ҳамда инвестицияларни турли хатарлардан (айниқса, сиёсий хавфдан) ҳимоя қилишга қаратилган халқаро қоидалар йиғиндиси саналади. Ушбу тизим қабул қилувчи давлатларга чет эл инвестицияларини муҳофаза қилишга қаратилган маҳсус мажбуриятларни юклайди. Жумладан, инвестициялар ва бошқа активлар реквизиция (экспроприация) қилинган тақдирда муносиб компенсация

олишга бўлган ҳуқуқ ҳамда қабул қилувчи давлат чет эл инвестицияларини ҳимоя қилиш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганида инвесторларнинг инвестор-давлат арбитражи орқали молиявий компенсация олишга бўлган ҳуқуқи мана шундай қоидалар ҳисобланади.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги кенг қамровли кўп томонлама универсал шартнома на Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ва на бошқа халқаро тизим доирасида мавжуд эмас. 2001 йил Доҳа шаҳрида бўлиб ўтган ЖСТнинг вазирлар даражасидаги конференциясида (Ривожланиш бўйича Доҳа кун тартиби) инвестициялар бўйича музокаралар ўтказиш ҳам кўзда тутилган бўлса-да, 2004 йилга келиб бу йўналишдаги ўтказилиши мўлжалланган музокаралар тугатилди.

Бундан аввал эса ИХТТга аъзо давлатлар ўртасида чекланган иштирокчилик асосидаги Кўп томонлама инвестиция битимини келишиш учун музокаралар олиб борилган бўлиб, улар ҳам 1997 йилда бирон-бир натижасиз тугатилган. Натижада инвестициялар бўйича халқаро қоидалар тарқоқ (кодификация қилинмаган) бўлиб, бу борадаги мажбуриятлар ҳам хилма-хилдир.

Бу ўринда халқаро одат ҳуқуқи нормалари инвестиция бўйича томонларнинг муносабатларини тартибга солиб турса-да, бундай шаклдаги нормаларнинг амал қилиш доираси чекланган ва баҳсли. ЖСТ тизимидағи Савдо билан боғлиқ инвестиция чора-тадбирлари тўғрисидаги Битим (TRIMs) жуда чекланган халқаро шартнома бўлиб, фақат Тарифлар ва савдо бўйича Бош Битим (GATT) асосидаги товарлар савдосига таъсир кўрсатадиган инвестиция қоидаларини ўзида белгилаб беради. Мазкур Битим асосан товарларга нисбатан миллий режим талабларига зид бўлган инвестиция фаолияти шартлари (масалан, маҳаллий манбалардан фойдаланиш талаби) ёхуд квоталарнинг ўрнатилишини тақиқлади. ЖСТ тизимидағи Хизматлар савдоси бўйича Бош Битим (GATS) эса чет эл табиркорлик субъектларининг бошқа давлат ҳудудида тижорат фаолиятини олиб бориш мақсадида тузилган бўлинмалари ёки бошқа шаклдаги шахсларига (Битим бўйича хизматларнинг учинчи тури) нисбатан қўлланилади.

Шу сабабли халқаро икки томонлама ва минтақавий кўп томонлама шартномалар инвестиция ҳуқуқининг асосий манбаи ҳисобланади. Улар умумлаштирилиб “Халқаро инвестиция шартномалари” (International Investment Agreements) деб номланади. Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама битимлар, инвестицияларга бағишлиланган қисмга эга минтақавий преференциал савдо битимлари, шунингдек, шундай қисмга эга иккиёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги келишувлар халқаро инвестиция шартномалари ҳисобланади.

Бундай шартномаларнинг аксарияти (иккиёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик тўғрисидаги келишувлар бундан мустасно) инвестор ва давлат ўртасидаги низоларини ҳал қилиш имкониятини таъминлайди (асосан халқаро арбитраж органлари орқали). Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари бўйича низоларнинг тахминан 2/3 қисми давлатлар ва бошқа давлатларнинг фуқаролари ўртасидаги сармояга доир низоларни тартибга солиш тўғрисидаги Конвенция асосида ҳал этилади. Ушбу халқаро шартнома аъзо давлатларга ҳеч қандай муҳим моддий мажбуриятларни юкламай, фақат давлат ва инвестор ўртасидаги низоларни ҳал қилиш механизмини таклиф этади.

Охирги вақтда халқаро инвестиция шартномаларининг сони кескин кўпайиб борди. Сўнгги ўн йилликда бу ўсиш тахминан 40 фоизни ташкил этди. Бу борада сўнгги пайтларда Осиё давлатлари ўртасида кўплаб инвестиция шартномалари тузилмоқда. Айниқса, 1996 ҳамда 2001 йилларда бундай шартномалар кўп миқдорда имзоланди. Натижада бугунги кунга келиб дунё бўйлаб 3200 дан ортиқ халқаро шартномалар

инвестиция масалаларига бағишлиланган. Уларнинг 2900 дан ортигини 180 давлатнинг икки томонлама инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги шартномалари ташкил қиласди. Кўплаб шартномалар жуда ҳам чигаллашиб кетган, маълум даражада ўзаро боғлиқ мураккаб шартномалар тармоғини шакллантириди. Шу сабабли ҳам бу мураккаб тизим кўпинча “Спагетти косачаси” (“Spaghetti Bowl”)га ўхшатилади.

Халқаро инвестиция шартномалари (бундан кейин матнда – ХИШ) бўлмиш инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама битимлар ҳамда инвестицияларга бағишлиланган қисмга эга миңтақавий преференциал савдо битимлари инвестициялар бўйича тўлиқ ҳажмдаги қоидаларни таклиф қиласди. Уларнинг асосий мақсади инвестицияларни ҳимоя қилиш учун барқарор ҳамда олдиндан башорат қилиш мумкин бўлган муҳитни шакллантириш ҳамда шартнома шартлари бузилган тақдирда инвестор ва давлат ўртасидаги низоларни кўриш бўйича арбитражга мурожаат қилиш имкониятини таъминлаш ҳисобланади.

### Халқаро инвестия шартномаларининг қўлланиш доираси

## ХИШларни қўлланиш доирасини аниқлаш

Юқорида инвестиция бўйича халқаро қоидаларнинг тарқоқ шаклда экани ва бу борада халқаро инвестиция шартномалари инвестицияларни ҳимоя қилиш ва у билан боғлиқ бошқа масалаларни қамраб олувчи нисбатан мукаммал қоидаларни ўз ичига олиши таъкидлаб ўтилган эди. ХИШ аҳамиятининг ортиб бориши уларнинг қўлланиш доирасининг аниқланишини долзаб масалага айлантиради.

Шартнома ҳолатлари фақат унда тушунчаси (таърифи) берилган “инвестициялар” ва “инвесторлар”га нисбатан амалда бўлади. Шу сабабли ким “инвестор” экани ва нималар “инвестиция” бўлиб ҳисобланишини аниқлаш бу борадаги энг муҳим масала ҳисобланади. Мана шу масала юзасида давлатлар қўйидагиларга аҳамият қаратишлари лозим:

- a) Қандай турдаги инвестициялар шартнома билан ҳимоя қилинган?

Одатда, капитални экспорт қилувчи давлатлар ўз инвесторларини ҳар қандай шаклда инвестиция киритилган тақдирда ҳам ҳимоя қилиш мақсадида “инвестиция” тушунчасига кенг таъриф берилишига интилади. Қабул қилувчи давлатлар эса бундай кенг таъриф инвестор ва давлат ўртасида келиб чиқувчи низолар бўйича катта хавфларни келтириб чиқишидан қўрқади. Улар шартномаларда инвестиция тушунчасига кенг таъриф берилиши, шунингдек, айрим давлат бошқаруви жабҳаларига ҳам салбий таъсир кўрсатишидан хавфсирайди. Масалан, айрим давлатлар давлат қарзларини инвестиция сифатида қаралишига қарши чиқади, зеро улар бу масала бўйича ҳаракат қилиш эркинлигига эга бўлишни хоҳлади.

- b) Давлат қандай турдаги инвестицияни жалб қилмоқчи? Қабул қилувчи давлат тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ёки портфель инвестицияларни ёхуд уларнинг иккисини ҳам жалб қилмоқчими?

ХИШнинг қўлланиш доираси, шунингдек, қўйидагилар билан белгиланади:

- a) Шартнома қачон кучга киради?
- b) Шартнома фақат у кучга кирганидан сўнг киритилган янги инвестицияларни қамраб оладими ёки шу давргача мавжуд бўлган инвестициялар учун ҳам амал қиласдими?

в) Шартноманинг амал қилиш муддати қачон тугайди? Шартнома тугатилганида унинг асосида киритилган мавжуд инвестициялар учун унинг амал қилиши ҳам тугатиладими ёки маълум муддатгача давом этадими?

### 1. Инвестициянинг таърифи

Кенг тарқалган ёндашувга кўра, бирон-бир актив тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси деб ҳисобланиши учун у қуидаги белгиларнинг барчасига эга бўлиши лозим:

- маблағ ўтказилиши ёки муҳим активларнинг ўтказилиши;
- бир йилдан ортиқ бўлган муддатга мўлжалланган фаолият;
- фойда олиниши кутиласидиган фаолият;
- маблағ ўтказувчи шахснинг бошқарувда иштирок этиши;
- ишибилармонлик хавфининг мавжудлиги;
- инвестициянинг қабул қилувчи давлат ривожланишига ҳисса қўшиши.

Аксарият амалда бўлган ХИШлар инвестицияларга кенроқ таъриф беради. Бундай “очиқ таъриф” (“Open Ended Definition”)га эга ХИШлар тегишли белгиларга эга бўлган барча фаолиятни инвестиция сифатида таърифлайди (жумладан, интеллектуал мулк ва у билан боғлиқ бўлган ҳуқуқларни ҳам). Бироқ ҳозирда инвестицияларга “ёпиқ таъриф” (“Closed Ended Definition”) берувчи, яъни инвестиция фаолияти сифатида қаралувчи фаолиятнинг чекланган рўйхатини келтирувчи шартномалар сони кўпайиб бормоқда. Бундай рўйхат жуда ҳам узун бўлиши мумкин. Келтирилган икки ёндашув юқорида бериб ўтилган инвестиция белгиларининг барчасини инвестиция таърифи сифатида кўрсатиши ёхуд инвестицияга таъриф беришда айрим белгиларни келтириб ўтимаслиги ҳам мумкин. Масалан, 2007 йилда имзоланган Покистон ва Малайзия ўртасидаги Яқинроқ иқтисодий ҳамкорлик бўйича битим инвестицияга “очиқ таъриф” беради ҳамда юқоридаги инвестиция белгиларининг айримларини ҳам келтириб ўтади.

Демак, юқорида келтирилган инвестиция белгиларига эга бўлмаган активлар, улар қандай шаклга эга бўлишларидан қатъи назар инвестиция бўлиб ҳисобланмайди. Шунингдек, айрим ХИШ келтирилган инвестиция тушунчasi бўйича истисноларни ҳам келтириб ўтиши мумкин.

#### 1.1. Инвестиция таърифи билан боғлиқ масалалар

Сиёсий қарорларни қабул қилувчи шахслар шартномалар матнини келишиш чоғида инвестиция таърифи билан боғлиқ қуида келтирилган айрим масалаларни ҳал этишлари лозим бўлади.

- а) инвестиция қабул қилувчи давлат ривожланиш учун ҳисса қўшиши шартми?

Қабул қилувчи давлатлар факат уларнинг иқтисодиётини ривожлантиришга асос бўлган инвестицияларнинг ҳимоя қилишни хоҳлашади. Инвесторлар эса бу ҳолатда шартномадаги “ривожлантириш” тушунчasi айнан нимани англатиши белгиланмаган бўлса, бундай ёндашув инвестицияларини ҳимоя қилиниши борасида катта ноаниқликларни келтириб чиқаради деб қарашади. Зоро, агарда шартномада бундай шарт белгилаб қўйилган бўлса, қабул қилувчи давлат инвестиция давлатнинг ривожланишига ҳисса қўшмади деган асосда, яъни низо инвестиция масаласида эмаслигини таъкидлаб, уни тегишли арбитраж ваколати (юрисдикцияси) доирасида эмаслигини важ қилиши мумкин.

- б) инвестиция тушунчаси фақат тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини ўз ичига олиши керакми ёхуд портфель инвестициялар ҳам уларнинг ичига кириб кетадими?

Юқорида келтириб ўтилганидек, портфель инвестициялар қайтариб олиб бўлмайдиган харажатларни ҳамда қабул қилувчи давлат ҳудудида узоқ муддатли фаолиятни назарда тутмайди. агарда тегишли давлатдаги инвестиция муҳити унга ёқмаса, бундай инвестор ўз активларини тезда сотиб, ушбу давлатдан тезда чиқиб кета олади. Шу сабабли қабул қилувчи давлатлар, агарда портфель инвестицияларни шартномага киритилиши бошқа турдаги инвестицияларнинг кириб келишига сабаб бўлмаса, бундай инвестицияларни шартнома асосида ҳимоя қилинишини хоҳламайдилар.

Бундай турдаги инвестицияларнинг шартнома билан қамраб олинишига қаршилик кўрсатилишининг яна бир сабаби, агарда портфель инвестициялар шартнома асосида ҳимоя қилинса, қабул қилувчи давлатларга нисбатан даъволар сонининг жуда ҳам кўпайиб кетиши хавфи ҳисобланади. Лекин бу ўринда кичик ҳажмдаги/миқдордаги портфель инвестицияларни киритган инвесторлар низолар билан боғлиқ харажатлардан қочиб, бундай даъволарни кўп келтирмасликлари ҳам мумкин. Бироқ айрим ҳолатларда бундай кичик инвесторларнинг биргаликда даъво билан чиқишлари эҳтимоли ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, портфель инвестицияларга қандай таъриф бериш бўйича ҳам айрим масалалар мавжуд. Масалан, Халқаро валюта фондининг портфель инвестицияларга берган таърифи 250 бетдан иборат. Унинг энг қисқа таърифи сифатида 10 фоиздан кам акциялар/улушга эгалик қилишни келтириш мумкин. Ҳар қандай ҳолатда портфель инвестициялар тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларга қўшимча шаклда кириб келиб, уларни амалиётда бир-биридан фарқлаш қийин масала ҳисобланади. Бундай инвестицияларнинг афзаллик томони шундаки, улар қабул қилувчи давлатларга активларни киритишни назарда тутса-да, тегишли тадбиркорлик субъектлари устидан бошқарув маҳаллий тадбиркорлар қўлида қолади.

- в) давлат томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар инвестиция фаолияти объектлари бўлиши керакми?

Муаммо шундаки, агар давлат облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлар инвестиция таърифига киритиладиган бўлса, қабул қилувчи давлатнинг, айниқса, молиявий инқироз шароитида, тегишли сиёсий қарорларни қабул қилишда эркин ҳаракат қилиш имконияти чеклаши мумкин. Аржентинада юз берган молиявий инқироз бунинг ёрқин мисолидир. Давлат молиявий инқирозга жавобан чоралар ишлаб чиқиш чоғида унинг шартномавий мажбуриятлари асосида бундай чоралар юзасидан қўплаб даъволар қўзғатилишига сабаб бўлди.

Албатта, бундай муаммоларни шартномага тегишли истисноларни киритиш орқали ҳал қилиш мумкин. Бундай шартнома ҳолатлари давлатларга иқтисодий инқироз даврида эркин ҳаракат қилиш имконини беради.

- г) интеллектуал мулк ҳуқуқи инвестиция фаолияти объектлари бўлиши керакми?

ЖСТга аъзо бўлган қабул қилувчи давлатлар учун бу борадаги асосий масала Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо билан боғлиқ жиҳатлари тўғрисидаги битим (TRIPS) бўйича мажбуриятлари аллақачон мавжуд бўлган вазиятда, уларнинг инвестиция шартномаларида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича қўшимча мажбурият киритилиши қандай аҳамият касб этишини аниқлашдир. Инвестор ҳозирги кунда қўплаб ҳолатларда интеллектуал мулк ҳуқуқи давлатга киритилаётган

инвестициянинг асосий қисмини ташкил этаётгани сабабли бундай турдаги мулкни шартнома асосида ҳимоя қилинишидан манфаатдор. Шунингдек, ривожланаётган давлатларда интеллектуал мулк ҳуқуқининг нисбатан кучсиз ҳимоя қилиниши сабабли, уларни ХИШ ҳимояси остида бўлиши инвесторлар учун муҳим аҳамият касб этади. Зеро интеллектуал мулкни инвестиция тушунчаси ичига киритилиши инвесторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиради, қабул қилувчи давлатларнинг интеллектуал мулк борасида қабул қиладиган чораларини ХИШ ҳолатларига боғлаб, шунингдек, улар устидан тегишли арбитражларда даъво қўзғатиш имконини беради.

Агарда давлатлар интеллектуал мулкни ХИШга киритиш бўйича қарор қабул қиласалар, навбатдаги масала инвестиция тушунчасига интеллектуал мулк айнан қандай кўринишида киритилишини белгилаб олиш бўлади. Масалан, улар инвестициянинг алоҳида бир шакли сифатида (масалан, патент, муаллифлик ҳуқуқи) ёки бошқа турдаги инвестициянинг бир қисми сифатида таърифланиши мумкин.

Яна бир масала, айнан қандай интеллектуал мулк тури инвестиция таърифи ичига киритилиши лозимлигини аниқлашdir. Масалан, анъанавий билимлар (улар ҳатто кўплаб миллий қонунчиликда ва халқaro шартномаларда ҳимояга олинмаган) интеллектуал мулкнинг бир кўриниши сифатида ХИШда инвестиция деб қаралиши мумкинми?

Бу борадаги яна бир ёндашув бу интеллектуал мулкни инвестиция тушунчасига алоҳида истиснолар билан киритилиши ҳисобланади. Масалан, АҚШ ва Канада ўртасидаги инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги икки томонлама битимда дори воситаларини яратиш бўйича патентларни мажбурий лицензиялаш ушбу давлатларнинг экспроприация қилинган тақдирда муносиб компенсация бериш бўйича шартномавий мажбуриятини истисно этувчи ҳолат сифатида қайд этилган. Яъни давлатларнинг бундай мажбурий лицензия бериш фаолияти (амалдаги экспроприацияси) келтирилган шартнома ҳолатларининг бузилиши ҳисобланмайди.

Шунингдек, давлатлар энг қулай миллий режим ҳамда миллий режим талабларидан истисно этувчи ҳолатларни ҳам шартномаларда белгилаб қўйишилари мумкин.

*д) тижорат мақсадларида фойдаланилмайдиган активлар инвестиция тушунчасидан чиқариб ташланиши керакми?*

Қабул қилувчи давлатлар кўп ҳолатларда тижорат мақсадида фойдаланилмайдиган, яъни даромад келтирмайдиган ва давлат иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшмайдиган активларни (масалан, рекреация мақсадидаги кўчмас мулкни) инвестиция тушунчаси таркибига киритмасликка ҳаракат қиласди. Шунингдек, қабул қилувчи давлат ўз ички қонунчилигида айрим аҳоли яшайдиган худуддаги обьектларга ҳам чет эл инвестициялари киритилишини тақиқлаб қўйиши мумкин. Бу чоралар ХИШ бузилиши ҳисобланмаслиги учун улар ушбу шартномаларда инвестиция таърифига киритилмаган ёки истисно ҳолати сифатида бериб ўтилган бўлиши лозим.

*е) қандай турдаги молиявий ўтказмалар инвестиция тушунчаси таркибига киритилиши лозим?*

Одатда, барча қисқа муддатли инвестициялар, масалан, портфель инвестициялари, юқорида айтиб ўтилган сабабларга кўра, таърифдан чиқариб ташланмайди. Бироқ айрим шартномалар кам сонли чекловларни ўз ичига олади. Бу борада одатда қўлланиладиган ёндашувлардан бири қарздорлик бўйича даъволарнинг судга тааллуқлилиги шартларини белгилаб қўйиш орқали инвестицияларнинг таърифини чеклашdir. Масалан, муддати 3 йилдан кам бўлган қисқа муддатли қарз воситалари инвестиция сифатида қаралмаслиги мумкин. Зеро бундай қисқа муддатли

инвестициялар иқтисодиёт ривожланиши учун муҳим деб ҳисобланмаслиги мумкин. Бундан ташқари, бу шаклдаги инвестициялар тезда ўзгарувчан бўлиб (яъни инвестор хоҳлаган вақтда уларни тезда олиб чиқиб кетиши мумкин), ҳимояга муҳтож эмас. Шунингдек, қисқа муддатли қимматли қофозларни сотиб олиш ва сотиш аксарият вазиятларда ХИШ билан ҳимояланадиган инвестиция ҳисобланмаслиги мумкин. Шу билан бир қаторда, тегишли истисноларни шартномаларга киритиш орқали молиявий ўтказмалар, шу жумладан, қисқа муддатли инвестицияларни бошқаришда давлат эркин ҳаракат қилиш имкониятини сақлаб қолади. Ҳар қандай ҳолда шартномадаги барча мажбуриятлардан умумий истисно бу миллий хавфсизликка таҳдид бўлиши мумкин, масалан, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (“пул ювиш”) каби қилмишлар ҳисобланади.

## 1.2. Инвестицияларнинг миллий қонунчиликка мувофиқлиги

Инвестицияларнинг миллий қонунчиликка мувофиқлиги барча манфаатдор томонлар учун катта аҳамиятга эга. Зеро, одатда, шартномалар фақат “қонунга мувофиқ” қабул қилинган инвестицияларни ҳимоя қиласди. Кўпгина шартномалар, агар инвестициялар улар кириб келишида қабул қилувчи давлатнинг ички қонунчилигига мувофиқ бўлмаса, шартнома бўйича уларга ҳеч қандай ҳимоя тақдим этилмаслигини белгилаб қўяди. Ушбу қоида асосан инвестиция таърифи берилган қисмда ёки келишув доирасини белгилайдиган шартнома ҳолатларида келтирилади. Бундай тартиб инвестицияларни давлат томонидан қабул қилиниши ёки тасдиқланишига бўлган талабни рағбатлантиради. Натижада бу талаб қабул қилувчи давлатга кенгроқ имкониятлар яратиб беради, зеро, улар барча инвестицияларни қабул қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олмаган ва инвестицияларни қабул қилиш устидан назоратни сақлаб қолади. Аксарият шартномалар инвесторларга ўзи хоҳлаганча мустақил равишда қабул қилувчи давлатга кириб келиб, инвестиция фаолиятини бошлаш имконини бермайди. Фақат Канада, АҚШ ва Япония томонидан тузилган айрим шартномалар чекланган даражада бундай хуқуқни белгилаб қўйган. Бошқарув тизими кучсиз бўлган ривожланаётган ва ривожланиши паст давлатлар учун инвестицияларнинг кириб келиши устидан назорат қилиш хуқуқининг бўлиши уларнинг ўз ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Инвестицияларнинг миллий қонунчиликка мувофиқлиги талаби уларни қабул қилувчи давлатга кириб келиши жараёнига нисбатан амал қиласди, яъни бу қоида инвестицияларни ҳимоя қилиш учун уларни бутун инвестиция даври мобайнида миллий қонунчиликка мувофиқ бўлишини талаб этмайди. Миллий қонун хужжатлари талабларига мувофиқ киритилган инвестиция кейинчалик у билан боғлиқ инвестиция фаолиятида қонунчилик талаблари бузилишига йўл қўйилган бўлса ҳам, ХИШ билан ҳимоя қилинади. Амалда бу қоида инвестиция киритилганидан сўнг қабул қилувчи давлат сиёсатининг ўзгариши юз берганда инвестор хуқуқларини ҳимоя қилиш учун керак.

Шу билан бирга инвестиция ёлғон маълумотлар ёки пора бериш каби жиддий қонун бузилиши асосида киритилган бўлса, бундай инвестиция шартномалар билан ҳимоя қилинмаслиги мумкин. Ва, ниҳоят, миллий қонунга мувофиқлик талаби ички қонунчилиқда белгилаб қўйилган инвестиция таърифини унинг ХИШ келтирилган таърифдан устунлигини англатмайди. Зеро шартнома билан ҳимояланган инвестиция таърифи миллий қонунчилик асосида эмас, балки тегишли халқаро шартномада белгилаб қўйилади.

## 2. Инвестор таърифи

Инвестиция шартномасидаги энг муҳим масалалардан бири – бу шартнома бўйича хуқуқлари ҳимоя қилинадиган инвестор кимлигини аниқлаш. Инвесторлар бу инвестиция шартномаси асосида қабул қилувчи давлатда ўз хуқуқларини ҳимоя қилиш хуқуқидан фойдалана олувчи шартноманинг бошқа аҳдлашувчи давлати билан боғлиқ бўлган шахслар ҳисобланади. Бу ўринда энг асосий масала инвестор ва ўша аҳдлашувчи давлат ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ҳисобланади.

Одатда, шартномада иштирок этувчи давлатнинг фуқароси бўлган жисмоний шахслар ушбу давлатнинг инвесторлари ҳисобланади. Фуқаролик мақоми эса ушбу давлатнинг қонун хужжатлари билан белгиланади. Лекин айрим давлатлар икки фуқароликка рухсат бериши мумкин. Бу ҳолда жисмоний шахс бир вақтнинг ўзида шартноманинг ҳар икки томони (ҳам инвестиция киритилаётган давлат, ҳам уни қабул қилувчи давлат) фуқаролигига эга бўлса, у мазкур шартнома асосида инвестор ҳисобланадими деган масала юзага келади. Аксарият шартномаларда бу масаланинг ечими берилмаган. Лекин уларнинг айримлари бундай вазиятда шахс қайси давлат билан муҳимроқ ва кучлироқ алоқа ўрнатган бўлса, у шартнома бўйича ана шу давлатнинг фуқароси ҳисобланишини ўрнатиб қўйган. Одатда инвестор деб топилиш учун бирон-бир давлатда муқим яшаш талаб этилмайди.

Кейинги масала бу юридик шахсларнинг мақомини аниқлашdir. ХИШ, одатда, юридик шахслар тегишли давлат ички қонунчилиги асосида рўйхатдан ўтган ёки ташкил этилган бўлишини талаб этади. Бундай мақомга хорижий шахслар ҳам жуда осонлик билан эришишлари мумкин. Яна ушбу қоида қабул қилувчи давлатларга қийинчиликсиз қайси инвесторлар ҳимоя қилиниши кераклигини аниқлаш имконини беради. Бироқ ушбу талаб жуда кенг доирадаги шахслар ҳимоя қилинишини англашиб, бундай шахсларнинг сонини қисқартириш учун қўшимча шартлар бўлишини талаб этади. Бундай қўшимча шартлар қабул қилувчи давлатлар томонидан белгиланади. Ушбу давлатларнинг айримлари инвесторларни иложи борича кенг доирада ҳимоя қилиш мақсадида бундай чекловларни ўрнатмайди.

Давлатлар, шунингдек, шартнома томони бўлган бошқа давлат ҳудудида фақат ўзининг кичик бўлинмасини ташкил этиш орқали қабул қилувчи давлатга инвестиция киритиб, ҳимояга эришиш амалиётидан ҳам ташвишланиши мумкин. Шунингдек, давлатлар ўз маҳаллий инвесторларининг бошқа аҳдлашувчи давлат ҳудудида ўз бўлинмасини ташкил этиб, қабул қилувчи давлатдаги активларни ушбу бўлинма ҳисобига ўтказиб, уларни ҳимоя остида бўлган инвестиция шаклида қайтадан қабул қилувчи давлатга киритишидан хавфсирайди. Маврикий каби халқаро тижорат марказларига айланиш истагидаги давлатлар бундай муаммоларга аҳамият қаратмасалар-да, қолган давлатлар ўзларининг шартномавий мажбуриятлари амал қилиши доирасини чеклаш мақсадида, инвесторлар доирасини ҳам чеклашга интиладилар. Бунда ХИШда қуйидаги чекловлар белгилаб қўйилиши мумкин:

- Инвестицияларни назорат қиласидиган мулкдорлар қабул қилувчи давлатининг фуқаролари ёки юридик шахслари бўлишини талаб қилиши.*

Бундай талаб ҳимояни суистеъмол қилинишини чеклашга ёрдам берса-да, амалдаги ХИШда камдан кам учрайди. Германия ҳамда Антигуа ва Барбуда ўртасида тузилган икки томонлама инвестиция битими шундай талабни белгилаб қўйган. Бундай талабни ТМКларга нисбатан қўллаш муаммоли масала, зеро, улар кўпинча жуда мураккаб тузилмаларга эга бўлиб, бу тизимда якуний назорат қаерда жойлашганини аниқлаш қийин.

- б) Юридик шахснинг тегишли давлатда асосий тадбиркорлик фаолиятини олиб бориши ёки унинг самарали бошқариш жойи, бош қароргоҳи ушбу давлатда жойлашиши ёхуд давлат билан бошқа муҳим алоқада бўлишини талаб қилиш.

Бундай талаб аксарият ХИШда бериб ўтилади. Лекни бу ҳам жуда аниқ белгилаб қўйилган талаб ҳисобланмайди ҳамда арбитраж жараёнида айрим тушунарсизликлар келиб чиқишига сабаб бўлади. Жумладан, баъзида арбитрлар юридик шахсларнинг самарали бошқариш жойи бўйича жуда ҳам минимал талабларни белгилайдилар. Масалан, бир низо юзасидан арбитрлар корпорациянинг директорларидан бири белгиланган давлат юрисдикцияси остида бўлса ҳамда корпорация ўз молиявий ҳисботини ушбу давлатга топширса, корпорациянинг самарали бошқариш жойи мазкур давлатда жойлашган бўлади деб топилган. Шунинг учун ҳам ушбу талабни амалиётда қандай қўлланишини олдиндан айтиш қийин бўлиши мумкин.

- в) Яна бир ёндашувга кўра аҳдлашувчи томонлар инвесторга бўлган юқоридаги талабларни шартномадаги инвестор таърифига киритиб қўймай, балки қабул қилувчи давлатга, агар бирон-бир шахс унинг сармояси назорати, асосий тадбиркорлик фаолияти, самарали бошқариш жойи каби мезонларга мувофиқлигини исботлай олмаса, шартнома бўйича имтиёз ёки ҳимояни ушбу шахсга берилишини рад этиш ҳуқуқини белгилаб қўяди.

Масалан, Чехияда рўйхатдан ўтган юридик шахс Чехияга қарши инвестицияни ҳимоя қилиш бўйича даъво қўзғатиш мақсадида, Истроилда янги юридик шахс ташкил этиб, Чехиядаги ўз активларини ушбу ташкилотга ўтказиб, уларни Чехия ва Истроил ўртасида тузилган инвестиция битими асосида, яъни чет эл инвестицияси сифатида ҳимоя қилиш бўйича даъво қўзғатади (Phoenix Action, Ltd. v. the Czech Republic, ICSID Case No. ARB/06/5). Ушбу ҳолда қабул қилувчи давлат юридик шахс Истроилда асосий тадбиркорлик фаолиятини олиб бормаслигини важ қилиб, шартнома бўйича имтиёз ёки ҳимояни инвесторга берилишини рад этиш ҳуқуқидан фойдаланиши ҳам мумкин эди. Бу ўринда баъзи трибуналлар қабул қилувчи давлат бу ҳуқуқни даъво қўзғатилишидан аввал қўллаши лозим деб шарҳ беради. Лекин бундай талабнинг мажбурий ёки мажбурий эмаслиги шартномаларнинг тегишли ҳолатлари мазмунни билан белгиланади.

### 3. Шартноманинг амал қилиш доираси бўйича бошқа чекловлар

ХИШнинг амал қилиш доираси, шунингдек, қўшимча шарт бўлган ёки чекланган рўйхат ёндашувидан фойдаланган ҳолда ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

- а) Қўшимча шарт бўлган рўйхат ёндашуви.

Ушбу ёндашувга кўра алоҳида секторлар, бошқарув соҳалари ёки чора-тадбирлар қўшимча шарт киритиш орқали шартноманинг амал қилиш доирасидан чиқариб ташланади. Ушбу қўшимча шартлар алоҳида шартнома иштирокчилари томонидан киритилади. Бундай рўйхат ҳам инвесторга, ҳам капитал киритаётган давлатларга шаффофлик муҳитини яратиб беради, зеро, улар қайси йўналишларда инвестициялар киритилмаслигидан яхши хабардор бўладилар. Бироқ ушбу ёндашув давлатлар учун ўзига яраша қийинчилкларни ҳам келтириб чиқаради. Чекловчи рўйхатни тузиб чиқиш учун қабул қилувчи давлатлар ўзларида мавжуд бўлган барча тегишли қонун ҳужжатлари, шунингдек, қабул қилинган чора-тадбирларнинг батафсил рўйхатини шакллантириб, уларни давлатнинг шартномавий мажбуриятларига қанчалик мос келишини, қайси ҳолатда бошқарув эркинлигининг сақлаб қолиниши кераклигини ўрганиб чиқишлиари талаб этилади. Лекин бундай рўйхат шакллантирилгандан сўнг уларни шартномада акс эттириш қийинчилик келтириб чиқармайди.

*б) Чекланган рўйхат ёндашуви.*

Ушбу ёндашувга мувофиқ шартномада санаб ўтилган секторларгина унинг амал қилиш доираси ҳисобланади. Қабул қилувчи давлатлар учун бундай ёндашув қулай бўлиб, аксинча, инвесторлар учун бундай рўйхат очик ва шаффоф бўлмаган муҳитни шакллантиради.

*в) Истиснолар.*

Икки аҳдлашувчи томоннинг шартномавий мажбуриятлари доираси хавфсизлик, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби масалалар юзасидан белгиланган умумий истиснолар билан чекланиши ҳам мумкин.

*г) Ҳудудий қамров.*

Бу барча давлатлар учун муҳим масала эмас. Одатда, шартномада ҳудудий қамровнинг акс этиши ҳудудий низоларга эга ёки ўз ҳудудининг айрим қисмини назорат қилмаётган давлатлар учун муҳим аҳамият касб этади. Улар тегишли ҳудудларни шартноманинг амал қилиши доирасидан чиқариб ташлашга интилади.

*д) Шартноманинг кучга кириши ва тугатилиши.*

Шартномалар, одатда, икки томон уларни ратификация қилганидан сўнг кучга киради. Бунда шартноманинг қўлланиш доираси фақат у кучга кирганидан сўнг киритилган янги инвестициялар билан чекланиши ёки уни бу даврда мавжуд бўлган инвестицияларга нисбатан ҳам қўлланиши масаласини ҳал қилиш лозим бўлади. Бу ўринда қабул қилиб олувчи давлатга шартноманинг фақат у кучга кирганидан сўнг киритилган янги инвестицияларга нисбатан қўлланиши мақбул ҳисобланади. Зеро улар учун бундай шартномаларни тузишдан мақсад мавжуд инвестицияларнинг ҳимояси эмас, балки янги инвестицияларни жалб қилишдир. Капитал киритувчи томон учун эса, аксинча, барча инвестицияларни ҳимоя қилиниши маъқулроқ. Жумладан, Канада ва Мозамбик ўртасида инвестиция битими келишилаётганида Канада бу даврда Мозамбикда мавжуд бўлган ўз инвесторларини ҳам ушбу шартнома билан ҳимоя қилишини келишишга уриниб кўрган.

Шунингдек, шартноманинг тугатилиши масаласида қабул қилувчи давлат шартномани дарҳол тугатилишидан манфаатдор бўлса, капитал киритувчи давлат эса шартнома асосида киритилган мавжуд инвестицияларни шартнома тугатилганидан сўнг ҳам, бир қанча давр мобайнида унинг ҳимояси остида бўлишидан манфаатдор бўлади. Масалан, АҚШнинг намунавий инвестиция битими шартнома тугатилдан сўнг 10 йил давомида уни киритилган инвестицияларга нисбатан амалда бўлишини белгилаб қўйган. Бундай муддатнинг берилиши инвесторларнинг ишончини ошириб, аҳдлашувчи давлатларни сармоя киритиш учун жозибадор қиласди.

*е) Инвестицияни қабул қилиш ва киритиш.*

Бу борада икки асосий шартнома моделлари мавжуд.

- Давлатлар чет эл инвестицияларни қабул қилиш бўйича мажбурият олмайди. Бу ҳолда шартнома ҳолатлари фақат қабул қилувчи давлатларнинг ички қонунчилигига мувофиқ инвестициялар қабул қилинганидан сўнг қўлланади. Бу умумий ёндашув бўлиб, у давлатларга инвестицияларнинг киритилиши ва қабул қилиниши мезонларини эркин белгилаш ҳамда вақти-вақти билан уларни ўзгартириб туриш имконини беради. Шунингдек, ушбу ёндашув давлатларга инвестиция киритилиши йўналишларини чеклаш эркинлигини беради.

- Давлатлар инвестицияларни қабул қилишга мажбур бўлади. Бу ҳолда давлатлар қўшимча шарт ёки истиснолар асосида шартноманинг амал қилиш доирасини чеклайди. Айрим давлатлар, шунингдек, инвестицияларни қабул қилишнинг алоҳида мезонлари ва тартибини ўрнатган ҳолда бундай шартнома амал қилиш доирасини чеклашлари ҳам мумкин. Масалан, Канада ўзининг инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қонун хужжатида (Investment Canada Act review) киритилаётган инвестициялар бўйича молиявий кўрсаткич (мезон) белгилаб қўйган бўлиб, ушбу кўрсаткичдан юқори миқдордаги ҳар қандай инвестиция хукумат томонидан ўрганиб чиқилиши мумкин бўлади. Бу каби механизмларни қўллай олиш учун давлатлар тегишли шартномаларда қўшимча шарт бериб ўтиши лозим.

Шунингдек, инвестицияни қабул қилиш ва киритиш хукуқи энг қулай миллий режим ҳамда миллий режим асосида инвестиция киритилишигача бўлган даврга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Масалан, НАФТАда шундай ҳолат бериб ўтилади.

#### *НАФТАнинг 1102-моддаси (Миллий режим)*

*Ҳар бир томон бошқа томоннинг инвесторларига инвестицияларни таъсис этиш, сотиб олиш, кенгайтириш, бошқариш, амалга ошириш, ишлатиш, сотиш ёки бошқача тасарруф қилишда ўз инвесторларига мос келадиган ҳолатлардан кам бўлмаган қулай режимни яратиб беради.*

ЖСТ тизимидағи Хизматлар савдоси бўйича Бош Битим (GATS) ва бошқа келишувларда эса миллий режимнинг қўлланишини талаб этувчи, шунингдек, чет эл капиталини чеклаш, инвестиция шаклига қўйиладиган талаблар (масалан, қўшма корхона) ёки хизмат кўрсатиш операцияларининг умумий қиймати каби бозорга киришни чекловчи чораларни тақиқловчи чекланган рўйхат ёндашуви қабул қилинган. Бироқ бундай тақиқлар фақат давлат томонидан ўз мажбуриятлари миллий жадвалида келтириб ўтилган хизматларга нисбатан ва у ерда белгилаб қўйилган чекловлар асосида қўлланилади.

ЮНКТАДнинг Барқарор ривожланиш учун инвестиция сиёсати деб номланган хужжатида эса давлатлар келгуси музокаралар асосида таъсис этиш ёки маълум вақт ўтгача, келажакда таъсис этиш хукуқини бериш учун барча саъй-ҳаракатларни қилишга рози бўлишлари мумкинлиги айтиб ўтилади.

### **ХИШдаги инвестиция режимлари (миллий режим, энг қулай режим,adolatli va teng xukukiliq rejimi, t'ulik ximoya va xavfizlik rejimi)**

## **ХИШда инвестициялар режимлари**

ХИШда инвестициянинг икки хил ҳимоя стандартлари мавжуд: энг қулай режим (ЭҚР) ҳамда миллий режим (МР) каби нисбий ҳимоя стандартлари; адолатли ва тенг хукуқлилик режими (АТҲР), экспроприация қилинган тақдирда муносиб компенсация бериш, инвестиция фаолиятини шартлашни ва маблағларни эркин ўтказиш бўйича шартларни чекланган ҳолда қўллаш каби мутлақ ҳимоя стандартлари.

### **1. Нисбий стандартлар**

### 1.1. Миллий режим

Бу режимга мувофиқ қабул қилувчи давлат чет эллик (бошқа аҳдлашувчи томони) инвесторларга (ва улар билан боғлиқ бўлган инвестицияларга) ўз инвесторларига (ва улар билан боғлиқ бўлган инвестицияларига) нисбатан, мос бўлган ҳолларда, кам бўлмаган қулай режимни яратиб беради. Бу ерда “мос бўлган” деган ибора “айнан бир хил” деган мазмунга эга эмас. Миллий режим ҳам қонун хужжатлари асосидаги (де юри), ҳам қонун хужжатларини қўллаш амалиёти асосидаги (де факто) дискриминацияни тақиқлайди.

Миллий режим инвесторларга бир хил ўйин қоидаларини таклиф этади ҳамда уларнинг дискриминация қилинишидан ҳимоя қиласди. Қабул қилувчи давлатлар ҳолатида эса бу режим уларга алоҳида ўз маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш имконини чеклайди. Давлатлар фақат шартномаларда келтирилган қўшимча шартлар ва истиснолар асосидагина миллий режим талабларини бузмасдан давлат харидлари, маҳаллий тадбиркорларга субсидиялар ёки солиқлар бўйича имтиёзлар беришлари мумкин. Масалан, АҚШнинг намунавий инвестиция битими миллий хавфсизлик бўйича истиснодан ташқари, бошқа ЭҚР ва МРни истисно этувчи ҳолатларни ҳам белгилаб қўйган. Шунингдек, қабул қилувчи давлатлар МР фақат шартномада келтирилган чекланган рўйхатда берилган иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари бўйича қўлланишини белгилаб қўйишлари ҳам мумкин.

АҚШнинг намунавий инвестиция битимида келтирилган МР бўйича ҳолат қуидагида берилган:

*“Ҳар бир томон бошқа томоннинг инвесторларига ўз инвесторларига нисбатан, мос бўлган ҳолларда, инвестицияларни таъсис этиш, сотиб олиш, кенгайтириш, бошқариш, амалга ошириш, хизмат қўрсатиш ҳамда сотиш ёки тасарруф қилишга доир яратилган қулай режимдан кам бўлмаган режим яратиб беради.”*

Берилган нормадаги МРнинг амал қилиш доираси чекланган бўлса-да, нисбатан кенг бўлиб ҳам ҳисобланади. МР фақат инвестицияларни “таъсис этиш, сотиб олиш, кенгайтириш, бошқариш, амалга ошириш, хизмат қўрсатиш ҳамда сотиш ёки тасарруф қилишга” нисбатан қўлланади.

МР билан боғлиқ бўлган кейинги масала – бу чет эл инвесторлари маҳаллий рақобатчилари ким эканини аниқлаш. Бу борада турли арбитражлар ўртасида “мос бўлган ҳоллар” тушунчасини шарҳлашда ЖСТ доирасидаги “ўхшаш маҳсулот” тушунчаси шарҳланганидек ёндашувни қўллаш борасида яқдиллик йўқ. Сўнгги вақтларда арбитражлар томонидан “мос бўлган ҳоллар” тушунчасини кенгайтириб шарҳлаш ҳолатлари юз бермоқда. Бундай шарҳлаш натижасида иқтисодиётнинг айнан бир сектори доирасидаги миллий тадбиркорлик чет эллик инвесторнинг рақобатчиси сифатида қаралмаслиги мумкин.

Масалан, Bayindir (Туркия фирмаси) ва Покистон ўртасидаги инвестицион низода Покистон даъвогарга нисбатан миллий режим яратиб берилганини аниқлаш учун уни маҳаллий фирма билан таққослаш керакми деган масалани илгари сурди. Мазкур масала Bayindir ва Покистон ҳукумати ўртасида катта йўл қурилиши бўйича тузилган инвестицион шартнома тугатилиб, ушбу лойиҳани амалга ошириш бошқа маҳаллий ва хорижий компаниялар консорциумига топширилгани юзасидан инвестор томонидан келтирилган даъво кўриб чиқилишида кўтарилди.

Даъвогар ўзи ёллаган ҳамда консорциум томонидан амалга ошираётган йўл қурилиши айнан бир лойиҳа экани ва шунинг асосида даъвогар ҳамда консорциум “мос бўлган ҳолатда” эканини таъкидлайди. Шунинг асосида даъвогар Покистон

маҳаллий фирмаларни чет эл инвесторидан устун қўйганини даъво қилади. Лекин низони кўриб чиқаётган арбитраж органи лойиҳани амалга оширишга жалб этилган маҳаллий пудратчилар ушбу ишга даъвогарнинг ҳолатидан бошқача бўлган вазиятда киришганини эътироф этади. Хусусан, уларга лойиҳани якунлашга кўпроқ вақт, ўзгача молиявий имтиёзлар берилган, шунингдек, улар бундай қўламдаги лойиҳаларни амалга оширишда кам тажрибага эга бўлган. Юқорида қайд этилганлар асосида маҳаллий пудратчилар даъвогар билан “мос бўлган ҳолатда” эмас деган хуносага асосланиб, арбитраж Покистоннинг шартнома моҳияти бу икки ҳолатда турлича деган важини қўллаб-қувватлади. Яъни бу борада Покистон томонидан амалга оширилган чоралар миллий режимнинг бузилиши ҳисобланмаган (чет эллик инвестор ва унинг маҳаллий рақобатчилари ўртасидаги дискриминация эмас). Юқоридаги мисол давлатлар бирон-бир чорани дискриминация қилиш ниятида амалга ошириши қўпгина низолар учун аҳамиятсизлигини ҳамда бундай ниятни исботлаш жуда қийин эканини кўрсатади.

Мос бўлган ҳолатларда чет эллик инвестор ва маҳаллий тадбиркорлар ўртасида дискриминация сифатида қаралмайдиган яна бир ҳукумат томонидан қабул қилинган чора бу атроф муҳитни ҳимоя қилиш мақсадида айrim технологияларнинг қўлланишини чеклаш ҳисобланади. Ҳатто бундай технологиялар маҳаллий тадбиркорларда бўлмай, улардан фақат чет эллик инвестор фойдаланадиган бўлса ҳам, бу вазият дискриминация сифатида қаралмаслиги мумкин (улар “мос бўлган ҳолатда” эмаслар деб топилиши мумкин). Зеро юқоридаги чора субъектларни уларнинг миллий мансублигига қараб эмас, балки қайси бири атроф муҳитни ифлослантираётганига қараб фарқлади. Кўринишидан дискриминация бўлган чоралар ҳам айrim ҳолларда улар дискриминациявий бўлмаган давлат сиёсати мақсадларига эришишдаги зарур воситалар бўлгани учун мажбуриятларнинг бузилиши сифатида қаралмайди.

Шунингдек, айrim давлатлар миллий рижимнинг қўлланиш доирасини маҳаллий ва федерал ҳокимиятлар даражаси билан ҳам чеклаши мумкин. Масалан, АҚШнинг намунавий инвестиция битимида мана шундай ҳолат бериб ўтилади. Унга кўра, бир томоннинг (масалан, АҚШ) маҳаллий ҳокимияти чет эллик инвесторга ушбу томоннинг (АҚШнинг) бошқа маҳаллий ҳокимияти худудидаги инвесторларига нисбатан амалда бўлган миллий режимни яратиб беради.

## 1.2. Энг қулай режим (ЭҚР)

ЭҚР деярли барча ҳалқаро савдо ва инвестиция шартномаларида учрайди. ЭҚР миллий режимга қараганда камроқ мунозараларга сабаб бўлади. Зеро, аксарият давлатлар, преференциал савдо ҳамда инвестиция шартномаларидан ташқари, турли хорижий давлатлар ўртасидаги дискриминация қиладиган чораларни қабул қилишмайди. Шунга қарамай, ушбу режим ҳам МР каби бир нечта масалаларга аниқлик киритилишини талаб этади. Масалан, таққосланадиган субъектлар қайси экани, “мос бўлган ҳолатлар”, шунингдек, фарқловчи режим ва фарқлашга бўлган интилиш нимани англатишини аниқлаш мана шундай масалалар бўлиб ҳисобланади.

Бу борадаги энг муҳим масалалардан бири бу ЭҚР қанчалик даражада икки низолашаётган томон ўртасида келишилмаган бошқа шартномада келтирилган бирон-бир стандартни низога асос бўлган шартномага кўчириб ўтказиш имконини беришни аниқлашдир. Масалан, бир низода Аргентиналик инвестор Испания ва Чили ўртасидаги инвестиция битимида низоларни ҳал қилиш тартиби Аргентина ва Испания ўртасидаги ўрнатилган бундай тартибдан қулайроқ бўлгани учун Аргентина ва Испания ўртасида тузилган инвестиция битимининг ЭҚР ҳолати асосида Испания ва Чили ўртасидаги инвестиция битимида берилган тартибдан фойдаланишни талаб қилади. Чунончи, Аргентина ва Испания ўртасидаги инвестиция битими даъво қўзғатиш учун 18 ойлик муддат ўтишини талаб қилади. Испания ва Чили ўртасидаги битимда бундай талаб келтирилмаган. Ишни кўриб чиқсан арбитраж органи инвесторнинг ушбу талабини

қондиради. Бундай қарорга келган арбитражнинг фикрига кўра, ҳар қандай ХИШнинг мақсади инвестициялар учун қулай шароитларни яратиб бериш ҳисобланади. Бундай қарор, албатта, инвесторларга турли хил шартномалардан энг қулай бўлган стандартларни танлаш имконини беради. Юқоридагига ўхшаш ҳолат Bayindir ва Покистон ўртасидаги инвестицион низода ҳам юзага келади. Бу сафар Покистон ва Швейцария ўртасида тузилган инвестиция битимида келтирилган адолатли ва тенг ҳукуқлилик режимидан (шартнома ҳолати) Покистон ва Туркия ўртасида тузилган инвестиция битими бўйича юзага келган низода қўлланилади.

Бу ўринда, шартномада келтирилган ЭҚР асосида унга бошқа шартнома ҳолатларининг кўчириб ўтказилиши ундаги мажбуриятларнинг барқарорлиги ва ўзаро мувофиқлигига таҳдид солиши мумкин. Янги шартномага ЭҚРнинг киритилиши унга эски шартнома ҳолатларини ва, аксинча, янги шартнома ҳолатларини эски шартномаларга ҳам кўчириб ўтказиш имконини беради. Бу муаммони ҳал қилишнинг бир йўли шартномаларга истиснолар ва маҳсус қўшимча шартлар киритиш ҳисобланади. Шунингдек, АҚШнинг намунавий инвестиция битимида бўлгани каби ЭҚР амал қилиш доирасини айрим фаолиятга нисбатан чеклаб қўйиш мумкин. Яна бу борада Канаданинг чет эл инвестициларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги намунавий битимида қўлланилган ёндашувдан ҳам фойдаланса бўлади. Ушбу хужжатнинг учинчи иловаси ЭҚРдан истисно этувчи ҳолатларни қўйидагича келтириб ўтади:

#### *Учинчи илова*

1. 4-модда [ЭҚР] ушбу Битим қучга киргунига қадар амалда бўлган ёки имзоланган барча икки томонлама ёки кўп томонлама халқаро шартномаларда яратиб берилган режимларга нисбатан қўлланилмайди.
2. 4-модда томоннинг ҳар қандай мавжуд ёки келажакдаги икки томонлама ёки кўп томонлама келишувга мувофик;
  - а) эркин савдо худудини ёки божхона иттифоқини ташкил этиш, мустаҳкамлаш ёки кенгайтириш борасидаги;
  - б) (i) авиация; (ii) балиқчилик; (iii) денгиз масалалари, шу жумладан, қутқариш билан боғлиқ шартномаларида яратиб берилган режимларга нисбатан қўлланилмайди.
3. Янада аниқроқ бўлиши учун, 4-модда икки томонлама келишувга биноан ёки ИХТТнинг Экспорт кредитлари тўғрисидаги битими каби қўп томонлама келишув ёки шартномага биноан иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш учун ҳар қандай жорий ёки келажакдаги ташқи ёрдам дастурига татбиқ этилмайди.

#### *2. Мутлақ ҳимоя стандартлари*

##### *2.1. Адолатли ва тенг ҳукуқлилик режими (АТҲР)*

Адолатли ва тенг ҳукуқлилик режими (АТҲР) минимал ҳимоя стандарти ҳисобланади. Ушбу режим деярли барча инвестиция шартномаларида учрайди. Ушбу режим инвестицион низолар учун энг кўп асос бўладиган шартнома ҳолати ҳисобланади ҳамда энг муваффақиятли даъволарнинг асоси ҳамдир. АТҲР кенг тушунчага эга стандарт бўлиб, уни амалда қўллаш жуда қийин. АТҲР шартномаларда турлича акс эттирилади. Бир гуруҳ шартномалар АТҲРни “тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик” ҳамда “халқаро ҳукуқнинг умумий принциплари” билан биргаликда белгилаб қўяди. Қолганлари эса АҚШнинг намунавий инвестиция битимида бўлгани каби АТҲРни фақат халқаро одат ҳукуқи нормалари билан чеклайди. АТҲР чет эл инвесторларига нисбатан амалда бўлиши умум эътироф этилган, лекин ушбу стандарт нималарни

талаб этиши ҳақида бундай яқдиллик мавжуд эмас. Шу сабабли ҳам уларни халқаро одат ҳуқуқи нормалари билан чеклашга ҳаракат қилинади. Агарда бундай қилинмаса, АТҲР мустақил ҳимоя стандарти бўлиб қолади. Ҳар қандай ҳолда АТҲР мазмунига ҳар бир шартнома матнидан келиб чиқиб шарҳ берилади.

Минимал ҳимоя стандарти сифатида АТҲР энг камида давлатдан инвесторларга нисбатан вижданан бўлмаган, асосланмаган чораларни қўлламасликни, уларнинг манфаатларини атайлаб эътиборсиз қолдирмасликни ёки инвесторларга асоссиз муносабатда бўлмасликни талаб этади. Вижданан муносабатда бўлиш деганда эса давлат инвесторга зарар етказиш мақсадида ҳаракат қилмаслиги лозимлигини англатади. Келтириб ўтилган Bayindir ва Покистон ҳукумати ўртасидаги низода ҳам катта йўл қурилиши бўйича тузилган инвестицион шартнома тугатилиб, ушбу лойиҳани амалга ошириш бошқа маҳаллий ва хорижий компаниялар консорциумига топширилгани даъвогар томонидан ушбу ҳолат давлат АТҲРни бузиб ҳаракат қилди деб важ қилишга асос бўлган.

Минимал ҳимоя стандарти асосида давлат инвесторларга зарар етказилишининг олдини олиш учун тегишли тартибда ва равишда эҳтиёткорона муносабатда бўлиши керак. Тегишли тартиб инвесторга таъсир этувчи давлатнинг маъмурий чоралари ҳақида уларга олдиндан хабардор қилишни назарда тутади. Шунингдек, давлат одил судловга бўлган ҳуқуқни рад этмаслик мажбуриятини олади. Одил судловни рад этиш – бу судларнинг инвесторга қарши ҳар қандай қарор чиқармаслигини эмас, аксинча, судга мурожаат қилишни рад этиш, даъво аризасини кўришдан бош тортиш, суд қарорининг асоссиз кечикиши ёки одил судловни нотўғри олиб бориш ва қонунларнинг нотўғри қўлланишини тақиқлайди.

Баъзида одил судловнинг рад этилиши аниқ кўриниб туради.

Масалан, Ловен (Loewen) ишида фуқаролик ишлари бўйича суд жараёнида даъвогарнинг АҚШлик адвокати чет эллик жавобгарга нисбатан камситувчи сўзлар билан чиқиб, ишни ирқий масала бўйича низога айлантириб юборган. Суд адвокатнинг ушбу нотўғри важларига тўсқинлик қилмай, натижада жавобгар инвесторга нисбатан жуда катта миқдордаги жазо чоралари кўрилди.

2009 йилги Glamis Gold ишида НАФТА шартномасида берилган ҳамда халқаро одат ҳуқуқи нормаларига боғланган АТҲРни шундай тавсифлади:

“... НАФТАнинг 1105-моддасида кодификация қилинган халқаро одат ҳуқуқнинг минимал ҳимоя стандартини бузиш, етарлича қўпол ва даҳшатли ҳаракатни талаб қиласдики, одил судловни қўпол равишда рад этиш, очиқ ўзбошимчалик, очиқ адолатсизлик, тегишли жараённинг мавжуд эмаслиги, очиқ камситиш, ёки асослантиришнинг яққол мавжуд эмаслиги – бу қабул қилинган халқаро стандартлардан пастга тушиш ва 1105-модданинг бузилиши ҳисобланади. Бундай бузилиш “одил судловга бўлган ҳуқуқни қўпол равишда рад этиш ёки қабул қилинадиган халқаро стандартлардан паст бўлган очиқ ўзбошимчалик”да; ёки давлат томонидан инвестицияларни жалб қилиш учун объектив тахминлар шакллантириб ва кейинчалик ушбу тахминларни рад этилишида намоён бўлиши мумкин.”

Суд бу ўринда 1927 йилдаги Неэр (Neer) ишига (АҚШ-Мексика даъволар бўйича комиссияси) мурожаат қиласди ва НАФТАнинг 1105-моддасини шарҳлаб, АТҲР даъволари учун жуда юқори стандартни ўрнатади, яъни АТҲР фақат одил судловга бўлган ҳуқуқни англатмайди деб эътироф этилади. Ушбу стандартни қўллаган ҳолда, арбитраж тоғ-кон соҳасидаги Канадалик инвесторнинг Калифорния штатининг ундан конни тўлдириш талаби бўйича келтирган даъвосини қондирмайди. Бу стандартга жуда тор қараш ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда эса арбитражлар ушбу стандартни кенгроқ талқин қиласди. Масалан, бу ёндашувга кўра, АТҲР давлатлардан инвесторларнинг легитим тахмин ва

кутишларига мувофиқ ҳаракат қилишни талаб этиши тушунилади. Легитим тахмин ва кутушлар қўйидагиларга асосланиши мумкин:

*a) Шартномаларга риоя қилиш.*

Шартномаларга риоя қилиш оқилона тахминдир. Трибуналлар шартномаларнинг барча бузилиши АТҲРни бузилиши эмаслигини таъкидлаганлар. Агар давлат ўз суверен ҳуқуқи асосида шартномани бутунлай рад этса, бу ҳаракат АТҲРни бузиши мумкин. Лекин агар давлат тижорат низосининг асосларини тугатса, бу АТҲРни бузиш ҳисобланмайди. Масалан, Waste Management иши ҳолатига кўра АҚШлик инвестор Мексикада чиқиндиларни йиғиш бўйича шартнома муносабатларига киришган эди. Шаҳар маъмурияти ушбу шартномани бекор қилди. Бу ҳолатда АТҲР бузилган ҳисобланадими? Трибунал қарорига кўра, давлат бу ҳолда тижорат субъекти сифатида ҳаракат қилиб, инвесторнинг ёмон ишлаши сабабли шартномани бекор қилган. Шу сабабли бу вазиятда трибунал АТҲР мажбуриятининг бузилишини топмаган.

*б) Инвестиция киритиш вақтидаги ҳуқуқий режим.*

Инвесторлар давлат ўз қонун-қоидалари барқарорлигини, башорат қилинишини ва ошкоралигини таъминлайди деган асосли тахминларга эга. Давлатлар ички режим талабларига мувофиқ (масалан, демократик тизимда янги сайланган ҳукуматлар амалдаги сиёсатга ўзгаришлар киритиш учун катта босим остида бўладилар) тегишли ўзгаришларга жавоб бериш учун айрим эркинликка эга бўлишлари ҳам керак. Инвестор ва давлат ўртасидаги низоларни кўриб чиқсан арбитражлар бундай мослашувчанликнинг рухсат этилган кўлами бўйича яқдил эмаслар.

*в) Умумий тахмин ва кутишлар.*

Инвесторлар давлат қонун хужжатларини қўллашда изчил бўлишини, тегишли тартибларга амал қилишини ва вижданан ҳаракат қилишини оқилона тахмин қиласдилар.

АТҲРнинг кенг талқин этилишини Испания ва Мексика ўртасидаги инвестиция битими асосида кўриб чиқилган Testmed иши бўйича чиқарилган қарорнинг 133-параграфида кўриш мумкин:

“... ҳалқаро инвестицияларга нисбатан уларни киритиш вақтида чет эл инвестори томонидан ҳисобга олинган асосий тахминларга таъсир қилмайдиган чораларнинг қўрилишини таъминлаш. Чет эл инвестори ўз инвестицияларини бошқарадиган ҳар қандай ва барча қоидалар ва тартибларни, шунингдек, ўз инвестицияларини режалаштириш ва бундай қоидаларга риоя қилиш имкониятига эга бўлиш учун тегишли сиёсат ва маъмурий амалиёт ёки қўрсатмаларнинг мақсадларини олдиндан билиши мақсадида, қабул қилувчи давлат изчил, ноаниқликдан холи ва чет эл инвестори билан бўладиган муносабатларда мутлақо шаффофф ҳаракат қилишини кутади. ... Чет эл инвестори, шунингдек, қабул қилувчи давлатнинг изчил, яъни инвестор томонидан ўз мажбуриятларини қабул қилиш, шунингдек, тижорат ва бизнес флаолиятини режалаштириш ва бошлиш учун давлат томонидан олдин қабул қилинган қарорлар ёки рухсатномаларни ўзбошимчалик билан бекор қилмасдан ҳаракат қилишини кутади. ...”

Бундай кенг қамровли АТҲР инвесторларни жуда ҳам кучли ҳимоя қиласди. Бундай ёндашув кейинчалик кўп ишларни кўриб чиқиши чоғида қўлланилган.

АТҲР минимал ҳимоя стандарти бўлгани учун одатда у бўйича истиснолар ёки қўшимча шартлар келтирилмайди. Албатта, бу режим бўйича ҳам истиснолар ёки қўшимча шартлар келтириши керакми деган савол туғилиши мумкин. Лекин бу ҳолатда

капитални экспорт қилувчи давлатлар ҳалқаро одат хуқуқида ўрнатилган минимал ҳимоя стандартларидан ҳам қучсиз бўлган ҳимояга рози бўлармикинлар?

## 2.2. Тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик режими (ТХХ)

Аксарият инвестиция шартномаларда инвестицияларни ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминловчи қоидалар мавжуд. Ушбу шартномаларнинг аксариятида, шу жумладан, яқингача амалда бўлган НАФТАда бу стандарт “тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик” деб номланади. Бошқа шартномаларда эса, шу жумладан, Энергия Хартияси Шартномасида у “энг доимий ҳимоя ва хавфсизлик” шаклида келтирилган. Айрим шартномаларда “ҳимоя” сўзидан олдин “хавфсизлик” сўзи туради. Шартнома матнидаги бу тафовутлар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Бу борадаги шартноманинг тегишли ҳолатлари матни қабул қилувчи давлат инвестицияларни салбий таъсиrlардан ҳимоя қилиш учун фаол чоралар кўриш мажбуриятини олганини англаради. Салбий таъсиrlар намойишчилар, ишчилар ёки бизнес шериклар каби хусусий шахслар ёки қабул қилувчи давлат ва унинг органларининг, шу жумладан, қуролли қучларининг ҳаракатлари оқибатида келиб чиқиши мумкин. Трибуналлар ушбу турдаги ҳимоя инвесторга ўз хуқуқларини самарали амалга оширишга имкон берадиган хуқуқий хавфсизликни кафолатлашини таъкидлаб ўтади.

Жуда кўп такрорланадиган ҳолат – бу тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик режиминингadolatli ва teng xukuklilik regime, shuningdek, halqaro odat xukukdagi minimal standartlar bilan qanday aloqadaliqini aniqlashga bolgan harakat xisoblanadi. Arbitrakhjalr t'oliq himoya va hafifizlik tushunchalari shunchaki ATXR va halqaro odat xukukidagi standartlarni aks ettiрадими ёки mustaқil va қўшимча стандарт бўлиб xisoblanadimi degan masalada ягона фикр бермайдilar.

Арбитражлар одатда тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик бузилган тақдирда жавобгарлик стандарти бўйича яқдиллар. У шунчаки эҳтиёткорона муносабатни талаб қиласди ва мутлақ жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Хорижий инвестицияларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги шартномаларнинг аксариятида келтириб ўтилганига қарамай, тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик стандарти инвестиция арбитражлари томонидан кам кўрилган масала xisoblanadi.

Тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик тушунчаси инвесторлар ва инвестициялар учун жисмоний хавфсизлик кафолати асосида келиб чиқсан. Қабул қилувчи давлат ходимлар, бизнес шериклар ёки намойишчилар каби хусусий шахсларнинг куч ишлатиб, инвестиция худудига киришидан ҳимоя қилишга мажбур. Бундан ташқари, тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик стандарти полиция ва қуролли қучлар каби давлат органларининг инвестиция фаолиятига мажбуран аралашувига қарши қаратилган.

Сўнгги пайтларда арбитражлар ушбу стандарт нафақат жисмоний аралашишдан ҳимояни, балки инвестицияларнинг хуқуқий кафолатларини ҳам қамраб олишини таъкидлаб ўтадилар. Ушбу талқин остида қабул қилувчи давлат инвесторга ўз сармоясини ҳимоя қилиш учун самарали чоралар кўришга имкон берадиган хуқуқий база билан таъминлаш мажбуриятини олади.

Баъзи шартномалар тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик стандартининг мазмунини ҳалқаро одат хуқуқида ўрнатилган минимал стандартлар bilan cheklайдi. Халқаро minimal standartga aniq cheklolalar mavjud bolumagannda, ushbu standartiga avtonom va halqaro odat xukukiga қўшимча сифатida қараш maъkul.

Бир қатор низоларни кўриш жараёнида тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик ATXRning соясида қолиб кетган. Баъзи арбитражлар ҳатто биринчи стандарт иккинчисидан mustaқilligiga shubxa қилиshgan. Boşqa tribunallar ikkala standartning mustaқil mavjudligini ehtiroyf etishgan. Aslida bu ikki standart bir-biridan farq қиласdi. ATXR қабул қилувчи давлатданadolatsiz va teng bolumagan xatqi-ҳaракатlardan

воз кечиши талаб қиласи. Бундан фарқли ўлароқ, тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик давлатдан инвестицияларни салбий таъсиридан ҳимоя қилиш учун тегишли воситалар яратилишини талаб этади.

Тўлиқ ҳимоя ва хавфсизликни таъминлаш мажбурияти чексиз эмас ва мутлақ жавобгарликни келтириб чиқармайди. Бу борада арбитражлар қабул қилувчи давлатлар инвестицияларга нисбатан фақат эҳтиёткорона муносабатда бўлиши кераклигини доимий равишда таъкидлайдилар. Бунда давлатларнинг ривожланганлик даражаси ҳамда улардаги мавжуд ресурслар ҳолати уларнинг қанчалик мазкур мажбуриятни бажариш кўламига таъсир этиши ҳали ҳамон музокарали масала.

## **ХИШдаги инвестиция ҳимояси стандартлари (экспроприация қилинишидан ҳимоя ва компенсацияга бўлган ҳуқуқ, маблағларни эркин ўтказиш)**

### *1. Ҳимоя стандартлари*

#### *1.1. Экспроприация*

Ҳар бир давлат, агар у жамоат мақсадлари учун бўлса (масалан, автомобил ва темир йўл қуриш учун), ўзбошимчалик билан ёки дискриминацияга асосланмаган бўлса (ҳам чет эллик, ҳам маҳаллий инвесторлар учун бирдек қўлланса), қонун ҳужжатлари асосида ва уларда ўрнатилган тартибига мувофиқ (яъни, адолатли жараён, тегишли равишда огоҳлантириш, экспроприация устидан шикоят қилиш ҳуқуқи берилган ҳолда) ва тегишли компенсация бериш билан бирга амалга оширилган бўлса, экспроприация қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу талаблар одатда халқаро одат ҳуқуқида ёки миллий қонунларда ифодаланади ва давлатнинг қайси ҳаракатлари экспроприацияни ташкил этади ва бундай ҳаракат учун компенсация қандай бўлишини белгилайди. Экспроприациянинг икки тури мавжуд.

#### *a) Тўғридан-тўғри экспроприация.*

Бунда давлат инвесторнинг мулкини ўз ҳисобига ўтказади (ўз мулкига айлантиради).

#### *б) Билвосита экспроприация.*

Бунда давлатнинг бирон-бир ҳаракати инвесторнинг ўз мулкидан фойдаланиш (уни тасарруф этиш ва бошқариш) қобилиятига жиддий таъсир кўрсатади, аммо мулк расман давлат ҳисобига ўтмайди. Билвосита экспроприация қачон содир бўлгани аниқ бўлмайди.

Билвосита экспроприациялар масаласида ХИШлар давлатнинг инвесторга компенсация бермасдан қонуний асосларга кўра тартибга солиш ҳуқуқини амалга ошириши ҳамда инвесторни ўз мулкидан тегишли фойда олиш ҳуқуқининг ҳимояси ўртасида мувозанатни таъминлаши лозим. Яъни шартномалар инвесторга сезиларли даражада зарап келтирган давлатнинг жамият мақсадидаги вижданан амалга оширган қайси тартибга солиш бўйича фаолиятини барibir “билвосита экспроприация” деб ҳисобланиши ва тегишли компенсация тўлаш учун асос бўлишини аниқлаб қўйиши лозим. Арбитражлар бу масалага аниқлик киритмайди.

Канаданинг чет эл инвестициларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги намунавий битими тегишли иловасида (В-иловасида) билвосита экспроприацияга таъриф бериб ўтилади. Унга кўра билвосита экспроприация тўғридан-тўғри экспроприацияга тенг

келадиган чора ёки бир қатор чора-тадбирлар экан таъкидланиб, бу борада кўриб чиқилиши керак бўлган омиллар рўйхати келтирилади.

*“Томонлар қуидагилар бўйича умумий тушунишга эришилганларини тасдиқлайдилар:*

*a) билвосита экспроприация қилиш, мулкка эгаликни расмий ўзгаришсиз ёки аниқ тортиб олишисиз тўғридан-тўғри экспроприацияга мос келувчи томонларнинг чора ёки қатор чоралари натижасида юзага келади;*

*b) Томонларнинг чораси ёки бир қатор чоралари билвосита экспроприацияни ташкил этадими ёки йўқлигини аниқлаш, бошқа омиллар қаторида, қуидагиларни алоҳида-алоҳида, далилларга асосланган ўрганилишини талаб қиласди:*

*i) чора ёки бир қатор чора-тадбирларнинг иқтисодий таъсири, гарчи томонларнинг чора ёки бир қатор чора-тадбирлари инвестицияларнинг иқтисодий қийматига салбий таъсир қўрсатган бўлса-да, билвосита экспроприация содир бўлганини англатмайди;*

*ii) чора ёки бир қатор чора-тадбирлар аниқ, оқилона инвестициялар билан таъминланган тахминларга халақит берадиган даражада таъсир қиласди;*

*iii) чора ёки бир қатор чора-тадбирларнинг характеристи;*

*c) камдан кам ҳолатларда, масалан, чора ёки бир қатор чора-тадбирлар ўз мақсадлари нуқтаи назаридан шу қадар жиiddийки, уларни вижданан қабул қилинган ва қўлланилган деб ҳисоблаш мумкин эмас бўлган ҳолатлардан ташқари, томонларнинг соғлиқни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш каби легитим ижтимоий мақсадларини ҳимоя қилиш учун ишлаб чиқилган ва қўлланиладиган камситувчи бўлмаган чоралари билвосита экспроприация бўлиб ҳисобланмайди.”*

Экспроприация бўйича мунозараларни мос компенсация стандарти масаласини ҳал қилмасдан якунлаб бўлмайди. Ушбу стандартга берилган бир таърифга кўра, мос компенсация тезкор (кечиктирмасдан), самарали (у тўланадиган шаклга ишора қиласди, бу, одатда, конвертация қилинадиган валютани англатади) ва етарли миқдорда (адолатли бозор қиймати, баланс қиймати ёки баъзан бухгалтерия қиймати) бўлиши керак.

Баъзи ривожланаётган давлатлар томонидан эса бундай компенсация тегишли ёки адолатли бўлиши лозимлиги таъкидланиб, одатда, бу қабул қилувчи давлатнинг тўлов қобилиятини ҳисобга оладиган қуий стандартни англатади. Инвесторлар ушбу ёндашувни унчалик аниқ эмаслиги ва зарарни тўлиқ қопланиш эҳтимоли камлиги сабабли, қўллаб қувватламасликлари мумкин. Яна бир масала: агар инвестор зарарни камайтириш чораларини кўрмаган бўлса, мос равишда компенсация ҳам камайтириш кераклиги ёки керак эмаслигини аниқлаштириш бўлади.

Шунингдек, экспроприация учун компенсация мажбурияти бўйича қўшимча шарт ёки истисно келтирилиши мумкинлиги ҳам аниқланиши лозим. Бу масалада инвесторлар ўз мулки экспроприация қилинган тақдирда ҳар қандай ҳолатда компенсация олиш хуқуқини талаб қиласди.

## 1.2. Инвестиция фаолияти талабларини бажариш

Инвестиция фаолияти талабларини бажариш мажбурияти қабул қилувчи давлатлар томонидан (i) инвестицияларни қабул қилиш ва (ii) инвестиция фаолиятини давом эттиришга рұксат бериш шарти сифатида қабул қилинган мажбуриятлардир.

Бундай шартлар қабул қилувчи давлатлар томонидан инвестициялар киритилишидан маълум фойда олиш учун қўлланилади, аммо инвесторларнинг норозилиги сабабли бу масала борасида келишмовчиликлар мавжуд. Қабул қилувчи

давлатлар бундай шартлар инвесторлардан ўз маҳсулотини экспорт қилишни, маҳаллий ишчи кучи малакасини ошириш ва давлатга янги технологияларини олиб киришини талаб қилиб, миллий иқтисодиёт ривожига катта фойда келтириши мумкинлигини таъкидлайди. Импортни чекловчи шартлар ортиқча импорт қилиш натижасида келиб чиқадиган тўлов баланси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Шу билан бирга, инвесторлар бундай шартлар улар фақат чет элликларга нисбатан қўлланилади ва ўз бизнесларини амалга оширишда самарасиз чекловлар қўяди дея улар миллий режим талабларига мос эмас деб ҳисоблашади.

ЖСТнинг Савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари тўғрисидаги Битимиға (ТРИМС) мувофиқ миллий режим (Бош келишувнинг 3-моддаси) ҳамда квоталарни тақиқлаш қоидалари (Бош келишувнинг 9-моддаси) талабларига зид келувчи товарлар савдосига таъсир қилувчи шартларни ўрнатилиши тақиқланади. ЖСТнинг Хизматлар савдоси бўйича Бош Битимиға зид келувчи хизматлар савдосига таъсир қўрсатадиган шартлар ҳам тақиқланади. Жумладан, чет эл инвесторларининг экспорт қилиш кўрсаткичлари бўйича талаблар, чет эл инвесторлари томонидан маҳсулотларни ишлаб чиқишида фақат маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш шарти, чет эл инвесторларидан маҳаллий маҳсулотлар ва хизматларни сотиб олишини талаб қилиш, чет эл инвесторларининг экспорти асосида импортни чеклаш (савдо баланси) ва чет эллик инвесторнинг экспорт савдоси орқали эга бўладиган хорижий валюта миқдорига асосан уларнинг валюталар бозоридаги иштирокини чеклаш (валюта баланси).

Одатда, ХИШда бундай шартлардан фойдаланиш бўйича чекловлар ўрнатилмайди. Лекин АҚШ ва Канада томонидан тузиладиган шартномалар бундай шартларни тақиқлайди. Уларда келтирилган бундай шартларнинг рўйхати ТРИМСда келтирилган рўйхатдан ҳам кенгроқ бўлиб, уларга қўшимча равишда инвестицияларни таъсис этиш, сотиб олиш, кенгайтириш, бошқариш, амалга ошириш, хизмат қўрсатиш ҳамда сотиш ёки тасарруф қилишда янги технология трансфери ҳамда маълум турдаги маҳсулотни ишлаб чиқиши шартларини ҳам ўз ичига олади.

Покистон ва Малайзия ўртасидаги Яқин иқтисодий шериклик тўғрисидаги битимнинг 92-моддаси ТРИМСда келтириб ўтилган ҳолатларни такрорлайди.

*1. Ушбу бобнинг мақсадлари учун Томонлар ЖСТ таъсис этиши тўғрисидаги шартноманинг 1-Аиловасида келтирилган Савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари тўғрисидаги битим (бундан буён матнда "ТРИМС" деб юритилади) бўйича ўз мажбуриятларини тасдиқлайдилар ва шу билан ТРИМС қоидаларини, уларга киритилиши мумкин бўлган ўзгартиришлар билан ушбу бобнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади.*

*2. Томонлар бошқа Томоннинг билдиришномасига биноан бошқа Томон билан бошқа Томоннинг инвесторлари ва уларнинг инвестицияларига тааллуқли ҳар қандай масала бўйича зудлик билан маслаҳатлашувлар ўтказадилар.*

ТРИМС ҳолатларини инвестиция шартномасига киритилиши ТРИМС ҳолатларини ушбу инвестиция шартномасида кўзда тутилган низоларни ҳал қилиш механизмлари доирасида қўлланишини ҳам англатади.

### 1.3. Маблағларни эркин ўтказиши кафолатлари

Қабул қилувчи давлатни инвесторга ўз маблағларини қабул қилувчи давлат ҳудудига ва унинг ташқарисига чекловларсиз эркин ўтказишга рухсат бериши инвестор эътибор қаратадиган асосий ҳолат ҳисобланади.

Қабул қилувчи давлатга эса сиёсий қарорлар қабул қилиш эркинлигига эга бўлиш учун маълум даражада капиталнинг чиқиб кетиши мониторингини олиб бориш, тартибга солиш ва, баъзи ҳолларда, назорат қилиш ҳамда бошқа ҳолатларда ўтказмаларини тартибга солиш муҳим аҳамиятга эга.

Дастлабки шартномаларда, гарчи тўлов баланси инқирози каби баъзи ҳолатларда капиталнинг чиқиб кетишини бошқариш учун қонуний асослар мавжуд бўлса-да, пул маблағларини ўтказиш бўйича истиснолар мавжуд эмас эди. Гарчи ХВФ қоидалари жорий операциялар билан боғлиқ пул ўтказмаларини назорат қилинишини тақиқласа ҳам, ушбу қоидалар капитал операцияларига (яъни инвестицияларга) тааллуқли эмас. Хизматлар савдоси бўйича Бош битим қоидалари давлатларга ушбу шартнома иловасида келтирилган ўзларининг хизмат секторлари билан боғлиқ маҳсус мажбуриятлари доирасида капитал оқимини назорат қилишни тақиқлади. Пул ўтказмалари бўйича низолар камдан кам ҳолларда инвестицион арбитражиларда кўрилган.

Қабул қилувчи давлатнинг пул ўтказмасини қонуний асосларга кўра чеклаш тўғрисидаги масала охирги йилларда тузилаётган шартномаларда учрамоқда.

Канаданинг чет эл инвестициларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги намунавий битимининг 14-моддаси маблағларни ўтказиш тўғрисида бўлиб, унда пул ўтказмаларини бошқариш учун давлатлар томонидан турли сабабларга кўра қабул қилиниши мумкин бўлган чоралар бўйича истиснолар келтиради.

1. Ҳар бир томон шартнома даирасидаги инвестиция билан боғлиқ барча пул ўтказмаларини ўз худудига ёки унинг ташқарисига эркин ва кечиктирмасдан ўтказилишига рухсат беради. Бундай ўтказмаларга қўйидагилар киради:

(a) устав фондидағи бадаллар;

(b) фойда, дивиденdlар, фоизлар, капиталнинг ўсиши, роялти тўловлари, бошқарув тўловлари, техник ёрдам ва бошқа тўловлар, бошқа даромадлар ва инвестициялардан олинган бошқа суммалар;

(c) инвестицияларнинг барчасини ёки бир қисмини сотишдан ёки инвестицияларни қисман ёки тўлиқ тугатишдан тушган маблағлар;

(d) инвестор томонидан тузилган битимлар бўйича тўланган тўловлар ёки инвестициялар, шу жумладан, кредит шартномаси бўйича тўланган тўловлар;

(e) 12- ва 13-моддаларга мувофиқ амалга оширилган тўловлар;

(f) С бўлимига мувофиқ тўловлар [инвестор-давлат арбитражи].

2. Ҳар бир томон шартнома даирасидаги инвестиция билан боғлиқ бўлган пул ўтказмаларини капитал қўйилган конвертация қилинадиган валютада ёки инвестор ва манфаатдор томон билан келишилган бошқа конвертация қилинадиган валютада амалга оширишга рухсат беради. Агар инвестор томонидан бошқача келишилмаган бўлса, пул ўтказмалари ўтказилиши санасида белгиланган бозор курси бўйича амалга оширилади.

3. 1- ва 2-бандларга қарамай, бирон-бир томон қўйидагиларга тегишли қонунларниadolатли, камситмайдиган ва вижданан қўллаш орқали маблағ ўтказмаларини чеклаши мумкин:

(a) банкротлик, тўловга лаёқатсизлик ёки кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

(b) қимматли қоғозларни чиқариш, сотиш ёки уларнинг муомаласи;

(c) жиноят ёки ҳуқуқбузарликлар;

(d) валюта ёки бошқа монетар воситаларнинг ўтказмалари тўғрисидаги ҳисоботлар;

(e) суд жараёнида суд қарорларини таъминлаш.

---

6. 1-, 2- ва 4-бандларнинг қоидаларига қарамай, шунингдек, 5-банднинг қўлланилишини чекламасдан, томонлар молиявий институтларнинг хавфсизлигини, соғломлигини, яхлитлиги ёки молиявий жавобгарлигини

*таъминлаш билан боғлиқ чораларниadolатли, камситмайдиган ва вижданан қўллаш орқали молия институти томонидан бундай муассасанинг филиалига ёки унга алоқадор шахсга ёхуд уларнинг фойдасига амалга ошириладиган пул ўтказмаларнинг олдини олиши ёки чеклашлари мумкин.*

### **ХИШдаги низоларни ҳал қилиш механизмлари: фактлар ва рақамлар. Инвестицион низоларни ҳал қилиш халқаро маркази ҳамда ЮНСИТРАЛ (ва бошқа) арбитраж қоидалари ўртасидаги фарқлар**

Юрисдикция масалалари (*ratione materiae* ва *ratione personae*).

Қарор: бекор қилиш ва ижросини тўхтатиш асослари.

ИДНХ бўйича танқидий нуқтаи назар.

## **ХИШлар асосида низоларни ҳал қилиш**

Одатда, ХИШларда низоларни ҳал қилишнинг икки хил йўли кўрсатиб ўтилади. Булар инвестор ва давлат ўртасида ҳамда фақат давлатлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш механизимиdir.

### **1. Инвестор ва давлат ўртасида низоларини ҳал қилиш**

Инвестор ва давлат ўртасида низоларини ҳал қилиш имкониятининг мавжудлиги ХИШларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, уларни бошқа барча турдаги шартномалардан ажратиб туради. Бу турдаги шартномалар бир аҳдлашувчи давлатнинг инвесторларига бошқа аҳдлашувчи давлат шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармагани сабабли мажбурий арбитраж орқали ўша давлатидан молиявий компенсация сўраш имконини беради. Бу ҳолат, ўз навбатида, инвесторлар учун қуидаги имкониятларни яратади:

- а) қабул қилувчи давлат хатти-ҳаракатларини бошқариш учун алоҳида шартнома асосида қоидалар тўпламини яратиш орқали инвесторга қабул қилувчи давлат қонун ва қонун ости ҳужжатларидан келиб чиқувчи хавфлардан ҳоли бўлиш имконини беради.
- б) инвесторларга қабул қилувчи давлат ҳаракатлари устидан даъво қилишда ўша давлат ички суд тизимиға муқобил бўлган механизмдан фойдаланиш имкониятини беради.
- в) инвестор шартнома мажбурияти қачон бузилганини аниқлаши ва бу бўйича даъво қўзғатиши мумкин.
- г) инвестор даъвосини ўз давлати томонидан қўллаб-кувватланишига боғлик бўлмайди. Дипломатик муносабатларда давлат бошқа давлатга қарши даъво қилишни истамаслиги учун турли сабаблар бўлиши мумкин.

Шунингдек, инвестор ва давлат ўртасидаги низоларни ҳал қилиш тартиби қабул қилувчи давлат учун ҳам қуидаги қуляйликларни яратиб бериши мумкин:

- а) инвесторларга шаффоф ва хавфсиз инвестиция режимини таклиф қилиш мажбуриятини олгани тўғрисида ижобий сигнал юборади.
- б) янги инвестицияларни жалб қилиш ва доимий инвестицияларни қўллаб-кувватлаш учун қулай бўлган ички сиёсатни, шу жумладан, башорат қилинадиган, аниқ ва ошкора бўлган сиёсатни ишлаб чиқилишини рағбатлантиради.

в) ички сиёсатни ўзгартиришни қийинлаштириб, инвестицияларни жалб қилиш, бозорни очишга қаратилган ислоҳотларни мустаҳкамлайди.

Ушбу турдаги механизмнинг қабул қилувчи давлатлар учун салбий жиҳатлари қўйидагиларда намоён бўлади.

а) *инвестор-давлат арбитражида инвесторлар фақат тижорат манфаатларини қўзлаб, давлат сиёсати мақсадлари ёки жамоат манфаати ҳақида қайғурмайдилар.*

б) *давлатлар ўртасида низоларини ҳал қилиш давомида томонлар жуда кўп даъво келтиришмайди, инвестор-давлат арбитражида эса бунинг аксини қузатиш мумкин. Масалан, давлатлар бошқа давлатга нисбатан ўз инвесторининг даъвосини ўша давлат билан бўлган муносабатлари ҳолати ёки инвестор даъвосидаги чораларга ўхшаш чораларни ўзи ҳам қўллаши сабабли, тегишли даъволарни келтирмасликлари мумкин.*

в) *инвестор-давлат арбитражида иштирок харажатлари катта. Қарор бўйича тўловлар ва ишни қўриб чиқиш жараёни билан боғлиқ харажатлари, ҳатто давлат муваффақиятли бўлса ҳам, жудда каттадир.*

г) *“Тартибга солишдан тийиш”. Инвестор-давлат арбитражининг харажатлари юқори бўлгани сабабли, давлатлар ҳатто ўз мажбуриятларини бузиши мумкин бўлган чораларни қўришни истамаслиги мумкин. Ушбу таъсирни номувофиқ бўлган ва инвестиция мажбуриятларининг ҳайратланарли шарҳларини қабул қилган арбитраж қарорлари янада кучайтиради.*

д) *инвесторлар ўзларининг хатти-ҳаракатлари учун инвестор-давлат арбитражида жавобгар бўлмайди, чунки ХИШнинг аксарияти инвесторга нисбатан қарши даъволарни назарда тутмайди.*

е) *арбитраж жараёни унинг қонунийлиги ва демократик жавобгарлиги билан боғлиқ хавотирларни келтириб чиқаради. Шу жумладан, (а) жараён ошкора эмаслиги; (б) фуқаролик жамияти вакилларининг жараёнида иштирок этиш имконияти ўйқлиги; (в) арбитрларда инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳит ҳимояси каби давлат сиёсати билан боғлиқ инвестицияларга оид бўлмаган масалалар бўйича билимларнинг ўйқлиги; ва (г) арбитрларда улар шаҳр бериши керак бўлган қабул қилувчи давлат ички қонунлари ва сиёсати тўғрисидаги билимларнинг чеклангани.*

Яна бир муҳим масала шундаки, бир масала ёки ўхшаш ҳолат бўйича арбитраж қарори ҳар хил бўлганидан шартномавий мажбуриятлар айнан нимани англатишини олдиндан айтиб бўлмайди. Ҳозирда ушбу муаммони қандай ҳал қилиш ҳақида жуда катта мунозаралар бормоқда. Юқоридаги барча ҳолатлар жуда муҳим аҳамият касб этиб, кўплаб давлатларни ХИШдаги ҳозирги шаклдаги инвестор-давлат арбитраж механизмларига қайтадан баҳо беришга мажбур қилди. Натижада охирги даврда эришилган келишувларда бу борадаги баъзи ўзгаришларни қузатиш мумкин. Масалан, Канада (2003 йилдан бери) ҳамда АҚШнинг (2004 ва 2012 йиллар) намунавий инвестиция битимиларида кўплаб ҳужжатлар ва арбитраж қарорларини оммавий ошкор қилиш талаблари, шунингдек, жараёнда томонлар бўлмаган учинчи шахсларнинг тақдимномаларига рухсат бериш ваколати белгилаб қўйилган. Бундай шаффоффлик арбитраж жараёнини янада қимматлаштиради, шу билан бирга, бу жараёнга жамоат эътиборини кучайтиради. Бу ҳолат, ўз навбатида, инвесторнинг арбитражга бўлган қизиқишини пасайтириб, инвестицияларни рағбатлантиришга салбий таъсир қўрсатиши мумкин. Лекин ҳозирги вақтда бундай очиқлик мазкур жараённинг легитимлигини таъминлаш учун зарур.

Ушбу йўналишдаги яна бир ёндашув бу Австралия томонидан қабул қилинган ёндашув бўлиб, унга кўра, Австралия ўзининг келажакдаги икки томонлама битимларда низоларини ҳал қилиш бўйича ҳолатларни киритмайди. Шунга ўхшаб, Ҳиндистон

ҳозирда ЕИ билан келишилаётган эркин савдо ҳудудини яратиш тўғрисидаги икки томонлама битимда инвестор-давлат арбитражи бўйича ҳолатлар киритилишига рози эмаслигини эълон қилди. Жанубий Африка эса амалдаги барча бундай ХИШни бекор қилди. Боливия, Эквадор ва Венесуэла Давлатлар ва бошқа давлатларнинг фуқаролари ўртасидаги сармояга доир низоларни тартибга солиш тўғрисидаги Конвенция (Вашингтон Конвенцияси) ва бошқа бир нечта ХИШдан чиқиб кетди.

## *2. Давлатлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш механизми*

Аксарият ХИШлар уларни “шарҳлаш ёки қўллаш” билан боғлиқ низоларни давлатлар ўртасида ҳал қилишини белгилаб қўяди. Бироқ бундай низолар камдан кам юзага келади. Шундай бўлса ҳам, ушбу жараёнда ҳал этилиши керак бўлган бир қанча масалалар мавжуд. Жумладан, бундай низолар ХИШнинг барча ҳолатлари юзасидан бўлиши ёки бу ҳолатда ҳам истисноларга йўл қўйилган ёки қўйилмаганини аниқлаш лозим. Бу борада давлатлар ўртасидаги низоларнинг аксарияти ХИШнинг барча ҳолатларини қамраб олади, лекин айрим шартномаларда бу масалада интиснолар ҳам келтириб ўтилади. Масалан, АҚШнинг намунавий инвестиция битимида меҳнат ва экологик меъёrlарни қўллаш бўйича ҳолатлар истисно сифатида берилиб, уларни “шарҳлаш ёки қўллаш” билан боғлиқ даъво келтириб бўлмайди.

Одатда, давлатлар ўртасидаги низолар арбитражда кўрилишидан аввал улар бўйича томонлар ўртасида маслаҳатлашув\музокаралар ўтказилиши талаб этилади. Агарда бундай маслаҳатлаш\музокаралардан сўнг низо юзасидан ижобий ечим топилмаса, унда низо арбитражга топширилиши мумкин. Ушбу механизм ҳеч бўлмаганда ривожланаётган ҳамда пастривожланган давлатларга ривожланган давлатдан шарҳлаш масалаларида улар билан фикр алмашишни талаб қиласиган платформани таклиф қиласиди. Бироқ давлатлараро арбитраж жараёнлари анъанавий равишда шаффоф бўлмай, арбитраж иш жараёни, хабарномалари ва қарорлари аксарият ҳолларда ошкор қилинмаган.

## Кейс Стади

*Fedax N.V. ва Венесуэла Республикаси ўртасидаги низо  
Юрисдикцияга эътиrozлар масаласидаги қарор (1997 йил 11 июль)  
(ши рақами: ICSID Case No. ARB/96/3)*

Fedax – Венесуэлада фаолият юритадиган Голландия корпорацияси. Венесуэла ҳукуматининг бир кредиторига хизмат кўрсатгани эвазига ушбу кредитор ўзи эгалик қилаётган Венесуэла ҳукуматининг қарз мажбуриятларини Fedaxга ўтказган. Вексель эгаси сифатида Fedax Венесуэланинг мажбурият бўйича фоизлар ва асосий қарзни тўлашдан бош тортишига қарши чиқди. Fedax 1996 йилда арбитражга мурожаат қилиб, унинг ноталарнинг қийматига бўлган ҳукуқи ҳукуматнинг ҳаракатлари билан мусодара (экспроприация) қилинганини даъво қилди. Венесуэла эса векселлар “инвестиция” деб ҳисобланмайди дея арбитраж юрисдикцияга қарши чиқди. Арбитраж бу низо бўйича молиявий воситалар (иқтисодий фаолият эмас) қанчалик “инвестиция” тушунчасига мос келишини, шунингдек, шартнома матни инвестиция таърифини ўзгача чеклаши ёки чекламаслигини таҳлил қилиши керак эди.

31.... “инвестиция” таърифи Аҳдлашувчи томонларнинг розилиги билан бошқарилади ва Битимнинг 1(а)-моддасида белгиланган аниқ таъриф...:

“инвестиция тушунчаси” ҳар қандай активни ва, хусусан, қуидагиларни, аммо мутлақ уларни эмас, ўз ичига олади:

...

(i) компаниялар ва қўшма корхоналарнинг акциялари, облигациялари ва бошқа турдаги манфаатларидан келиб чиқадиган ҳукуқлар;

(iii) пулга, бошқа активларга ёки иқтисодий қийматга эга бўлган ҳар қандай мажбуриятга бўлган ҳукуқлар...”

32. Ушбу таъриф Шартноманинг Аҳдлашувчи томонлари “инвестиция” тушунчасига жуда кенг таъриф берганидан далолат беради. Арбитраж, хусусан, ушбу таърифдаги пулга бўлган мулк ҳукуқи Венесуэла Республикаси таъкидлаганидек, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ёки портфель инвестициялари билан чекланмаганини таъкидлайди. Баъзи бундай чекловлар, эҳтимол, ушбу таърифда санаб ўтилган инвестицияларнинг бошқа турларига, масалан, акциялардан ёки бошқа шунга ўхшаш инвестиция турларидан келиб чиқадиган ҳукуқларга нисбатан қўлланилиши мумкин, аммо улар юқорида кўрсатилган таърифнинг (iii) кичик бандида кўрсатилган “пулга бўлган мулк ҳукуқи” маъносида мужассамланган турли тоифадаги кредит операцияларига тааллуқли эмас. Шуни таъкидлаш керакки, пулга бўлган ҳукуқлар тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари тушунчасидан чиқариб ташланмайди.

33. Арбитраж, шунингдек, Битимнинг инвестицияларни аниқлаш билан боғлиқ бошқа қоидаларини, шу жумладан, Битимнинг 5-моддасини синчковлик билан ўрганиб чиқди, унга биноан Аҳдлашувчи томонлар инвестиция билан боғлиқ тўловларнинг эркин ўтказилишини кафолатлайди.... Шартнома бўйича “инвестиция” ва “пулга бўлган мулк ҳукуқи” таърифи ссудалар ва тегишли кредит операцияларини ўз ичига олади деган хulosha шу тарзда мустаҳкамланади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Венесуэла Республикаси Вашингтон Конвенциясининг 25(4)-моддасига мувофиқ Марказни қандайдир низолар синфи ёки синфлари унинг юрисдикциясига кириши ёки кирмаслиги ҳақида хабардор қилиш ҳукуқидан фойдаланмаган. Ушбу қоида Аҳдлашувчи давлатларга инвесторларни айнан қайси низолар синfinи Конвенцияга

мувофиқ инвестицияларнинг кенг таърифи асосида кўриб чиқилишига ёки чиқмаслиги ҳақида хабардор қилиш имкониятини беради.

34. Шартномада келтирилган инвестицияларнинг кенг таърифи умуман истисно бўлган ҳолат эмас. Аксинча, ушбу турдаги замонавий икки томонлама шартномаларнинг аксарияти “ҳар қандай актив” ёки “барча активлар”га тегишли бўлиб, шу жумладан, шартнома билан қамраб олинадиган инвестицияларга мисоллар рўйхати берилади. Пулга ва молиявий қийматга эга бўлган ҳар қандай мажбуриятга бўлган ҳуқуқ бундай рўйхатларнинг муҳим белгиси саналади. Ушбу кенг ёндашув, шунингдек, Европа Ҳамжамияти (ЕХ) каби йирик иқтисодий гуруҳларнинг стандарт сиёсатига айланди. Инвестицияларни ҳимоя қилишни таъминлашда ЕХ “иқтисодий қийматга эга бўлган моддий ва номоддий активларнинг барча турларини, шу жумладан, инвестиция қилинган ёки олинган нақд пул, шунга ўхшаш бошқа актив ёки хизматлар кўринишидаги тўғридан-тўғри ёки билвосита бадалларни” шуларнинг ичига киритиб юборган. Инвестициялар сифатида санаб ўтилган ўтказмалар сирасига “компания, бошқа фирма, ҳукумат ёки бошқа давлат органи ёки халқаро ташкилотнинг акциялари, облигациялари, қарз мажбуриятлари, кафолатлари ёки бошқа молиявий воситалари; пул, товарлар, хизматлар ёки бошқа иқтисодий қийматга эга мажбуриятга бўлган талаблар” киради. Голландия Қироллиги Европа Ҳамжамиятининг муҳим аъзоси бўлгани сабабли, унинг икки томонлама инвестиция шартномаларида шунга ўхшаш ёндашув қўлланилгани ажабланарли эмас. Дарҳақиқат, фақат истисно ҳолатларда икки томонлама инвестиция шартномалари ушбу концепцияга киритилган активлар ёки ўтказмалар таърифини узоқ муддатли иқтисодий муносабатларнинг мавжудлигига боғлаб кўрсатади ёхуд пулга булган мулк ҳуқуқи ва ўхшаш ўтказмаларни аниқ инвестиция тушунчасига боғлайди.

35. Шунга ўхшаш тенденцияни муҳим кўп томонлама шартномалар контекстида учратиш мумкин. Жаҳон банкининг тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларнинг режими бўйича кўрсатмалари умуман “тўғридан-тўғри” инвестициялар билан чекланмагани тўғри эътироф этилади. Тушунтирувчи ҳисобот ушбу ҳолатда ёпиқ инвестицияларнинг табиати бўйича ҳеч қандай чекловлар йўқлигини ва кўрсатмалар “билвосита, шунингдек, тўғридан-тўғри инвестицияларни ва замонавий шартномавий ва бошқа инвестиция шаклларига” нисбатан қўлланилишини аниқ кўрсатиб туради. Энергия Хартияси Шартномаси ва Меркосур (MERCOSUR) Протоколлари “ҳар қандай актив”ни ўз ичига олади. Уларнинг биринчиси рўйхатга “пулга оид даъволар ва бирон-бир шартномага асосан мажбуриятни бажариш бўйича даъволар”ни киритса, иккинчиси “иқтисодий қийматга эга мажбуриятни бажариш бўйича даъволар”га мурожаат этади. Яна фақат истисно бўлган ҳолатларда кўп томонлама шартнома фоизлар каби активлар рўйхатини капиталга йўналтирилган инвестицияларга боғлайди ёхуд товарлар ёки хизматлар савдоси бўйича тижорат шартномаларидан келиб тушадиган пулларга нисбатан даъволарни чиқариб ташлайди.

36. Арбитраж, шунингдек, Венесуэла Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган турли инвестиция шартномалари ва уларда келтирилган инвестицияларнинг таърифи бўйича амалиётини ўрганиб чиқди. Ушбу амалиёт хилма-хил бўлса-да, ҳар сафар Венесуэла Республикаси тўғридан-тўғри йўналтирилмаган инвестицияларни чиқариб ташлашни хоҳласа, буни аниқ шартлаш орқали амалга ошириди деган хulosага келиш мумкин. Бунга икки мисолни кўрсатиш мумкин: тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни назарда тутувчи Анд гурухининг чет эл инвестициялари тўғрисидаги низоми (ўзгартиришлар билан) ва товарлар ёки хизматларни сотиш бўйича тижорат шартномаларидан келиб чиқадиган пул талабларини истисно этувчи 1994

йилдаги Мексика-Колумбия-Венесуэла эркин савдо шартномаси. Бошқа ҳолатларда Нидерландия Қироллиги билан тузилган битим матни такрорланган.

37. Трибунал қарзлар ва бошқа кредит имкониятлари Конвенция шартларига биноан ва ушбу ҳолатда розиликни тартибга солувчи икки томонлама битим доирасида Марказ ваколатига киришига ишончи ҳосил қилиб, навбатда Венесуэла Республикаси томонидан чиқарилган олтига векселнинг тегишли ҳолатини ўрганиши керак. Вексел – бу кредит воситаси, қарз берилганини ёзма равишда тан олиш. Ушбу ҳолатда кўриб чиқилаётган олтига вексель Венесуэла Республикаси томонидан 1988 йилда Industrias Metalúrgicas Van Dam C.A. билан тузилган шартнома бўйича хизматлар кўрсатиш учун қарзини тан олиш учун чиқарилган; Венесуэла ноталарда қайд этилган миқдорда уларда кўрсатилган вақтгача, шунингдек, тегишли фоизларни тўлаш шарти билан қарз олди.

38. Трибунал биринчи навбатда юқорида айтиб ўтилган ўтказманинг табиатида, яъни векселларни қайтариш эвазига хизматларни тақдим этишда уни Конвенция ва Битимга мувофиқ инвестиция сифатида эътироф этилишига тўсқинлик қиласидиган ҳеч нарса йўқлигини таъкидлайди. Хусусан, трибунал Fedax N.V. Нидерландия компанияси сифатида ўша пайтда Венесуэлада иш олиб бориб, Венесуэла Республикаси билан Industrias Metalúrgicas Van Dam C.A. сингари бир хил келишувга эришганида бундай фаолият “инвестиция” фаолияти бўлиб ҳисобланармиди ёки Венесуэла таъкидлаганидек, ушбу фаолият инвестиция сифатида қаралмасмиди деган савонни ўртага ташлайди. Ёзишмалар шуни кўрсатадики, Венесуэла бундай истисно ўринли бўлишига қарши эмас. У трибунал ҳукмiga ҳавола этилаётган асосий масала хизмат кўрсатиш битимининг моҳияти билан боғлиқ бўлмай, балки трибуналдан қимматли қоғозларни кейинги чет эллик мулқдорга берилиши уларни чет эл инвестициялари тушунчаси таркибиға киритилишини истисно этадиган ҳолатми ёки йўқ деган вазият билан боғлиқ.

39. Даъвогар ушбу турдаги векселлар асосий битимдан алоҳида ва мустақил бўлган ўзларининг ҳукуқий мавқеига эга деб тўғри важ келтирди. Бу ишда Венесуэла Ҳукумати векселларни кейинчалик бошқа эгаларига топшириш ва тасдиқлаш имкониятини олдиндан кўра билиши борасида баҳс бўлмади, зеро улар бундай имкониятга очиқ йўл қўяди. Ушбу ноталарнинг АҚШ долларида муомалага чиқарилгани ҳам уларнинг халқаро миқёсда муомалада бўлиши ва чет эл инвесторлари уларга эгалик қилиши учун имконият беришини бошиданоқ кутилганидан далолат беради. Ёзишмалар, шунингдек, Венесуэла Республикаси нуқтаи назаридан ушбу векселлар “... уларнинг табиати туфайли, Венесуэла Тижорат Кодексининг қоидаларига мувофиқ ва уларнинг ўз матнида аниқ кўрсатгани сабабли, улар бўйича иккиламчи бозорда миллий ёки хорижий молия институтлари билан музокаралар олиб бориладиган воситалар” эканини тасдиқлайди.

40. Бундай вазиятда, инвесторнинг шахси ҳар бир мулк ҳукуқининг ўтиши билан ўзгарса ҳам, инвестицияларнинг ўзи доимий бўлиб қолади, эмитент эса ноталар муддати тугагунча доимий кредит имтиёзига эга бўлади. Хорижий эгаликда бўлган ноталарда белгиланган даражадаги кредит, бу ҳолда Конвенция ва Битим шартлари билан қамраб олинган чет эл инвестицияларни ташкил этади. Векселлар ва уларга бўлган эгалик ҳукуқини ўзгариши билан боғлиқ бўлган алоҳида масалалар ишнинг моҳияти билан боғлиқ ҳолда муҳокама қилиниши мумкин бўлса-да, Венесуэла Республикаси томонидан векселлар Венесуэла фонд биржаларида сотиб олинмагани ҳақидаги важлар уларни чет эл инвестициялари тоифасидан чиқармайди, зеро

ушбу воситалар халқаро муомалада бўлишга мўлжалланган. Шунингдек, Трибунал инвестиция ишидан фарқли ўлароқ, ушбу битим билан боғлиқ ҳеч қандай хавф йўқлиги ҳақидаги важларни ҳам қабул қила олмайди: асосий қарз ва у бўйича фоизларни тўлаш масаласидаги мавжуд низонинг ўзи вексель эгаси хавфини тасдиқлаб турибди.

41.... Кўплаб халқаро молиявий операцияларнинг одатий хусусияти бўлиб жалб қилинган маблағлар бенефициар ҳудудига жисмоний равишда ўтказилмаслиги, балки бошқа жойда унинг ихтиёрида бўлишидир. ... Ва, албатта, векселлар бундай тадбирларда тез-тез ишлатилади. Муҳим масала бу келиб тушган маблағлар кредит олувчи томонидан унинг турли давлат эҳтиёжларини молиялаштиришда фойдаланилгани ёки файдаланилмаганини аниқлашдир. Бу ҳолда Венесуэла Республикаси векселлар чиқаришдан келиб тушган кредит миқдорини олгани ва ундан бир мунча вақт давомида ўзининг молиявий эҳтиёжларини қондиришда фойдалангани борасида баҳс юзага келмади.

42. Ушбу иш билан боғлиқ операцияларнинг моҳияти ва уларнинг Конвенция ва Битим мақсадлари учун хорижий инвестиция сифатида баҳоланиши уларни оддий тижорат операциясидан ажратишга хизмат қиласи. Шу билан бирга, Трибунал эътиборга олиши керак бўлган яна бир ҳолат мавжуд. Векселлар Венесуэла Республикаси томонидан “Давлат кредитлари тўғрисида”ги қонун (бундан кейин матнда “Қонун” деб берилади) шартларига биноан чиқарилган бўлиб, унда “самарали ишларни амалга ошириш, миллий манфаатлар ва вақтинчалик ғазначилик эҳтиёжларни қондириш учун” маблағ ва ресурсларни тўплашга қаратилган давлат кредит операциялари аниқ тартибга солинади. Бу иш билан боғлиқ битимлар оддий тижорат операциялари эмаслиги ва ҳақиқатан ҳам муҳим жамоат манфаатларини қамраб олиши аниқ...

43. Давлат кредитлари тўғрисидаги қонунда берилган векселларнинг мақоми, шунингдек, жалб қилинган инвестициялар тури қисқа муддатли, вақти-вақти билан амалга ошириладиган молиявий келишувлар, масалан, тез даромад олиш билан дарҳол тарқ этиш учун қилинган сармоялар, яъни “учувчи капитал” эмаслигини исботлаш учун муҳимдир. Инвестициянинг маълум бир муддат давомийлиги, фойда ва даромаднинг маълум бир мунтазамлиги, хавфни тахмин қилиш, қабул қилувчи давлатнинг ривожланиши учун жиддий йўналтирилгани ва аҳамияти унинг асосий хусусиятлари бўлиб ҳисобланади. Қонунда шартномаларнинг муддати улар тузилган молия йилидан кейинги даврга ўтиши шартлигини белгилаб қўйилиши ушбу иш доирасида инвестициялар уларнинг давомийлиги бўйича қўйилган талабга мувофиқлигини тасдиқлайди. Фойда ва даромаднинг мунтазамлиги, шунингдек, бир неча йил давомида фоизларни тўлашни режалаштириш билан таъминланади. Амалга оширилган капитал ҳажми ҳам нисбатан катта. Юқорида тушунтирилганидек, хавф ҳам мавжуд. Энг муҳими, қонунда тегишли молиявий воситани чиқаришда маҳсус талаб этилганидек, битим ва қабул қилувчи давлатнинг ривожланиши ўртасида аниқ боғлиқлик мавжуд. Шундай қилиб, ишдаги далилларга кўра, битим инвестицияларнинг асосий белгиларига мувофиқдир.



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



world  
trade  
institute

*u*  
b  
UNIVERSITAT  
BERN



# ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

Родриго Поланко  
(Rodrigo Polanco)

Берн, 2021 йил



## РЕЖА

- Инвестиция турлари
- Инвестиция режимининг эволюцияси
- Инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг даражалари
- ХИШ бўйича фактлар ва рақамлар

## ИНВЕСТИЦИЯ ТУРЛАРИ

- Нега инвесторлар бошқа давлатларга сармоя киритадилар?  
(Жон Дюнинг)
  - ▷ табиий ресурсларни излаб
  - ▷ янги бозорларни излаб
  - ▷ самарадорликни излаб
  - ▷ стратегик активларни излаб
- Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси / Портфел инвестициялар

## ТАБИЙ РЕСУРСЛАРНИ ИЗЛОВЧИ ТҮФРИДАН-ТҮФРИ ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ

### Омиллар:

- жойлашган ҳудуд, табий бойликларнинг ҳажми ва сифати

### Сиёсий-иқтисодий масалалар:

- Ресурслардан фойдаланишдан олинган даромаднинг адолатли тақсимланиши.
- Табий бойликларга бўлган суверен хукуқ.
- Ҳар доим ҳам ички иқтисодиётга кучли қўшимча таъсир кўрсатмайди.
  - атроф-муҳит ҳимояси борасидаги муаммолар
  - қийин кечадиган диверсификация (“голланд касаллиги”)
- Ушбу турдаги инвестиция билан боғлиқ саноат ва хизматларни ривожлантириш кераклиги.

### Савдо-сотик билан боғлиқлиги:

- Экспортга йўналтирилган, чекланган қўшилган қийматга эга.

### Тарихий назар:

- Илк инвестиция кўриниши
- Халқаро бозорларни бирлаштиришдаги биринчи восита.



## ЯНГИ БОЗОРЛАРНИ ИЗЛОВЧИ ТҮФРИДАН-ТҮФРИ ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ

### Омиллар:

- Бозорнинг ҳажми, ўсиш суръати, аҳоли даромади ва талаблари.
- Истеъмолчиларга яқин бўлиши керак бўлган товарлар ва хизматлар:
  - тез бузиладиган товарлар, ичимликлар
  - кўп турдаги хизматлар: чакана савдо, молия хизматлари ва бошқа.

### Сиёсий-иқтисодий масалалар:

- Маҳаллий ишлаб чиқаришга бўлган таъсири билан белгиланади.

### Савдо-сотик билан боғлиқлиги:

- Импортнинг ўрнини босувчи бўлиши мумкин.
- Кичик иқтисодиётларда қўшимча импорт ҳажмини ошириши мумкин.

### Тарихий назар:

- Импорт ўрнини босувчи саноатни ривожлантириш (“тариф сакрашлар”).
- 1960 йиллардаги минтақавий интеграциянинг илк тўлқини.



## САМАРАДОРЛИКНИ ИЗЛОВЧИ ТҮФРИДАН-ТҮФРИ ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ

### Омиллар:

- Рақобат муҳити.
- Йирик бозорларга яқин жойлашиш – энг муҳим омил.

### Сиёсий-иқтисодий масалалар:

- Экспортга йўналтирилган, хорижий валюта тушуми ва иш ўринларини кўпайтиради.
- Қабул қилувчи давлатнинг рақобатбардошлиги билан белгиланади.
- Прогноз қила олиш муҳим аҳамиятга эга (бозорга кириш, логистика, тарифлар).

### Савдо-сотик билан боғлиқлиги:

- Товар ва хизматлар савдоси ҳажмини оширади.
- Глобал қиймат занжирлари ва иш ўринлари яратишга имкон бериши.



## СТРАТЕГИК АКТИВЛАРНИ ИЗЛОВЧИ ТҮҒРИДАН-ТҮҒРИ ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ

### Омиллар:

- Фирмаларнинг халқаро майдонга чиқиши.
- Глобаллашган бозорлар ва рақобат муҳити.
- Авваллари асосан ривожланган давлатлар ўртасида бўлган.

### Сиёсий-иқтисодий масалалар:

- Кўшиб олиш ва сотиб олишга қаратилган.
- Активларнинг ҳажми ва турига кўра нозик сиёсий масала бўлиши мумкин.
- Иш ўринларини яратади ёки йўқ.

### Савдо-сотиқ билан боғлиқлиги:


- Глобал қиймат занжирлари таъсирида савдо ҳажмини ошириши мумкин.



TATA MOTORS

## ИНВЕСТИЦИЯ РЕЖИМИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

- Чет элликларнинг ҳукуқсизлигидан – чекланган лаёқатлилигига (масалан, droit d'aubaine, шахсий мақом) – тенг ҳукуқлилигига (давлат фуқаролари каби) – (давлат фуқароларига нисбатан) кўпроқ ҳукуққа эга бўлишигача бўлган тадрижий ривожланиш.
- Низоларни ҳал қилишнинг анъанавий механизмлари: миллий судлар ёки дипломатик ҳимоя (тинч йўл билан ёки ўрта асрлардаги “репрессалия ҳукуқи” асосида уруш воситасида).
- “Маданиятли давлатлар” меъёrlарига мос келмайдиган маҳаллий судларга ишончнинг йўклиги
- “Тенг бўлмаган” ёки “капитуляция” шартномалари.
- Куч ишлатиладиган “дипломатик ҳимоя”: канонер кемаси “дипломатияси”.
- Халқаро одат ҳукуқи: чет элликлар бўйича давлатларнинг жавобгарлиги.



## ИНВЕСТИЦИЯ РЕЖИМИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

### Тинчликпарвар дипломатик ҳимоя:

- Америка инқилоби (1765-1783)
- Мексика инқилоби (1910-1920)
- Рус инқилоби (1917)

АҚШ ва Британия ўртасида тузилган Джей шартномаси (1794, 6-модда):

- Америка фуқаролик уруши билан боғлиқ инвестор даъволарини кўриб чиқиш учун АҚШ ва Буюк Британия арбитрлари комиссияси ташкил этилди.
- Давлатга нисбатан шахсларнинг даъво қўзғатиши механизмининг биринчи замонавий мисоли.



1840 ва 1940 йиллар оралиғида 60 дан ортиқ бундай халқаро комиссиялар мавжуд бўлган.

## ИНВЕСТИЦИЯ РЕЖИМИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

### Куч ишлатиладиган “дипломатик ҳимоя” (канонер кемаси “дипломатияси”)


- Президент Сиприано Кастро Венесуэла фуқаролик урушида Европа фуқаролари олдиғаги ташқи қарзлари ва уларга етказилган заарларни тұлашдан бosh тортгани учун, 1902 йил декабридан 1903 йил февралигача Венесуэланинг Буюк Британия, Германия ва Италия томонидан ҳарбий-денгиз блокадаси.



### Карлос Кальво ғоялари (1868):

- “Кальво” доктринаси: чет элликлар қабул қылувчи давлат фуқароларига нисбатан күйроқ ҳуқуқларға ега эмаслар.
- “Кальво” моддаси: миллий судлар чет эл инвестициялари бүйича низоларни ҳал қилишда асосий роль үйнайды. Дипломатик ҳимоя рад этилади, одил судловни рад этиш ёки халқаро ҳуқуқ принциплерини күпөл бузиш ҳоллари бундан мустасно.

Драго-Порттер конвенцияси (1907) давлат арбитраждан бош тортганаңда унга нисбатан давлат қарзларини үндериш учун куч ишлатишни тақиқлайды.



## ИНВЕСТИЦИЯ РЕЖИМИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

- Бриан-Келлог пакти (1928): миллий сиёсат воситаси сифатида урушдан воз кечиши түғрисидаги бош келишув.
- Мексикада Америкаликларнинг нефть конларининг национализация қилиниши (1938). Компенсация стандарты бүйича (Корделл) Халл қоидаси: “тезкор, етарли даражада ва самарали” заарни қоплаш.
- Иккинчи жағынан урушдан кейин: бир марталик тұловлар асосида низони ҳал этиш ва аралаш трибуналлар. Сүнгги 60 йил ичіда давлатлар 200 дан ортиқ бир марталик тұловлар асосида низони ҳал этиш бүйича келишувға еришгандар.
- Халқаро савдо ташкилоти (ЖСТ эмас) Гавана Хартиясининг күчга кирмаслиги (1948), шунингдек, савдо ва инвестиция масалаларини алоқида шартномалар асосида тартибда солиниши.
- БМТ Низоми (1945) фақаттегина БМТ Хағаси зерттеу резолюцияси асосида ҳәләә ўзини ўзи ҳимоя қилиш учун куч ишлатилиши. Деколонизация жараёни.
- Урушдан кейинги АҚШнинг Дүстлик, савдо ва навигация түғрисидаги шартномалари.
- 1950 йиллардан бошлаб: нефть концессияси бүйича арбитражлар ва шартномаларнинг халқаролаштирилиши.

## ИНВЕСТИЦИЯ РЕЖИМИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

- 1959: Германия-Покистон инвестиция битими (инвестор-давлат арбитражини құзда тутмаган)
- 1962: БМТ Бош Ассамблеясининг “Табиий бойлик манбалари устидан ажralmas суверенитет түғрисида” ги резолюцияси
- 1965: Вашингтон Конвенцияси – Токиога йўқ
- 1958: Чет эл арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш түғрисидаги Нью-Йорк Конвенцияси
- 1967: ИХТТнинг Чет элликлар мулкини ҳимоя қилиш түғрисидаги конвенция лойиҳаси
- 1968: Иккى томонлама инвестиция битимлари (инвестор-давлат арбитражини құзда тутувчи)
- 1974: Янги халқаро иқтисодий тартиб/Давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари хартияси

## ИНВЕСТИЦИЯ РЕЖИМИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

- 1981: Алжир келишувлари – Эрон ва АҚШ ўртасида низони кўриб чиқиш учун арбитраж ташкил этилди.
- 1985: SPP ва Миср ўртасидаги низо (пирамидалардаги сайджлик мажмуаси): хорижий инвестицияларнинг ички қонунчилигидаги таклиф асосида арбитражга розилик: “хусусий мулксиз арбитраж”. Инвестиция шартномаси асосидаги қарор.
- 1987: 265 та икки томонлама инвестиция битимлари.
- 1990: AAPL ва Шри-Ланка ўртасидаги низо (майда қисқичбақа етиштириш ва Японияга экспорт қилиш учун ташкил этилган компания): инвестиция шартномаси бўйича биринчи арбитраж қарори. Қуролли мажаро ёки қўзғолон натижасида етказилган зарар учун компенсация.
- 1970: Barcelona Traction, Light and Power Company Limited (Бельгия ва Испания ўртасидаги низо).

## ИНВЕСТИЦИЯ РЕЖИМИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

- 1998 й.: Инвестиция бўйича кўп томонлама шартномани келишилиши тўхтатилди.
- 1990 йиллар охири: 1857 та икки томонлама шартномалар имзоланди.
- НАФТАнинг Ўн биринчи қисмига мувофиқ биринчي инвестицион низолар кўрила бошлади:
  - *Ethyl* ва Канада ўртасида (1998): ёқилғи қўшимчаси бўлган ММТни экспорт қилиш ва минақалараро савдосини тақиқлаш.
  - *Azinian* ва Мексика ўртасида (1999): маиший чиқиндилар бўйича имтиёзни бекор қилиш.
  - *Metalclad* ва Мексика ўртасида (2000): хавфли чиқиндилар жойини ёпиш.
- S.D.Myers ва Канада ўртасида (2000): ПСБ чиқиндиларини экспорт қилишни тақиқлаш.
- 2004 й.: Доминикан Республикаси – Марказий Америка савдо шартномаси.

## ИНВЕСТИЦИЯ РЕЖИМИНИНГ ЭВОЛЮЦИЯСИ

- 2009: *Vattenfall* ва Германия ўртасидаги низо – Гамбург-Морбургда жойлашган ёпилган заводнинг ёнида қурилаётган янги электр станциясига рухсат бериш.
- 2013-2019: Трансатлантик савдо ва инвестиция ҳамкорлиги (ТТИП) бўйича музокаралар
- 2014: Кенг қамровли иқтисодий ва савдо шартномаси (CETA)
- 2016: Транс-Тинч океани ҳамкорлиги (TPP)
- 2017: УНСИТРАЛ ишчи гурӯҳи III
- 2020: ЕИ давлатлари ўртасидаги икки томонлама инвестиция битимларини бекор қилиш тўғрисидаги ЕИ шартномаси
- 2020: 3292 дан ортиқ ХИШ ва 1023 та маълум бўлган инвестор-давлат арбитражлари

## ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ДАРАЖАЛАРИ

“Спагетти косачаси” ёки “Инвестицион лазанья”?



## ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ДАРАЖАЛАРИ

### Миллий даража

Миллий меъёрий-хукуқий база  
Чет эл инвестициясига нисбатан  
қўлланувчи маҳсус қонунлар

} Энг кўп сонли



### Икки томонлама даража

Икки томонлама инвестиция битимлари

} Энг тегишли  
халқаро даража

### Минтақавий ва иштирокчилар сони чекланган кўп томонлама даража

Минтақавий преференциал савдо битимлари  
Энергия хартияси артномаси  
Минтақавий инвестиция шартномалари


} Инвестицияларга  
бағишиланган қисмга  
эга халқаро  
шартномалар

### Кўп томонлама даража

ЖСТ шартномаларининг тегишли қоидалари  
Бошқа шартномалар (Вашингтон, Сеул конвенциялари)


## МИЛЛИЙ ДАРАЖА (ҚОНУНЧИЛИК)

### Миллий инвестиция сиёсатидаги ўзгаришлар (2003 – 2/2020)



## ИККИ ТОМОНЛАМА ДАРАЖА

1980-2019 йиллар давомида имзоланган ХИШлар сони



Манба: UNCTAD, IIA Issue Note № 1, 2020



Инвестицияга бағышланған қисмға әга шартномалар (**TIPs**) икки томонлама инвестиция битимларидан (**BITs**) ташқари, инвестицияларни ҳімоя қилиш, рағбатлантириш ва/ёки ҳамкорлық тұғрисидаги турли ҳалқаро шартномаларни ўз ичига олади:

- имтиёзли савдо шартномалари,
- мінтақавий инвестиция шартномалари,
- инвестицияларга тааллукلى бошқа ХИШ (PIAs), масалан, Дұстлик, савдо ва навигация шартномалари.

## МИНТАҚАВИЙ ДАРАЖА: МИНТАҚАВИЙ САВДО БИТИМЛАРИ

МСБлар экспортта  
йўналтирилган  
инвестицияларни жалб  
қилиш учун муҳим

Давлат қанчалик қўп МСБлар тузган  
бўлса, экспортга йўналтирилган  
инвестициялар учун шунчалик  
қўп даражада кафолатланган экспорт  
бозорларини тавсия этади



МАРКАЗ ВА ЎҚЛАР  
МОДЕЛИ

## ҚЎП ТОМОНЛАМА ДАРАЖА: НОРМАТИВ УЙГУНЛИК МУАММОСИ


- Де-факто “бир-бири билан кесишиси”
- Шартномалар бир хил масалага тегишли.
  - ХСБК (GATS)даги учинчи шаклдаги хизматлар ва икки томонлама битимларнинг хизматлар бўйича инвестицияларга қўлланиши.
  - ИСБЖ (TRIMs) инвестиция киритиш шартлари.
  - ИМХСБ (TRIPs), интеллектуал мулк инвестиция бўлиб ҳисобланади.
- Шартномалар ўхшаш мажбуриятларни ўз ичига олади.
  - Миллий тартибга солиш бўйича ХСБКнинг VI моддаси ва икки томонлама битимлардаги адолатли ва тенг хуқуқлилек режими.
- Шартномалардаги ўзаро ҳаволалар.
  - Бошқа шартномаларнинг инкорпорацияси тўғрисидаги
  - Мажбуриятларни тасдиқлаш бўйича
  - Бошқа келишувларга риоя қилиш ҳақидаги.

Таъсирлари:

- кенгайтиради
- кучайтиради
- зид келади



## ИНВЕСТИЦИЯ БҮЙИЧА ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШ




## ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАЛАРИ БҮЙИЧА ФАКТЛАР ВА РАҶАМЛАР

- Инвестиция шартномалари ва инвестор-давлат низоларини ҳал қилиш механизмлари бир қатор мамлакатларда ўрганиб чиқилмоқда.
- Халқаро инвестиция шартномалари режимида ўзгаришлар давом этмоқда. 2019 йилда тугатилганлари сони (34) тузилганлари сонидан (22) кўп бўлди. Натижада уларнинг сони 3284 тани ташкил этди.
- Бир қатор бошқа ўзгаришлар ҳам ушбу режимига таъсир қилмоқда. Жумладан, Брекзит, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар томонидан иттифоқ ичидаги икки томонлама инвестиция шартномаларини бекор қилиш тўғрисидаги келишув, Африка континентал эркин савдо худудини ташкил этиш тўғрисидаги битимни тузилиши була олади.

## ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАЛАРИ БҮЙИЧА ФАКТЛАР ВА РАҶАМЛАР


1980-2019 йиллар давомида имзоланган ХИШлар сони



Инвестицияга бағишланган қисмга эга шартномалар (TIPs) икки томонлама инвестиция битимларидан (BITs) ташқари инвестицияларни химоя қилиш, рағбатлантириш ва/ёки ҳамкорлик тўғрисидаги турли халқаро шартномаларни ўз ичига олади:

- имтиёзли савдо шартномалари,
- минтақавий инвестиция шартномалари,
- инвестицияларга тааллуқли бошқа ХИШ (IIAs), масалан, Дўстлик, савдо ва навигация шартномалари.


## ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАЛАРИ БҮЙИЧА ФАКТЛАР ВА РАҶАМЛАР



Энг кўп  
ХИШга эга 20 та  
давлат (2020)

- Инвестицияга бағишилган қисмга эга шартномалар (TIPs)
- Икки томонлама инвестиция битимлари (BITs)


### 2018 - 2019 йилларда киритилган сармоялар миқдори (миллиард АҚШ доллари ҳисобида) 2018 йил бўйича кўрсаткич



Чет эл инвестицияларини  
тўғридан-тўғри  
энг кўп қабул қилувчи  
20 та давлат

Манба: UNCTAD, FDI/MNE database ([www.unctad.org/fdistatistics](http://www.unctad.org/fdistatistics)).

### 2018 - 2019 йилларда экспорт қилинган сармоялар миқдори (миллиард АҚШ доллари ҳисобида) 2018 йил бўйича кўрсаткич



Чет эл инвестицияларини  
тўғридан-тўғри  
энг кўп экспорт  
қилувчи 20 та давлат

Манба: UNCTAD, FDI/MNE database ([www.unctad.org/fdistatistics](http://www.unctad.org/fdistatistics)).

## ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

- ЮНКТАД келтирган маълумотларга қўра, Ўзбекистон:
  - 56 та икки томонлама инвестиция битимларини келишган. Шулардан:
    - 46 таси амалда
    - 5 таси қабул қилиш жараёнида
    - 5 таси тугатилган (Индонезия ва Ҳиндистон)
  - яна 5 та инвестицияга бағишланган қисмга эга бошқа шартномалари мавжуд.
- Бундай шартномалар сонига қўра Ўзбекистон 186 та давлат ичидаги 39 кўрсаткичга эгадир.

Қаранг: <https://investmentpolicy.unctad.org/international-investment-agreements/by-economy>

## САВОЛЛАР?

[rodrigo.polanco@wti.org](mailto:rodrigo.polanco@wti.org)



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



# ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

Родриго Поланко  
(Rodrigo Polanco)

Берн, 2021 йил



## РЕЖА

- ХИШНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ
- ТАЪРИФ ҚИСМИНИНГ АҲАМИЯТИ
- ИНВЕСТИЦИЯ ТУШУНЧАСИ
- ИНВЕСТОР ТУШУНЧАСИ
- ВАҚТ БҮЙИЧА ҚЎЛЛАНИШИ
- ҲУДУД БҮЙИЧА АМАЛДА БЎЛИШИ

## ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

### Амал қилиш доираси:

- Қамраб олинадиган “инвестиция” ва “инвестор” таърифи
- Вақт ва ҳудуд бўйича қўлланиши

### Режимлар (стандартлар):

- Нисбий стандартлар:
  - Миллий режим (МР)
  - Энг қулай режим (ЭҚР)
- Мутлақ стандартлар:
  - Халқаро ҳимоянинг минимал талаблари (ХМТ)
  - Адолатли ва тенг ҳуқуқлилик режими (АТҲР)
  - Тўлиқ ҳимоя ва хавфиззлик режими (ТҲХ)

### Ҳимоя қилиш стандартлари:

- Ноқонуний экспроприация ва чиқишлардан ҳимоя
- Ўтказмалар
- Суброгация

### Низоларни ҳал қилиш

- Давлатлараро
- Инвестор – Давлат арбитражи (ИДА)

ХИШ:

Икки томонлама  
инвестиция битимлари

Имтиёзли савдо  
шартномаларининг  
инвестицияга оид  
қисмлари

## ТАЪРИФНИНГ АҲАМИЯТИ

- Таърифнинг икки муҳим функцияси мавжуд:**
  - Ҳимоя стандартлари кўлланилиши доирасини белгилайди.
  - Низони кўришда арбитраж юрисдикцияни аниқлашга ёрдам беради
  - Инвестиция: *ratione materiae* – низо масаласи
  - Инвестор: *ratione personae* – томонлар бўйича шахсий юрисдикция
  - Вақт бўйича амал қилиши: *ratione temporis*
  - Худуд бўйича амал қилиши: *ratione loci*
- Барча шартномалардаги таърифлар бир-бирига ўхшаш ва уларда умумий бўлган ҳолатлар мавжуд бўлсада, низони кўришда таърифлар фақат тегишли шартноманинг матни билан белгиланади.

## ИНВЕСТИЦИЯГА ТАЪРИФ БЕРИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР

Очиқ рўйхат (активларга асосланган) шаклида

- Европа намунавий инвестиция битими модели
- Бир томон инвестори активлари бошқа томон худудига инвестиция қилинади.

Ёпиқ рўйхат шаклида (НАФТА, Канаданинг 2004 йилдаги намунавий инвестиция битими)

- Фақат рўйхатда келтирилган активлар инвестициялар ҳисобланади.

Инвестициялар белгисини келтириш орқали (АҚШ намунавий инвестиция битими)

- Инвестициянинг чекланган таърифи
- Фақат тадбиркорлик фаолиятига киритилган активлар
- Давлат қарзлари
- Инвестицияларнинг белгиларини келтиради. Масалан, капитал ва ресурсларни киритиш шарти, даромад олишга қаратилган фаолият, хавфни тахмин қилиш.

Таърифни бошқача чеклаш

- Узоқ муддатга мўлжалланган иқтисодий фаолият
- Тўғридан тўғри инвестиция

## “ОЧИҚ РЎЙХАТ” ШАКЛИДАГИ ТАЪРИФГА МИСОЛ

ГОЛЛАНДИЯ МОДЕЛИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (*норасмий таржима*)

“инвестиция тушунчаси” ҳар қандай активни ва, хусусан, қуидагиларни, аммо мутлақ уларни эмас, ўз ичига олади:

- кўчар ва кўчмас мулк, шунингдек, ҳар қандай активга нисбатан бошқа ҳукуқлар;
- компаниялар ва қўшма корхоналардаги акциялар, облигациялар ва бошқа турдаги манфаатдорлик келиб чиқувчи ҳукуқлар;
- пулга, бошқа активларга ёки иқтисодий қийматга эга бўлган ҳар қандай мажбуриятни бажаришга бўлган даъволар;
- интеллектуал мулк ҳукуқлари, техникавий жараёнга оид ҳукуқлар, ноу-хау ва гудвилл;
- қонун ёки шартномага мувофиқ иқтисодий фаолият юритиш учун бериладиган ҳар қандай ҳукуқ, қонун билан рухсат этилган, шу жумладан, табиат бойликларини қидириш, ишлов бериш, қазиб олиш ёки фойдаланиш, концессиялар.

## “ЁПИҚ РЎЙХАТ” ШАКЛИДАГИ ТАЪРИФГА МИСОЛ

КАНАДАНИНГ НАМУНАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (*норасмий таржима*)

Инвестиция:

- (I) корхона;
- (II) корхонанинг бадали;
- (III) корхонанинг қарз кафолатлари
  - (i) корхона инвесторинг филиали бўлса ёки
  - (ii) қарз таъминотининг бажаришнинг дастлабки муддати камида уч йил бўлса, лекин бунда давлат корхоналарининг қарз мажбуриятлари, уларнинг дастлабки бажариш муддатидан қатъий назар, ҳисобга олинмайди;
- (IV) корхонага қарз бериш
  - (i) корхона инвесторинг филиали бўлса ёки
  - (ii) агар кредитни қондиришнинг дастлабки муддати камида уч йил бўлса, лекин бунда давлат корхонасига берилган кредит, унинг дастлабки қондириш муддатидан қатъий назар, ҳисобга олинмайди; (...)"

## “ЁПИҚ РЎЙХАТ” ШАКЛИДАГИ ТАЪРИФГА МИСОЛ

АҚШНИНГ НАМУНАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (2012) (*норасмий таржима*)

“Инвестиция” деганда инвестор бевосита ёки билвосита эгалик ёки назорат қиласиган **инвестиция хусусиятларига, шу жумладан, капитал ёки бошқа ресурсларнинг жалб қилиш мажбурияти, даромад ёки фойда кутиш ёки хавфни тахмин қилиш каби хусусиятлар эга ҳар қандай актив тушунилади.**

Инвестицияларни жалб қилиши мумкин бўлган шакллар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- (а) корхона;
- (б) улушлар, акциялар ва корхона улушда иштирок этишининг бошқа шакллари;
- (с) облигациялар, қарз мажбуриятлари, бошқа қарз воситалари ва кредитлар;
- (д) фючерслар, опционлар ва бошқа ҳосилалар; (...)"

## ТАЪРИФНИ БОШҚАЧА ЧЕКЛАШГА МИСОЛЛАР

БЕЛОРУСЬ ВА ЧЕХИЯ ЎРТАСИДА ТУЗИЛГАН ИККИ ТОМОНЛАМА ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (1996)  
... иқтисодий фаолиятлар билан боғлиқ бўлган киритилган ҳар қандай активлар ...

МАВРИКИЙ ВА ШВЕЙЦАРИЯ ЎРТАСИДА ТУЗИЛГАН ИККИ ТОМОНЛАМА ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (1996)  
... Аҳдлашувчи Томон қонун ҳужжасутлари асосида қабул қилинадиган ва унинг ҳудудида тегишили тижорат муносабатлари олиб бориладиган ...

## “ЁПИҚ РЎЙХАТ” ШАКЛИДАГИ ТАЪРИФГА МИСОЛ

ЕВРОПА ЭРКИН САВДО АССОЦИАЦИЯСИНИНГ (ЭФТА) 45-МОДДАСИ (*норасмий таржима*)

*“Ушбу бўйлимнинг мақсади учун Томонларнинг қонунлари ва қонун ости хужжатларига мувофиқ қилинган инвестициялар хўжалик юритувчи субъект билан узоқ муддатли иқтисодий алоқаларни ўрнатиш мақсадида, хусусан, уни бошқаришга самараали таъсир кўрсатиш имкониятини берадиган тўғридан-тўғри инвестицияларни англатади.”*

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (1992)

(*норасмий таржима*)

### 1-модда. Таърифлар

Ушбу Битим мақсадлари учун:

“2. “Инвестиция” атамаси қабул қилувчи Томоннинг қонун ва норматив-хукуқий хужжатларига мувофиқ инвестиция қилган активларининг барча турларини англатади ва, хусусан, қўйидагиларни, аммо мутлақ уларни эмас, ўз ичига олади:  
 (i) пайлар, акциялар ва компанияларда иштирок этишининг ҳар қандай шакллари;  
 (ii) реинвестиция қилинган фойда, пул маблағларини талаб қилиш ёки мажбуриятларни бажаришни талаб қилиш хукуқлари;  
 (iii) кўчар ва кўчмас мулк ва ипотека, гаров ва улар билан боғлиқ бошқа мулкий хукуқлар ва уларга ўхшаш хукуқлар;  
 (iv) муаллифлик хукуқлари, саноат ва интеллектуал мулк хукуқлари, хусусан, патентлар, лицензиялар, фойдали моделлар, техникавий жараёнлар, шунингдек, товар белгилари, гудвилл, ноу-хай ва бошқа шунга ўхшаш хукуқлар;  
 (v) қонун ёки шартномага мувофиқ иқтисодий фаолият юритиш учун бериладиган ҳар қандай хукуқ, қонун билан рухsat этилган, шу жумладан, табиат бойликларини қидириш, ишлов бериш, қазиб олиш ёки фойдаланиш, концессиялар.”

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ХХР ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (2011)

### 1-модда. Таърифлар

Ушбу Битим мақсадлари учун:

1. “Инвестиция” атамаси бир Аҳдлашувчи томон инвестори бошқа Аҳдлашувчи томон давлати худудида шу Аҳдлашувчи томоннинг қонун ва норматив-хукуқий хужжатларига мувофиқ инвестиция қилган активларининг барча турларини англатади ва, хусусан, қўйидагиларни, аммо мутлақ уларни эмас, ўз ичига олади:  
 а) кўчар ва кўчмас мулк ва ипотека, гаров ва улар билан боғлиқ бошқа мулкий хукуқлар ва уларга ўхшаш хукуқлар;  
 б) пайлар, облигациялар, акциялар ва компанияларда иштирок этишининг ҳар қандай шакллари;  
 в) инвестициялар билан боғлиқ, иқтисодий бойлика эга бўлган ҳар қандай фаолиятга оид пул маблағларини талаб қилиш ёки мажбуриятларни бажаришни талаб қилиш хукуқлари; ...”

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ХХР ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (2011)

### 1-модда. Таърифлар (давоми)

“... г) интеллектуал мулк ҳуқуқлари, хусусан, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фирма номлари, техникавий жараёнга оид ҳуқуқлар, ноу-хау ва гудвилл;

д) қонун ёки шартномага мувофиқ иқтисодий фаолият юритиш учун бериладиган ҳар қандай ҳуқуқ, қонун билан рухсат этилган, шу жумладан, табиат бойликларини қидириш, ишлов бериш, қазиб олиш ёки фойдаланиш, концессиялар;

е) қарз мажбуриятлари, шунингдек, ҳукуматнинг қарз мажбуриятлари, қарзлар, қарзнинг бошқа турлари, улардан келиб чиқадиган ва инвестициялар билан боғлиқ ҳуқуқлар.

Инвестицияларнинг белгилари деганда капитал ёки бошқа ресурсларнинг сарфланиши, даромад ва фойда олишни кутиш ҳамда таваккалчиликни қабул қилишини англатади.

Инвестиция қилинган активларнинг ҳар қандай шаклда ўзгариши, агар бундай ўзгариш ҳудудида инвестициялар амалга оширилган Аҳдлашувчи томон давлатининг қонун ва норматив-ҳуқуқий хужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган бўлса, бу активларнинг инвестицияйи хусусиятига таъсир қilmайди ...”

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ХХР ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (2011)

“Ушбу Битим мақсадлари учун қуйидагилар инвестиция ҳисобланмайди:

- (а) бошқа Аҳдлашувчи томон давлати ҳудудидаги корхона ёки фуқаро томонидан хизмат ёки товарлар савдосига нисбатан тижорат контрактларидан мутлоқ келиб чиқадиган пул маблағларига нисбатан бўлган талаблар;
- (б) инвестиция белгиларига эга бўлмаган ва мерос ёки никоҳ муносабатларидан келиб чиқадиган пул талаблари.

Қарзларни узишнинг дастлабки мuddати 3 йилдан кам бўлмаган облигациялар, қарз мажбуриятлари ва қарзлар мазкур Битим доирасида инвестициялар ҳисобланмайди.”

## САЛИНИ ТЕСТИ

- нисбатан маълум бир узоқ муддатга мўлжалланган фаолият;
- даромад олиш кутиладиган фаолият;
- хавфнинг мавжудлиги;
- аҳамиятли мажбуриятнинг мавжудлиги;
- инвестициянинг қабул қилувчи давлат ривожланишига сезиларли ҳисса қўшиши.

*Salini va Marokash ўртасидаги низо (ICSID Case No Arb/00/04) (Decision on Jurisdiction, 23 July 2001)*

## “ИНВЕСТОР” ТАЪРИФИ

- Инвесторлар бу инвестиция шартномаси асосида қабул қилувчи давлатга ўз активини киритаётган шартноманинг бошқа давлати билан боғлиқ бўлган шахслар ҳисобланади.
- Жисмоний шахслар:**
  - фуқаролар;
  - давлат худудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар;
  - икки ва ундан кўп давлат фуқаролари.
- Низолар бўйича амалиёт:**
  - халқаро одат ҳукуқидаги “самарали” ёки “ҳақиқий боғлиқлик” тестларини арбитражлар ҳар доим ҳам қўллайвермайди;
  - фуқаровий ҳукуқий муносабатининг мавжуд бўлишининг ўзи етарли.

## “ИНВЕСТОР” ТАЪРИФИ

- Юридик шахс мақоми улар таъсис этилган/рўйхатдан ўтган жойи асосида белгиланади.
  - тўлиқ мулк ҳуқуқи?
  - назорат?
  - акциядорлар/улуш эгаларининг ҳукуқлари?
- Айрим ХИШ қўшимча шартларни назарда тутади:
  - қароргоҳининг жойлашиши
  - мавжуд иқтисодий фаолият
- Низолар бўйича амалиёт:
  - натижада алоҳида битимнинг ҳолатига чамбарчас боғлиқ,

## “ИНВЕСТОР” ТАЪРИФИ: ЮРИДИК ШАХС

ГОЛЛАНДИЯ МОДЕЛИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (*норасмий таржима*)

### Ташкил этилган жой

“(b) “[инвестор]” атамаси ҳар бир Аҳдлашувчи томонга нисбатан:

(i) ушбу Аҳдлашувчи томоннинг фуқаролигига эга бўлган жисмоний шахслар;

(ii) ушбу Аҳдлашувчи томоннинг қонунларига биноан ташкил этилган юридик шахслар;

(iii) ушбу Аҳдлашувчи томоннинг қонунларига биноан ташкил этилмаган, аммо тўғридан тўғри ёки билвосита (i) таърифланган жисмоний шахслар томонидан ёки (ii) таърифи келтирилган юридик шахслар томонидан назорат қилинадиган юридик шахслар.”

## “ИНВЕСТОР” ТАЪРИФИ: ЮРИДИК ШАХС

КАНАДА ВА ВЕНЕСУЭЛА ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (*норасмий таржима*)

### Корхона

“инвестор” Канада учун:

ўз қонунларига мувофиқ Канада фуқаролигига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс; ёки  
Канаданинг амалдаги қонунларига мувофиқ ташкил этилган ёки рўйхатдан ўтган ҳар қандай корхона (...)

### “корхона” дегани

тегишли қонун асосида фаолияти фойда олишга қаратилган ёки фойда олишга қаратилмаган, хусусий ёки  
давлат мулки бўлган, ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, корпорация, траст, бирлашмалар, якка  
тартибдаги тадбиркорлик, кўшма корхона ёки бошқа бирлашма;  
ҳар қандай бундай ташкилотнинг филиали;

## “ИНВЕСТОР” ТАЪРИФИ: ЮРИДИК ШАХС

АҚШНИНГ НАМУНАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (*норасмий таржима*)

### Киришдан олдин/киритилгандан кейин

“Томоннинг инвестори” деганда бошқа Томоннинг худудида **инвестиция киритишга ҳаракат қилаётган, киритиш жараёнида бўлган ёки киритиб бўлган** Томонни ёки унинг давлат корхонасини ёхуд Томоннинг жисмоний шахси ёки корхонаси тушунилади; фақатгина бу ҳолда бир вақтнинг ўзида икки Томоннинг [инвестори] бўлган шахслар фақат ҳукмрон ва самарали боғлиқлиги бўлган давлатнинг [инвестори] ҳисобланади.”

## “ИНВЕСТОР” ТАЪРИФИ: ЮРИДИК ШАХС

ШВЕЙЦАРИЯНИНГ НАМУНАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (*норасмий таржима*)

### Юридик шахс жойлашган ер (siége social)

“(1) “Инвестор” атамаси ҳар бир Аҳдлашувчи томонга нисбатан:[...] (б) Аҳдлашувчи томоннинг қонунларига  
мувофиқ таъсис этилган ёки бошқа тарзда ташкил этилган ва унинг худудида реал иқтисодий фаолият  
олиб бориши билан бир қаторда, ўша Томоннинг худудида жойлашган юридик шахслар, шу жумладан,  
компаниялар, корпорациялар, бизнес уюшмалари ва бошқа ташкилотлар;  
(с) ушбу Аҳдлашувчи Томон фуқаролари ёки унинг худудида реал иқтисодий фаолият олиб бориши билан бир  
қаторда, ўша Томоннинг худудида жойлашган юридик шахслар томонидан тўғридан тўғри ёки билвосита  
назорат қилинадиган ҳар қандай мамлакат қонунларига биноан ташкил этилган юридик шахслар”.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (1992)

(норасмий таржима)

### 1-модда. Таърифлар

“Ушбу Битим мақсадлари учун

1. “Инвестор” атамаси қўйидагиларни англатади:

(а) амалдаги қонунларига мувофиқ ҳар қандай Томоннинг фуқароси мақомини олган жисмоний шахслар;  
(б) Томонларнинг ҳар бирининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ таъсис этилган ёки рўйхатдан ўтган ва уларнинг қароргоҳи ушбу Томоннинг худудида жойлашган корпорациялар, фирмалар, бизнес, уюшмалар.”

## ЎЗБЕКИСТОН ВА XXР ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (2011)

2. “Инвестор” атамаси бир Аҳдлашувчи томоннинг бошқа Аҳдлашувчи томон давлати ҳудудига инвестиция киритаётган ёки киритган фуқароси ёхуд корхонасини англатади:

- а) “фуқаро” атамаси, Аҳдлашувчи Томонлар ҳар бирининг қонунларига мувофиқ фуқароликка эга бўлган жисмоний шахсларга айтилади;
- б) “корхона” атамаси, Аҳдлашувчи томонлар давлатларидан бирининг қонун ва норматив-хукуқий хужжатларига мувофиқ тузилган ёки рўйхатга олинган ушбу Аҳдлашувчи томон давлати ҳудудида жойлашган ва тижорат фаолиятининг сезиларли қисми шу Аҳдлашувчи томон давлати ҳудудида бўлган, хусусий тадбиркор ёхуд ҳукумат назоратида бўлишидан қатъи назар, фаолияти фойда олишга қаратилган ёки фойда олишга қаратилмаган ташкилотлар, шунингдек, компаниялар, фирмалар, уюшмалар, ширкатлар ва бошқа ташкилотларга айтилади;
- в) Аҳдлашувчи томоннинг давлати ҳисобланмайдиган Давлат қонунларига асосан таъсис этилган, бироқ мулк ҳуқуқи ёхуд мазкур банднинг а) банди бўйича фуқаролар ёки б) банди бўйича корхона назорати остида бўлган юридик шахслар.

## ВАҚТ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНИШИ

- Шартномалар факат улар кучга кирганидан бошлаб амалда бўлади.
- Шартномалар улар кучга кирган санадан олдинги муносабатларни тартибга солмайди (агарда тарафлар бошқача келишмаган бўлсалар).
 

*Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенциясининг 28-моддаси*
- Аксарият икки томонлама инвестиция битимлари ҳам улар кучга киргандан аввал киритилган инвестицияларга, ҳам улар амалда бўлган даврда киритилган инвестицияларга нисбатан амалда бўлади.
- Бироқ улар кучга киришидан аввал юзага келган инвестиция низоларига нисбатан амалда бўлмайди:
 

*Шунинг билан бирга узоқ вақт давомида инвестицияга таъсир этувчи бир қатор давлат чоралари вақт бўйича юрисдикция масаласини кўрилишини талаб этади.*

## ХУДУД БЎЙИЧА АМАЛДА БЎЛИШИ

- ХИШ қабул қилувчи давлат худудида жойлашган чет эл инвестицияларига нисбатан қўлланади.
- Бироқ мурракаб маъмурий худудий тузилишга эга давлатлар шартномаларда истисноларни келтириб ўтишлари мумкин.

*Масалан, Нидерландия Қироллиги ўзининг намунавий инвестиция битимида Аруба ва Нидерландия Антиль оролларига нисбатан шартномани амал қилиши бўйича истисно киритилиши мумкин.*

- Чегара чоралари (масалан, савдо-сотиқни тақиқлаш) натижасида инвестицияга зарар етказилиши бўйича дъяво қўзғатиш учун асос бўлмайди (Canadian Cattlemen ва АҚШ ўртасидаги низо)
- Номоддий бойликлар (масалан, қимматли қоғозлар) қаерда жойлашган ҳисобланади?  
*Abaclat ва Аргентина ўртасидаги низога кўра трибунал қимматли қоғозлар чиқаришдан келиб тушган маблағлар қаерда ва кимнинг фойдасига ишлатилган бўлса, ўша ҳудудда жойлашган ҳисобланади. Бунда ушбу маблағларнинг қаерга ўтказилгани ва қаерда сотилганининг аҳамияти йўқ.*

## САВОЛЛАР?

[rodrigo.polanco@wti.org](mailto:rodrigo.polanco@wti.org)



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



# ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

Родриго Поланко  
(Rodrigo Polanco)

Берн, 2021 йил



## РЕЖА

- Мутлақ ва нисбий ҳимоя стандартлари
- Миллий режим
- Энг қулай режим
- Адолатли ва тенг ҳуқуқлилик режими
- Тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик режими

## ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

### Амал қилиш доираси:

- Қамраб олинадиган “инвестиция” ва “инвестор” таърифи
- Бақт ва ҳудуд бўйича қўлланиши

### Режимлар (стандартлар):

- Нисбий стандартлар:
  - Миллий режим (МР)
  - Энг қулай режим (ЭҚР)
- Мутлақ стандартлар:
  - Халқаро ҳимоянинг минимал талаблари (ХМТ)
  - Адолатли ва тенг ҳуқуқлилик режими (АТҲР)
  - Тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик режими (ТҲҲ)

### Ҳимоя қилиш стандартлари:

- Ноқонуний экспроприация ва чиқишлардан ҳимоя
- Ўтказмалар
- Суброгация

### Низоларни ҳал қилиш

- Давлатлараро
- Инвестор – Давлат арбитражи (ИДА)

ХИШ:

Икки томонлама  
инвестиция битимлари

Имтиёзли савдо  
шартномаларининг  
инвестицияга оид  
қисмлари

## ХИМОЯ СТАНДАРТЛАРИ

Химоя стандартлари – бу қабул қилувчи давлатнинг хулқ-атвори стандартлари.

Нисбий ҳимоя стандартлари  
(қўлланилиши учун таққосланишни талаб этади)

- дискриминация қилмаслик бўйича умумий талаб
- миллий режим (МР)
- энг қулай режим (ЭҚР)

Мутлақ ҳимоя стандартлари:

- ҳимоянинг минимал ҳалқаро стандартлари (МХС)
- адолатли ва тенг ҳукуқлилик режими (АТҲР)
- тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик режими (ТҲХ)

## МИЛЛИЙ РЕЖИМ: ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

ШИМОЛИЙ АМЕРИКА ЭРКИН САВДО ҲУДУДИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА (1992)  
(норасмий таржима)

### 1102-модда

1. Ҳар бир Томон бошқа Томоннинг инвесторларига ўз инвесторларига нисбатан, мос бўлган ҳолларда, инвестицияларни таъсис этиш, сотиб олиш, кенгайтириш, бошқариш, амалга ошириш, хизмат кўрсатиш ҳамда сотиш ёки тасарруф қилишга доир яратилган қулай режимдан кам бўлмаган режим яратиб беради.
2. Ҳар бир Томон бошқа Томоннинг инвесторлари инвестицияларга ўз инвесторлари инвестицияларга нисбатан, мос бўлган ҳолларда, инвестицияларни таъсис этиш, сотиб олиш, кенгайтириш, бошқариш, амалга ошириш, хизмат кўрсатиш ҳамда сотиш ёки тасарруф қилишга доир яратилган қулай режимдан кам бўлмаган режим яратиб беради.
3. Штат ёки провинцияга нисбатан 1- ва 2-бандларга мувофиқ Томонлар яратиб берадиган режим ўша штат ёки провинция томонидан ўзи унинг бир қисми бўлган Томоннинг инвесторларига ва уларнинг инвестицияларига нисбатан, мос бўлган ҳолларда, яратилган қулай режимдан кам бўлмаган режим яратиб берилишини англаради.

## МИЛЛИЙ РЕЖИМ: ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ВА ТАИЛАНД  
ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ  
БИТИМИ  
(2002)

(норасмий таржима)

3-модда

“Томонлардан ҳар бири ўз миллий қонунчилигига мувофиқ киритилган бошқа Томоннинг инвестицияларга нисбатан, мос бўлган ҳолларда, ўз инвесторларига ёки ҳар қандай учинчи давлат инвесторларининг инвестицияларига яратиб берадиган қулай режимдан, улардан қайси бири қулайроқ бўлса, ўшанисидан кам бўлмаган режим яратиб бериши лозим.”

## МИЛЛИЙ РЕЖИМ: ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

ШАРҚИЙ ВА ЖАНУБИЙ АФРИКА УЧУН УМУМИЙ БОЗОР ДОИРАСИДАГИ  
ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАСИ (2007)  
17-моддаси

Янада аникроқ бўлиш учун, “мос бўлган ҳоллар” тушунчаси аниқлаштириб берилади. Яъни инвестиция билан боғлиқ бўлган барча ҳолатлар, шу жумладан,

- (a) унинг учинчи шахсларга ва маҳаллий жамоага таъсири;
- (b) унинг маҳаллий, минтақавий ёки миллий муҳитга таъсири, шу жумладан, юрисдикция доирасидаги барча инвестицияларнинг атроф-муҳитга кумулятив таъсири;
- (c) инвестор иштирок этадиган сектор;
- (d) тегишли чоранинг мақсади;
- (e) одатда, чорага нисбатан қўлланилайдиган тартибга солиш жараёнлари;
- (f) инвестиция ёки инвестор билан бевосита боғлиқ бўлган тегишли чорага таалуқли бошқа омиллар ҳар бир ҳолат бўйича ўрганиб чиқилиши талаб этилади.

## МИЛЛИЙ РЕЖИМ: ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

ҲИНДИСТОННИНГ НАМУНАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (2016)  
4-моддаси

Миллий режим доирасидан истисно бўлган ҳоллар келтириб ўтилади:

- (4.2.) МР талаби фақатгина инвестицияга нисбатан атайн ва қонун талабларига зид амалга оширилган дискриминация чоралари қўлланган бўлса, бузилган ҳисобланади;
- (4.3.) минтақавий ва маҳаллий ҳукумат қонунлари ва чоралари истисно ҳисобланади;
- (4.4.) қонун қаҷон ёки қандай қўллаш ёки умуман қўлламаслик каби қарорлар қабул қилиш эркинлиги истисно ҳисобланади;
- (4.5.) соғлиқни сақлаш, хавфиззликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби масалалар юзасидан кўрсатилган молиявий кўмак истисно ҳисобланади.

## МИЛЛИЙ РЕЖИМ: ЭЛЕМЕНТЛАРИ

1: Инвесторларнинг  
таққослаш  
имконияти

- таққослаш субъектларини аниқлаш
- миллий ёхуд хорижий

2: Кам бўлмаган  
режим

- ҳар бири рақобатчига нисбатан яратилган режим солиштирилади
- фарқ кам бўлган ҳимоя режимини кўрсатиши лозим

3: Оқлаш учун  
асослар

- фарқли бўлган ҳимоя режимини оқлаш имконини берувчи асосларни кўриб чиқиш

## МИЛЛИЙ РЕЖИМ

- Шартномавий мажбурият (халқаро одат ҳуқуқи шаклидаги мажбурият эмас)
- Мазмуни турли ХИШ ҳолатлари асосида турлича:
  - Айрим ХИШда берилмаган
  - МРни таъминлашда “имкон қадар” ҳаракат қилиш шарти
  - МР амал қилиши миллий қонун ҳужжатларига боғлиқ
  - Ҳуқуқий мажбурловчи МР (энг кўп тарқалган ёндашув)
  - “Ўхшаш ҳолатлар” тушунчаси ва белгилари борган сари ўхшаш бўлиб бормоқда.

## МИЛЛИЙ РЕЖИМ

- Шундай қилиб, МРга мувофиқ қабул қилувчи давлат чет эллик (бошқа аҳдлашувчи томони) инвесторларига (ва улар билан боғлиқ бўлган инвестицияларга) ўз инвесторлари (ва улар билан боғлиқ бўлган инвестицияларига) нисбатан, мос бўлган ҳолларда, кам бўлмаган қулай режимни яратиб беради.
- Ҳар қандай шаклдаги (қонун ҳужжатлари, маъмурий қарорлар ёки норасмий) чораларга нисбатан қўлланилади.
- Кўп учрайдиган МР талабларини истисно этадиган ҳолатлар:
  - минтақавий иқтисодий интеграциялар (масалан, божхона ва монетар иттифоқлар);
  - иккиёқлама солиқقا тортишга йўл қўймаслик тўғрисидаги келишувлар;
  - инвестицияни кириб келиши билан боғлиқ мажбуриятлар.

## ЭНГ ҚУЛАЙ РЕЖИМ

*Аҳамияти:*

- Жаҳон савдо ташкилоти
  - Савдо ҳуқуқининг тамал тоши
- Инвестиция
  - Либераллаштириш? Истиснолар...
  - Инвестиция ҳимояси учун бир хил ўйин қоидалари?
  - Глобаллашув? Тортишувга сабаб бўлган масала.

## ЭНГ ҚУЛАЙ РЕЖИМ

АРГЕНТИНА ВА ИСПАНИЯ ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (1991)  
(норасмий таржима)

IV модда. Режимлар

- “1. Ҳар бир Томон ўз ҳудудида бошқа томоннинг инвесторлари инвестицияларига **адолатли ва тенг ҳуқуқлилик режими**ни таъминлайди.
2. Ушбу Битим билан қамраб олинган барча масалаларда, бундай режим ҳар бир Томон ўз ҳудудига ҳар қандай учинчи давлат инвесторлари томонидан киритилган инвестицияларга нисбатан яратилган қулай режимдан кам бўлмаган режим яратиб беради.
3. Ушбу режим учинчи давлат инвесторларига қуидагиларда иштирок этганлиги сабабли бериладиган имтиёзларга **татбиқ этилмайди**
  - эркин савдо ҳудуди;
  - божхона иттифоқи;
  - умумий бозор;
  - минтақавий интеграция тўғрисида келишув; ёки
  - ўзаро иқтисодий ёрдамни ташкил этиш (...)"

## ЭНГ ҚУЛАЙ РЕЖИМ

ЖАНУБИЙ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАСИ (2009)  
(норасмий таржима)

6-модда

Ҳар бир Аъзо давлат бошқа Аъзо давлатнинг инвесторларига ҳар қандай Аъзо давлат ёки Аъзо бўлмаган давлат инвесторларига нисбатан, **ўхшаш бўлган ҳолларда**, инвестицияларни киритиш, таъсис этиш, сотиб олиш, кенгайтириш, бошқариш, эксплуатация қилиш, хизмат кўрсатиш, фойдаланиш, сотиши ёки тасарруф қилишга доир яратилган қулай режимдан кам бўлмаган режим яратиб беради.

## ЭНГ ҚУЛАЙ РЕЖИМ

БРАЗИЛИЯ ВА ПЕРУ ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА (2016)  
(норасмий таржима)

**2.6-модда. Энг қулай режим**

...

3. Янада аниқроқ бўлиш учун, ушбу моддада келтирилган режим инвестор ва давлат ўртасидаги низоларни ҳал қилиш механизмлари ва жараёнинга ёки ҳалқаро савдо ва инвестиция шартномаларида берилган бошқа ҳар қандай низоларни ҳал қилиш механизмларига нисбатан қўлланмайди.

## ЭНГ ҚУЛАЙ РЕЖИМ

БРАЗИЛИЯ ВА ПЕРУ ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ВА САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ТҮҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА (2016)

Айрим масалаларга оид истиснолар келтириб ўтилади. Масалан:

- ҳаво кемаси қатнови;
- балиқ ови;
- қутқарув;
- ижтимоий реабилитация хизмати;
- миллий хаефсизлик;
- таълим масалалари;
- соғлиқни сақлаш ва бошқалар.


## ЭНГ ҚУЛАЙ РЕЖИМ

- Ҳар бир Томон бошқа Томоннинг инвесторларига ва уларнинг инвестицияларига ҳар қандай учинчи давлат инвесторларига ва уларнинг инвестицияларига нисбатан, мос бўлган ҳолларда, яратилган қулай режимдан кам бўлмаган режим яратиб беради.
- Турли нормаларнинг мувофиқлашувига таъсир этади.
- Халқаро музокораларда ўйин қоидаларини бир хилластиради.
- Шартномавий мажбурият (одат хуқуқи шаклидаги мажбурият эмас).
- Кичик давлатлар учун муҳим аҳамиятга эга.

## ЭНГ ҚУЛАЙ РЕЖИМ

- 3000 дан ортиқ ХИШ мавжуд бўлган ҳозирги вазиятда ЭҚР амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.
- ЭҚР аҳдлашувчи томонлар кўзда тутганидан фарқли равишда турли хил контекстларга нисбатан қўлланиладиган мажбуриятларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли музокаралар чоғида давлатлар ЭҚР таъсирини тўлиқ тушунишлари керак.
- ЭҚР амал қилиш доираси тегишли шартнома ҳолатининг матни билан белгиланади (масалан, “барча масалалар”, “ўхшаш ҳолатлар”).

## ЭНГ ҚУЛАЙ РЕЖИМ



## ЭНГ ҚУЛАЙ РЕЖИМ

ЭКР халқаро шартномаларда турли хил масалаларни келтириб чиқаради:

- (1) Қабул қилувчи давлатда турли давлатлардан бўлган икки чет эл инвесторларига нисбатан турлича режимнинг қўлланиши. Ўхаш шароитларда бўлган инвесторларга турли режим қўлланиши мумкин эмас (масалан, бири 10 % солиққа, иккинчиси эса 50 % солиққа тортилиши).
- (2) Бошқа ХИШдан қулайроқ бўлган моддий ҳуқуқларнинг импорт қилиниши. Масалан, қулайроқ АТХ режимига эга шартнома ҳолатининг қўлланиши.
- (3) Бошқа ХИШдан қулайроқ бўлган процессуал ҳуқуқларнинг импорт қилиниши. Масалан, Аргентинанинг айрим битимлари 18 ой ичида миллий воситаларни тутагатилишини талаб қилса, бошқалари тўғридан тўғри халқаро арбитражга даъво қилиш имконини беради.
- (4) Халқаро арбитражга мурожаат қилиш ёки арбитраж бўйича ХИШ ҳолатларини кенгайтириш имкониятига эга бўлиш.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (1992)

(норасмий таржими)

2-модда. Инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш.

1. Миллий қонунчиликка мувофиқ, Томонлардан ҳар бири инвестицияларга ва у билан боғлиқ фаолиятга нисбатан, мос бўлган ҳолларда, ҳар қандай учинчи давлат инвесторларининг инвестицияларига яратиб берадиган қулай режимдан кам бўлмаган режим яратиб бериши лозим.
2. Томонлардан ҳар бири ўз ҳудудида таъсис этилган инвестицияларга нисбатан, мос бўлган ҳолларда, ўз инвесторлари инвестицияларига ёки учинчи давлат инвесторлари инвестицияларига яратиб берган энг қулай режимдан кам бўлмаган режим яратиб беради.
- (...)
4. Бироқ ушбу модда қоидалари Аҳдлашувчи томонлардан бири иштирок этган қуйидаги халқаро битимларга нисбатан амал қилмаслиги керак:
  - а) ҳар қандай божхона иттифоқи, минтақавий иқтисодий ҳамкорлик ёки бошқа шунга ўхаш масалалардаги;
  - б) тўлиқ ёки асосан солиққа тортишга бағишиланган.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ХХР ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (2011)

4-модда

Энг қулай режим

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи томон бошқа Аҳдлашувчи томоннинг инвесторларига ва уларнинг инвестицияларига ҳар қандай учинчى давлат инвесторларига ва уларнинг инвестицияларига нисбатан, мос бўлган ҳолларда, инвестицияларни таъсис этиш, сотиб олиш, кенгайтириш, эксплуатация қилиш, бошқариш, хизмат кўрсатиш, фойдаланиш, эгалик қилиш, сотиши ёки тасарруф қилишга доир яратилган қулай режимдан кам бўлмаган режим яратиб беради.
2. Мазкур модданинг 1-банди қоидаларида назарда тутилган ҳар қандай қулай режимнинг афзаллигини, преференция ва имтиёзларини бир Аҳдлашувчи томон бошқа Аҳдлашувчи томоннинг инвесторларига қўйидагилар асосида бериши шарт деб талқин қилинмайди:
  - а) ҳар қандай божхона иттифоқи, эркин савдо зоналари, иқтисодий иттифоқ ҳамда мазкур иттифоқлар доирасида амал қилидиган битимлар ёки шунга ўхшаш ташкилотлар;
  - б) тўла ёки қисман солиқ солишга доир (божхона тўловларини ҳам ҳисобга олганда) ҳар қандай халқаро битим ёки келишув;
  - в) чегараолди вилоятларида чегара савдосини рағбатлантиришга қаратилган ҳар қандай чора-тадбирлар.
3. Мазкур модданинг 1-банди қоидалари бошқа шартномаларда назарда тутилган низоларни ҳал қилиш механизми мазкур Битим бўйича инвесторларга ва инвестицияларга доир низоларга тааллуқли бўлмайди.

## ХИМОЯНИНГ МИНИМАЛ ҲАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ

Тарихий асоси: халқаро одат ҳукуқи

- давлатларнинг чет элликларни ва уларнинг мулкини ҳимоя қилиш мажбурияти;
- халқаро одат ҳукуқи давлатларнинг умумий ва изчил, ҳукуқий жиҳатдан мажбурловчи деб қарайдиган амалиёти асосида шаклланади.

АҚШ ва Мексика ўртасидаги “Умумий дাъволар бўйича комиссия”

- *Nip (Neer, 1926) ҳамда Roberts (Roberts, 1926) ишлари*

## ХИМОЯНИНГ МИНИМАЛ ҲАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ

“... ҳукумат ҳаракатларининг тўғрилиги халқаро стандартлар асосида баҳоланиши лозим ... чет элликка нисбатан муносабат халқаро ҳукуқбузарликни ташкил қилиши учун ушбу ҳаракат қўпол бузилиш, вижданан бўлмаган муносабат, ўз манфаатларини атайлаб эътиборсиз қолдириш, ёки ҳар қандай оқил ва холис шахс унинг етарли эмаслигини осонгина англай оладиган халқаро меъёларга мос келмайдиган ҳукумат фаолияти бўлиши лозим.”

Нип (Neer, 1926) иши

## ХИМОЯНИНГ МИНИМАЛ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ

- Мутлақ ҳимоя стандарти: қабул қилувчи давлат ички қонунчилигидан алоҳида
- МР чет элликларни ҳимоя қилиш учун етарли эмас
- Минимал ҳимоя стандартларини халқаро одат ҳуқуқи қисми экани борасида тортишувлар мавжуд
- Ўтган асрнинг 90-йилларида бир қатор ХИШларнинг ҳолатларида акс эттирилди.

## ХИМОЯНИНГ МИНИМАЛ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ

ШИМОЛИЙ АМЕРИКА ЭРКИН САВДО ҲУДУДИ ТҮҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА (1992)  
(норасмий таржима)

### 1105-модда

#### Ҳимоянинг минимал стандарти

1. Ҳар бир томон бошқа томоннинг инвесторларига халқаро ҳуқуққа мувофиқ, шу жумладан, адолатли ва тенг ҳуқуқлилик ҳамда тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик режимини яратиб беради

## АДОЛАТЛИ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК РЕЖИМИ: МИСОЛЛАР

### Жазоир ва Индонезия ўртасидаги инвестиция битими (2000)

2 модда

“адолатли ва тенг  
ҳуқуқлилик режими”

“муносиб ҳимоя ва  
хавфсизлик режими”

### Бразилия ва Нидерландия ўртасидаги инвестиция битими (1998)

3-модда

“адолатли ва тенг  
ҳуқуқлилик режими”

“тўлиқ ҳимоя ва  
хавфсизлик режими”

### Хитой ва Қатар ўртасидаги инвестиция битими (1999)

3-модда

“адолатли ва тенг  
ҳуқуқлилик режими”

“ҳимоядан  
фойдаланади”

## АДОЛАТЛИ ВА ТЕНГ ҲУҚУҚЛИК РЕЖИМИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ :

- (1) Ҳокимиятни суистеъмол қилиш, вижданан бўлмаган муносабат, мажбурлаш, таъқиб қилиш ёки қўрқитиш
- (2) Ўзбошимчалик
- (3) Одил судловни рад этиш
- (4) Дискриминация
- (5) Тегишли эҳтиёткорликнинг йўқлиги
- (6) Шаффофликнинг йўқлиги
- (7) Барқарор ва башорат қилинадиган ҳуқуқий ва ишбилармонлик мухитини таъминланмагани
- (8) Легитим тахмин ва кутишлар

## ТЎЛИҚ ҲИМОЯ ВА ХАВФСИЗЛИК РЕЖИМИ

ГОЛЛАНДИЯ НАМУНАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (*норасмий таржима*)

*"Хар бир Аҳдлашувчи томон бундай инвестицияларга тўлиқ жисмоний хавфсизлик ва ҳимоя режимини яратиб беради"*

*3(1)-моддаси*

ШВЕЙЦАРИЯ НАМУНАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (*норасмий таржима*)

*"Хар бир Аҳдлашувчи томоннинг инвестициялари ва инвесторларининг даромадларига нисбатан ҳар доим адолатли ва тенг ҳуқуқлилик режими таъминланади ва бошقا Аҳдлашувчи томон ҳудудида тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик режимидан фойдаланади"*

*4(1)-моддаси*

## ТЎЛИҚ ҲИМОЯ ВА ХАВФСИЗЛИК РЕЖИМИ

- Тегишли тартибда ва равища эҳтиёткорона муносабатда бўлиш талаби ҳимоянинг мутлақ кафолати эмас.
- Инвесторларнинг, уларнинг ходимлари ва активларини полиция/куролли кучлар томонидан жисмоний ҳимоя қилинишига нисбатан қўлланади.
- Айрим низолар бўйича чиқарилган қарорлар ушбу режим ҳуқуқий хавфсизликка ҳам татбиқ этилишини қайд этган (яъни қабул қилувчи давлатни инвестицияни ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш имконини берувчи тизимга эга бўлишини талаб этади).

## ХМС, АТХР ва ТҲҲ

- Минимал халқаро стандартлар (ХМС) “адолатли ва тенг ҳуқуқлилик режими” (АТХР) ва “тўлиқ ҳимоя ва хавфизлик режими” (ТҲҲ) боғлиқ бўлиб келади.
- ХИШларида АТХР ва ТҲҲ халқаро одат ҳуқуқига мувофиқ қўлланиши аниқлаштирилади.
- Минимал халқаро стандартлари “адолатли ва тенг ҳуқуқлилик режими” ва “тўлиқ ҳимоя ва хавфизлик режими”ни ўз ичига олади.
- Амалиётда бир-бирига мувофиқлаштирилиши ёки мустақил стандарт?

## САВОЛЛАР?

[rodrigo.polanco@wti.org](mailto:rodrigo.polanco@wti.org)



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



# ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

Родриго Поланко  
(Rodrigo Polanco)

Берн, 2021 йил



## РЕЖА

Асосий ҳимоя стандартлари:

- Экспроприациядан ҳимоя
- Компенсация мажбурияти
- Маблағларнинг эркин ўтказилиши

## ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

### Амал қилиш доираси:

- Қамраб олинадиган “инвестиция” ва “инвестор” таърифи
- Вақт ва ҳудуд бўйича қўлланиши

### Режимлар (стандартлар):

- Нисбий стандартлар:
  - Миллий режим (МР)
  - Энг қулай режим (ЭҚР)
- Мутлақ стандартлар:
  - Халқаро ҳимоянинг минимал талаблари (ХМТ)
  - Адолатли ва тенг ҳуқуқлилик режими (АТҲР)
  - Тўлиқ ҳимоя ва хавфсизлик режими (ТҲХ)

### Ҳимоя қилиш стандартлари:

- Ноқонуний экспроприация ва чиқишлардан ҳимоя
- Ўтказмалар
- Суброгация

### Низоларни ҳал қилиш

- Давлатлараро
- Инвестор – Давлат арбитражи (ИДА)

ХИШ:

Икки томонлама  
инвестиция битимлари

Имтиёзли савдо  
шартномаларининг  
инвестицияга оид  
қисмлари

## ЭКСПРОПРИАЦИЯ ТУРЛАРИ

- Тўғридан тўғри экспроприация. Бунда давлат инвесторнинг мулкини ўз ҳисобига ўтказади (ўз мулкига айлантиради).
- Билвосита экспроприация. Бунда давлатнинг бирон-бир ҳаракати инвесторнинг ўз мулкидан фойдаланиш қобилиятига (уни тасарруф этиш ва бошқариш) жиддий таъсир қўрсатади, аммо мулк расман давлат ҳисобига ўтмайди.
  - Аста-секинлик билан амалга оширилган экспроприация: бир нечта чоралар йиғиндиси асосида юзага келади.
  - Қонун ҳужжатлари ижроси асосида юзага келадиган экспроприация: алоҳида кўринишиими?

## ЭКСПРОПРИАЦИЯ МИСОЛЛАР

АҚШНИНГ НАМУНАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (2004)

...агар ушбу чора қўйидагилар асосида амалга оширилса, ЭКСПРОПРИАЦИЯга йўл қўйилади:

- (а) жамият манфаатида;
- (б) дискриминацияга йўл қўймаган ҳолда;
- (с) зудлик билан, етарли ва самараали компенсация тўлаш билан;
- (д) қонун ҳужжатларига ва миллий режим талабларига мувофиқ.

## ЭКСПРОПРИАЦИЯ МИСОЛЛАР

ШВЕЙЦАРИЯНИНГ НАМУНАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ

Экспроприацияга йўл қўйиладиган ҳолатлар:

- *жамият манфаатида амалга ошириш;*
- *дискриминацияга йўл қўймаган ҳолда амалга ошириш;*
- *зудлик билан, етарли ва самараали компенсация тўлаш.*

## ЭКСПРОПРИАЦИЯ МИСОЛЛАР

Бруней ва Корея Республикаси  
ўртасидаги инвестиция  
битими  
(2000)

5-модда

“тезкор, етарли миқдордаги ва самарали  
компенсация”

Миср ва Таиланд  
ўртасидаги инвестиция  
битими  
(1998)

5-модда

“етарли миқорда, самарали амалга  
ошириладиган, кечиктирмасдан ва эркин  
ўтказиладиган конвертация қилинадиган  
валютада бўлиши”

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ХХР ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (2011)

“6-модда  
Экспроприация

1. Аҳдлашувчи томонлардан ҳеч бири ўз давлати ҳудудида, бошқа Аҳдлашувчи томон инвесторларининг  
инвестициялари экспроприация, национализация ёки инвесторларнинг инвестицияларини экспроприация  
ва национализацияга тенглаштирилган чораларни қўлламайди, аммо қўйидаги талабларга риоя қилиш  
бундан мустасно:

- (а) жамият манфаатларида;
- (б) ички суд жараёни ва шу кабиларга риоя қилишда;
- (в) дискриминацияга йўл қўймаган ҳолда;
- (г) бошқа заарларни қоплаш ҳисобига.

“Экспроприация ва национализацияга ўхшаш бўлган чоралар” билвосита экспроприацияга  
тенглаштирилди.”

## ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИГАН ЭКСПРОПРИАЦИЯ

- Ҳар қандай активларни экспроприация қилишга йўл қўйилади. Лекин бу чора ўзбошимчалик билан  
амалга оширилмаслиги керак.
- Экспроприацияга йўл қўйилишининг тўртта шарти мавжуд:
  1. Уни жамият манфаатларида амалга ошириш
    - чиннакам жамият талаби, вижданон бажарилиши
    - амалиётда давлатларга кенг имкониятлар берилган
  2. Дискриминацияга йўл қўймаган ҳолда амалга ошириш
    - Чет элликларни турли асосларга кўра фарқлаш (миллат, ирқ ва б.).
    - Мавжуд бўлган ҳолат билан чамбарчас боғлиқ бўлган масала.

## ЙЎЛ ҚЎЙИЛАДИГАН ЭКСПРОПРИАЦИЯ

3. Қонун хужжатларида ўрнатилган тартибга мувофиқ амалга ошириш
  - Олдиндан хабар бериш, даъво келтириш имконияти, ишни одиллик билан холис суд томонидан кўриб чиқилиши.
4. Компенсация: одатда, тўрт масала ҳал этилиши лозим:
  - уни тўлаш стандарти ва зарар ва йўқотишларни баҳолаш усуллари;
  - компенсацияни аниқлаш учун бошланғич санани аниқлаш;
  - конвертация ва маблағларни эркин ўтказиш;
  - фоизлар тўлови.

## ҲУҚУҚЛАР ЭКСПРОПРИАЦИЯ ҚИЛИНИШИ МУМКИНМИ?

- Мол-мулк ҳуқуқи
- Шартномавий ҳуқуқлар?
- Интеллектуал мулк ҳуқуқи бўлган номоддий ҳуқуқлар? (масалан, “бозордаги улуш”)
- Иқтисодий тахминлар, зарар ёхуд даромад?

## ЭКСПРОПРИАЦИЯ: СУД АМАЛИЁТИ

Товар белгилари ва сигареталарни қутилаш?



## БИЛВОСИТА ЭКСПРОПРИАЦИЯ

- Билвосита экспроприацияни аниқлашнинг маҳсус қоидалари мавжуд эмас.
- Ҳар бир ҳолатнинг/ишнинг алоҳида кўриб чиқилишини талаб этади.
- Лекин айрим талабларга риоя этилиши лозим.

## БИЛВОСИТА ЭКСПРОПРИАЦИЯ

### Чоранинг иқтисодий таъсирини аниқлаш

- Ҳуқуқдан тўлиқ ёки унинг жуда муҳим қисмидан жудо бўлиш.
- Оддийгина фаолиятга аралашиб ва қисман таъсир этувчи салбий таъсир билвосита экспроприация ҳисобланмайди.
- Чоранинг амалда бўлиши даври.
- Фақат чора кўрилишининг ўзи (уни қабул қилиш сабаблари ва мақсадларисиз) рад этилган.

## БИЛВОСИТА ЭКСПРОПРИАЦИЯ

### Инвесторнинг тахмин ва кутишларига таъсирни аниқлаш

- Легитим тахмин ва кутишлар давлатнинг бирон-бир аниқ ҳаракатларигагина боғлиқ бўлмайди (*Azurix ва Аргентина ўртасидаги иш*).
- Легитим тахмин ва кутишлар чет эл инвесторига ваколатли ҳокимият томонидан берилган тегишли мажбуриятларни талаб этади (*Methanex ва АҚШ ўртасидаги иш*).
- Инвестор, агарда давлат томонидан бу борада маҳсус мажбурият олинмаган бўлса, мавжуд қонунчиликни ўзгармасдан қолишини тахмин қилиши ва кутиши мумкин эмас (*Charanne ва Испания ўртасидаги иш*).

## БИЛВОСИТА ЭКСПРОПРИАЦИЯ

**Кўриладиган чоранинг табиати, мақсади ва хусусиятларини аниқлаш**

- Умуман чоранинг “мақсади” ва “табиати” аҳамиятга эга бўлиши керакми?
- Ҳар доим ҳам бундай эмас.

## БИЛВОСИТА ЭКСПРОПРИАЦИЯ: МИСОЛЛАР

АҚШ НАМУНАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ В-ИЛОВАСИ (2012)

- “ХАЛҚАРО ОДАТ ҲУҚУҚИНИ АКС ЭТТИРИШИ”
- “МОДДИЙ ВА НОМОДДИЙ МУЛҚ ҲУҚУҚИ ЁКИ МУЛКИЙ МАНФААТДОРЛИК”

## БИЛВОСИТА ЭКСПРОПРИАЦИЯ: МИСОЛЛАР

“б) Томонлар кўрган чора ёки бир қатор чоралари билвосита экспроприацияни ташкил этиши ёки йўқлигини аниқлаш, бошқа омиллар қаторида, қуидагиларни алоҳида-алоҳида, далилларга асосланган ҳолда ўрганилишини талаб қиласди:

- i) чора ёки бир қатор чора-тадбирларнинг иқтисодий таъсири, гарчи Томонларнинг чора ёки бир қатор чора-тадбирлари инвестицияларнинг иқтисодий қийматига салбий таъсир кўрсатган бўлса-да, билвосита экспроприация содир бўлганини англатмайди;
- ii) чора ёки бир қатор чора-тадбирлар аниқ, оқилона инвестициялар билан таъминланган тахминларга халақит берадиган даражада таъсир қиласди;
- iii) чора ёки бир қатор чора-тадбирларнинг характеристи;”

КАНАДА НАМУНАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ В-ИЛОВАСИ  
(норасмий таржима)

## КОМПЕНСАЦИЯ: УРУШ ВА БОШҚА НОТИНЧЛИКЛАР

- Кўпгина ХИШ уруш ва қуролли можароларнинг бошқа шакллари, фавқулодда ҳолат, инқилоб, кўзғолон, фуқароларнинг чиқишилари ёки шунга ўхшаш ҳодисалар бўйича ҳолатларга эга.
- Одатда улар юқоридаги ҳолатлар юз берганда давлат томонидан кўриладиган чоралар (жумладан, компенсация бўйича) миллий ва энг қулай режим асосида бўлишини мустаҳкамлаб қўяди.
- Юқоридаги режимларнинг (яъни дискриминация қилмаслик бўйича талаб) қўлланишидан бошқа муҳим моддий хуқуқ ва мажбуриятларни белгиламайди.

## МАБЛАҒЛАРНИНГ ЭРКИН ЎТКАЗИЛИШИ

- “Инвестиция киритилиши эркинлиги учун жуда зарур ва икки томонлама инвестиция битимларини аҳамиятини оширадиган муҳим элемент” (*Continental Casualty ва Аргентина ўртасидаги иш*)
- Қандай маблағлар ўтказилиши мумкин?
  - киритилган капитал
  - инвестициядан келган даромад
  - қарзлар бўйича тўловлар
  - компенсация тўловлари
  - инвестиция тугатилиши билан боғлиқ савдодан тушган маблағлар
  - чет эллик ходимлар учун мўлжалланган иш ҳаққининг ишлатилмаган қисми.

## МАБЛАҒЛАРНИНГ ЭРКИН ЎТКАЗИЛИШИ

- **Аниқ белгиланган шартлар:**
  - Вақт: “кечиктирилмасдан”, “тезда”, “ажратилган вақт” (бир йил?)
  - Валюта: ўтказмани амалга ошириш вақтида бозорда ўрнатилган қийматда эркин конвертация қилинадиган валютада.
- **Назарда тутилувчи шартлар:**
  - Деярли ҳеч бир шартнома бу хукуқни мутлоқлаштирумайди, одатда, миллий қонунчиликка мувофиқ бўлади. Масалан, расмий ва норасмий валюта айрибошлиш тизимининг мавжудлиги бу хукуқнинг чекланиши ҳисобланмайди (OI European Group ва Венесуэла ўртасидаги иш).
  - Давлатнинг монетар суверенитети. Миллий валюта ўзгарса нима бўлади? (масалан, Греция Евродан воз кечса).
  - “Капитал ўтказмаларни” тартибга солиш мумкин – “жорий операциялар” (масалан, импорт тўловлари)га нисбатан эса бундай эмас.

## МАБЛАҒЛАРНИНГ ЭРКИН ЎТКАЗИЛИШИ: ИСТИСНОЛАР

Қўйидагиларга тегишли қонунларни адолатли, камситмайдиган ва вижданан қўллаш орқали маблағ ўтказмаларини чеклаши мумкин:

- банкротлик, тўловга лаёқатсизлик ёки кредиторларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш;
- қимматли қоғозларни чиқариш, сотиш ёки уларнинг муомаласи;
- жиноят ёки хукуқбузарликлар;
- валюта ёки бошқа монетар воситалар ўтказмалари тўғрисидаги ҳисоботлар;
- солик;
- ижтимоий тўловлар;
- суд жараёнида суд қарорларини таъминлаш;
- ва бошқалар.

## МАБЛАҒЛАРНИНГ ЭРКИН ЎТКАЗИЛИШИ: ИСТИСНОЛАР

- Тўлов баланси ҳимояси
- Капитал ўтказмалар ёки тўловлар қўйидагилар келиб чиқишига сабаб бўлса ёки таҳдид юзага келтиrsa:
  - тўлов баланси билан боғлиқ қийинчиликлар
  - ташқи молиявий қийинчиликлар
  - монетар сиёsat билан боғлиқ қийинчиликлар
  - молиявий институтларнинг хавфсизлиги, соғломлиги, яхлитлиги ёки молиявий жавобгарлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар.
- Шартлари: вақт бўйича чекланганлик, дискриминацияга йўл қўймаслик, минимал даражадаги таъсир, ХВФ қоидалари асосида.

## САВОЛЛАР?

[rodrigo.polanco@wti.org](mailto:rodrigo.polanco@wti.org)



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



# ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

Родриго Поланко  
(Rodrigo Polanco)

Берн, 2021 йил



## РЕЖА

- Инвестор – давлат арбитражи: асосий ҳолатлар
- Инвестор – давлат арбитражи: рақамлар
- Инвестор – давлат арбитражи: асосий босқичлар
- Арбитраж қоидалари бўйича асосий фарқлар

## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР

- Томонлар розилигига асосланган.
- Анъанавий инвестор – давлат арбитражлари шакли шартномаларнинг арбитражга бағишлиланган ҳолатлари.
- Ажратса олиш доктринаси: арбитраж бўйича келишув асосий шартномадан ажратилиши мумкин.
- Трибунал ўзининг юрисдикциясини аниқлаш ваколатига эга.

## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР

Инвестор – давлат арбитражлари учун қуидагилар асос бўлади:

- контрактлар
- миллий чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонун хужжатлари
- халқаро инвестиция шартномалари
  - шартномавий таҳдил – таклиф ва қабул қилиш
  - келажакда юзага келадиган инвестиция низоларини арбитражда кўриш бўйича доимий таклифлар; инвестор томонидан арбитраж бўйича хабаронома юбориш орқали қабул қилинади.

## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР

**Нидерландия Қироллиги ва Миср ўртасидаги икки томонлама инвестиция битими (1996, 9- моддаси)**

Инвестор танловига кўра, низо қуидаги арбитражларга топширилиши мумкин:

- Давлатлар ва бошқа давлатларнинг фуқаролари ўртасидаги сармояга доир низоларни тартибга солиш тўғрисидаги Конвенция асосида Инвестиция низоларини ҳал қилиш бўйича халқаро марказга (ИНХХМ).
- ЮНСИТРАЛ Арбитраж қоидалари асосида ягона ҳакамга ёки ad hoc арбитраж судига.
- Қоҳира шаҳридаги Халқаро тижорат арбитражининг минтақавий маркази.
- Париж шаҳридаги Халқаро савдо палатаси қошидаги арбитражга.


## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР

- Давлатнинг низоларни арбитражда кўрилишига розилиги контрактларда, ХИШ ва миллий қонунчиликда берилади.
- Трибунал турли мажбуриятларнинг бузилишини кўриб чиқиши мумкин (контракт, миллий қонунчилик, ХИШ бўйича).
- ХИШ бўйича арбитражнинг юрисдикцияси доираси:
  - шахсларга нисбатан (*ratione personae* – инвесторларми?)
  - низо масаласига нисбатан (*ratione materiae* – инвестициями?)
  - вақтга нисбатан (*ratione temporae* – ХИШ кучда бўлгандаги ҳолатми?)
  - ҳудудга нисбатан (*ratione loci* – қаерга сармоя киритилган?)
  - розилик бўйича чекловлар (барча турдаги низоларми? Миллий воситалар тугатилган бўлиши керакми?)

## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: РАҶАМЛАР

Ишларнинг  
йиллик сони

■ ИНХХМ ■ бошқа арбитражлар




1987-2019 йиллар  
оралиғида күриб  
чиқылғани маълум бўлган  
шартномалар асосидаги  
инвестор ва давлатлар  
ўртасидаги низолар сони

Манба: UNCTAD, ISDS Navigator.

## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: РАҶАМЛАР


- 2019 йилда барчаси 2012 йилгача имзоланган олдинги авлод шартномалари асосида бўлган камида 55 та инвестор ва давлатлар ўртасидаги низолар арбитражларга топширилди.
- Ҳозирги кунга қадар 120 та давлат ва бир иқтисодий тузилма ИДАда кўрилган бир ёки ундан ортиқ иш бўйича жавобгар бўлган.
- 2019 йилда 36 давлатга ва бир иқтисодий тузилмага (Европа Иттифоқи) қарши даъволар келтирилган.
- Бошқа йилларда бўлгани каби жавобгарларнинг аксарият қисми ўтиш давридаги иқтисодиётга эга ривожланаётган давлатлар ҳисобланади.
- Низоларнинг қарийб 20% и ЕИ давлатлари ўртасида.

## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: ЭНГ КЎП ЖАВОБГАР БЎЛГАН ДАВЛАТЛАР (1987-2019 йиллар оралиғида)



## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: ЖАВОБГАР БЎЛГАН ДАВЛАТЛАР


Миллий судларнинг мустақиллиги, 1-7 (энг яхши кўрсаткич)



Манба: Жаҳон Банки  
TCData360

## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР


Қонун устуворлиги кўрсаткичи (-2.5 to 2.5), фоиз ҳисобида



Манба: Жаҳон Банки  
TCData360


## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР

Сиёсий барқарорлик кўрсаткичи (-2.5 to 2.5), фоиз ҳисобида



Манба: Жаҳон Банки  
TCData360

## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: ДАЪВОГАРЛАРИ ЭНГ КЎП БЎЛГАН ДАВЛАТЛАР (1987-2019 йиллар оралиғида)



## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: САРМОЯ КИРИТУВЧИ ДАВЛАТЛАР

- 2019 йил охиригача бўлган даврда инвестиция бўйича низоларнинг қарийб 80 фоизи ривожланган давлатлар инвесторлари томонидан қўзғатилган:
  - АҚШ**, 183 та иш (17,8%)
  - Европа Иттифоқи**, 538 та иш (52,5%). Энг кўп сонлиси: Голландия (111); Бирлашган Қироллик (86); Германия (69); Испания (57); Франция (51); Люксембург (41); Италия (39); Кипр (26); Австрия (25); Бельгия (19) ва Греция (14).
  - ЕИ ва АҚШ инвесторлари аксарият инвестиция низоларида (70 фоизидан ортиғи) даъвогар бўлишган.
  - Қолган инвесторлари кўп даъвогар бўлган давлатлар: **Канада** (51 та иш), **Швейцария** (37), **Туркия** (35) ва **Россия** (25).

## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ИЧИДА


- 2019 йилдаги барча низоларнинг 15 фоизи (ўтган йилга нисбатан 5 фоизга камайган).
- Уларнинг аксарияти Энергия хартияси шартномаси асосида қўзғатилган.
- 2019 йил охиригача бўлган давр оралиғида 188 та шундай низолар қўзғатилган.
- 2020 йил 5 майда Иттифоққа аъзо бўлган 23 та давлат ўзаро икки томонлама инвестиция битимларини тугатиш бўйича шартнома тузди (Achmea ва Словакия ўртасидаги иш бўйича чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида).

## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: БИТИМЛАР БЎЙИЧА


### ИШЛАР



## ИНВЕСТИЦИЯ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МАРКАЗ: КЎРИЛГАН ИШЛАРНИНГ УМУМИЙ СОНИ



## ИНВЕСТИЦИЯ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МАРКАЗ: КЎРИЛГАН ИШЛАРНИНГ СОНИ (уларнинг турига кўра)




Манба: ICSID Caseload (2-2020)

■ ИНХХМ арбитраж ишлари  
■ Кўшимча арбитраж ишлари  
(масалан, азъо бўлмаган томонлар ўртасида)

■ ИНХХМ яратишув ишлари  
■ Кўшимча яратишув ишлари  
(масалан, азъо бўлмаган томонлар ўртасида)


## ИНВЕСТИЦИЯ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО МАРКАЗ: КҮРИЛГАН ИШЛАР (ИҚТИСОДИЁТ СЕКТОРЛАРИ БҮЙИЧА)



- Ёқилғи ва тоғ-кон
- Электр энергияси ва бошқа энергия турлари
- Қурилиш
- Информацион технологиялар ва алоқа
- Молия
- Бошқа саноат турлари
- Транспорт
- Қишлоқ хұжалиги, балиқчилік ва Үрмөнчилик
- Хизмат ва савдо


Манба: ICSID Caseload (2-2020)

## ИНВЕСТИЦИЯ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО МАРКАЗ: ХАКАМЛАР



Манба: UNCTAD, ISDS Navigator

## ИНВЕСТИЦИЯ НИЗОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ БҮЙИЧА ХАЛҚАРО МАРКАЗ: КҮРИЛГАН ИШЛАР (ИҚТИСОДИЁТ СЕКТОРЛАРИ БҮЙИЧА)



- Фарбий Европа
- Шимолий Америка (АҚШ, Мексика, Канада)
- Жанубий Америка
- Жанубий-Шарқий Осиё ва Тинч океани ҳудудлари
- Яқин Шарқ ва Шимолий Африка
- Африканинг қолган қисми
- Марказий Америка ва Кариб ҳавзаси
- Шарқий Европа ва Марказий Осиё

Манба: ICSID Caseload (2-2020)

## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: ҚАРОРЛАР

Ишларнинг умумий сони (фоизда)




Асосий даъво масаласи бўйича қарорлар (фоизда)



Манба: UNCTAD, ISDS Navigator

## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: ЗАРАР: СЎРАЛГАН МИҚДОР ВА ТАЙИНЛАНГАН МИҚДОР



Манба: UNCTAD, ISDS Navigator

## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: ЗАРАР: СЎРАЛГАН МИҚДОР ВА ТАЙИНЛАНГАН МИҚДОР

Бироқ:

- Арбитражга топширилган маълум бўлган ишлар асосида маълумот.
- Даъвони арбитражга топшириш таҳдида асосида ривожланаётган давлатлар қонунчилигининг ўзгарилиши ҳолатларини ҳисобга олмайди.
- Ривожланаётган давлатлар ривожланган давлатларга нисбатан ишда кўп жавобгар бўлади (шунингдек, уларнинг глобал инвестициялардаги улуши нисбатида ҳам).
- Ривожланаётган давлатлардан қопланиши сўралган зарар миқдори ва уларга нисбатан тайинланган зарарни қоплаш бўйича тўлов миқдори аҳамиятли дараражада каттароқ.
- Статистик жиҳатдан ривожланаётган давлатлар бошқа ривожланган давлатларга қараганда АҚШ инвесторлари томонидан уларга нисбатан энг кўп даъво кўзғатилишини кутишлари мумкин.

Мамба: П. Кевин Галлахер и Элен Шреста (2011)

## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: САРФЛАНАДИГАН ВАҚТ ВА ХАРАЖАТЛАР

- **Ўртacha вакт:**
  - 4 йил (2012 йилда 3 йил ва 8 ой)
- **Томонларнинг харажатлари:**
  - Даъвогар учун ўртача: 6,019,000 АҚШ долл. (2012 йилда 4,437,000 АҚШ долл.)
  - Жавобгар учун ўртача: 4,855,000 АҚШ долл. (2012 йилда 4,559,000 АҚШ долл.)
- **Тирбунал харажатлари** (ҳакамлар билан боғлиқ тўлов/харажатлар ва бошқа арбитраж ўтказиш жойи харажатлари)
  - Ўртача харажатлари: 933,000 АҚШ долл. (2012 йилда 746,000 АҚШ долл.)
  - ИНХҚХМнинг ўртача харажатлари: 920,000 АҚШ долл. (2012 йилда 769,000 АҚШ долл.) (масалан, турар жой учун 25,000 АҚШ долл., даъвонинг рўйхатга олинини учун 42,000 АҚШ долл., ҳакамларнинг кунлик иш ҳаққи 3,000 АҚШ долл.)
  - ЮНСИТРАЛнинг ўртача харажатлари: 1,089,000 АҚШ долл. (2012 йилда 853,000 АҚШ долл.)
- **Ишда ютиб чиқсан томон қайтарилиши мумкин бўлган харажатлар:**
  - Ўртача харажатларнинг 51% ини (инвесторлар – 58 %, давлатлар – 47 %)
  - ЮНСИТРАЛда – 72 % (2012 йилда бу кўрсаткич 69 % бўлган), ИНХҚХМда – 61 % (2012 йилда бу кўрсаткич 36 % бўлган)

Манба: Hodgson, 2014, 2017

## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: САРФЛАНАДИГАН ВАҚТ ВА ХАРАЖАТЛАР

- Инвестор – давлат арбитражлари харажатлари миқдори нисбатан баланд бўлиб, томонларнинг хуқуқшунослар, ҳакамлар хизматидан фойдаланиши ва бошқа шу каби харажатлари ўртача 10-11 миллион АҚШ долл., ўртача тоза харажат 6 миллион АҚШ долл (2011 йил инфляциясига мослаштирилган рақамлар) ташкил этади. Натижада бундай хуқуқдан фойдаланиш имконияти чекланиши мумкин.

Манба: Hodgson, 2014, 2017

- Хуқуқшуносларнинг хизмат ҳаққи ҳакамларникига нисбатан жуда ҳам катта.
- Арбитражлар трибунал харажатларнинг шаклланиши асосларини аниқлаштиримайдилар.

Манба: Franck, 2019

## САВОЛЛАР?

[rodrigo.polanco@wti.org](mailto:rodrigo.polanco@wti.org)



**USAID**  
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIV SUDI



# ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

Родриго Поланко  
(Rodrigo Polanco)


Берн, 2021 йил



## РЕЖА

- Инвестор – давлат арбитражи: асосий босқичлар
- Вашингтон Конвенцияси ва ЮНСИТРАЛ (ва бошқа) арбитраж қоидалари ўртасидаги фарқлар
- Арбитражга розилик билдириш ва бу бўйича чекловлар
- *Ratione materiae* юрисдикцияси
- *Ratione personae* юрисдикцияси
- Қарор: уни бекор қилиш ва ижросини тўхтатиш

## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: АСОСИЙ БОСҚИЧЛАР



## ИШНИ КҮРИШГА ТАЙЁРЛАШ

- Даъво қўзғатишни яна баҳолаб кўриш имконини берувчи маслаҳатлашувлар даври.
- Миллий ҳуқуқий ҳимоя воситаларининг қўлланиши:
  - мурожаат қилиш/миллий воситаларнинг тугатилгани;
  - миллий воситалар ёки халқаро арбитражни танлаш бўйича талаб;
  - халқаро арбитражга даъво киритилганда миллий ҳимоя воситаларидаги худди шундай низо тўхтатилиши талаби.
- Шартномада келтирилган талабларга риоя қилиш.

## МАСЛАҲАТЛАШУВЛАР ДАВРИ

- Кутиш даври ёки мажбурий маслаҳатлашувлар даври деб ҳам номланади.
  - Низони тинч йўл билан ҳал қилишга уриниб кўриш учун бериладиган вақт. Аксарият (90 %) ХИШда келтириб ўтилган талаб.
  - Маслаҳатлашув даври давомийлиги ХИШда турлича белгиланган. Энг кенг тарқалган муддат – 6 ой. Лекин бу давр 60 кундан 24 ойгача бўлиши мумкин.
  - Аксарият ХИШда бу даврнинг бошланиши учун тегишли ёзма шаклдаги хабарнома ёки хат тақдим қилиниши талаб этилади.

## МАСЛАҲАТЛАШУВЛАР ДАВРИ

- Бу борадаги арбитражлар амалиёти хилма-хил бўлиб, уларда учта ёндашувни кузатиш мумкин:
  - ХИШнинг шунчаки низоларни альтернатив ҳал қилиш шакллардан фойдаланишга ундейдиган ҳуқуқий мажбурият бўлмаган ҳолати.
  - Даъвогар мажбурияти, даъвони арбитражда кўрилиши учун ундан олдин фойдаланилиши шарт бўлган талаб. Акс ҳолда, арбитраж ишни кўриш ваколатига эга бўлмайди.
  - Аралаш ёндашув: шартномавий мажбурият, лекин унга риоя қилмаслик арбитраж юрисдикциясини чекламайди ёхуд ишни арбитражда кўрилишига тўсқинлик қилмайди. Бироқ бу мажбуриятнинг бузилиши зарар ва суд тақиқига таъсир этади.

## МАСЛАҲАТЛАШУВЛАР ДАВРИ

СИНГАПУР ВА МЬЯНМА ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (2019)  
(норасмий таржима)

12-модда. Арбитраж жараёнини бошлаш

1. Низолашаётган томонлар дастлаб низони маслаҳатлашувлар ва музокаралар йўли билан ҳал қилишга интилади.
2. Агар низо 1-бандда кўзда тутилганидек, маслаҳатлашувлар ва музокаралар тўғрисида ёзма сўров юборилган кундан бошлаб 6 ой ичида ҳал этилмаса, низолашаётган томонлар бошқача келишмаса, низолашаётган инвестор низони арбитражга топшириши мумкин (...)

## МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ

Мурожаат қилиш/миллий воситаларни тугатилгани

- Халқаро одат ҳуқуқи хорижий шахслардан халқаро даражадаги ҳимоя воситалардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш учун мавжуд миллий воситаларнинг барчасидан фойдаланилган бўлишини талаб этади.
- Кўпгина ХИШ миллий воситалар тугатилишини талаб этмасдан, инвесторга тўғридан тўғри халқаро арбитражга мурожаат этиш имконини беради.
- Лекин айрим ХИШ маълум муддат давомида миллий воситаларда (маъмурий ва/ёки суд) фойдаланишни ва жуда камлари миллий воситаларнинг тугатилишини талаб этади (масалан, USMCA ва Ҳиндистоннинг инвестиция битимлари)

## ТЎЛИҚ ҲИМОЯ ВА ХАВФСИЗЛИК РЕЖИМИ

АРГЕНТИНА ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (1994)  
(норасмий таржима)

8-модда [...]

“(3) Юқорида келтирилган низо қўйидаги ҳолатларда халқаро арбитражга топширилиши мумкин:  
(а) Агар низо ҳудудига инвестиция киритилган Аҳдлашувчи помоннинг **ваколатли судига топширилган пайтдан бошлаб ўн саккиз ой (18) ўтган бўлса** ва ушбу суд ҳали ўз якуний қарорини чиқармаган бўлса ёки бундай қарор чиқарилган бўлса-да, томонлар ҳали ҳам низолашаётган бўлса, томонларнинг бири буни талаб қилса;”

## МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУГАТИЛГАНИ

ХИНДИСТОН ВА ХИТОЙ ТАЙПЕИ ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (2018)  
(*норасмий таржима*)

“15.4 Агар низолашаётган томонлар низони тинч йўл билан ҳал қила олмаса, низолашаётган инвестор ушбу Битимга мувофиқ **куйидаги қўшимча шартлар бажарилган тақдирдагина** арбитражга даъво аризасини бериши мумкин:

(а) низолашаётган инвестор [...] ўз даъволарини инвестиция киритилган ҳудуддаги тегишли ички судларга ёки маъмурӣ органларга топшириши шарт. ...”

## МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ

Миллий ёки халқаро воситалардан бирини танлаш бўйича талаб (“Fork in the road”)

- миллий ёки халқаро ҳимоя воситаларидан бирини танлаш якуний ва эксклюзивдир. Инвестор улардан бирини танлаганидан сўнг бошқасига мурожаат қила олмайди.
- лекин амалиётда томонларнинг шахси ва даъво асосини аниқлашдаги мураккаблик сабабли аксарият ҳолатларда ушбу қоида инвесторларнинг ҳар иккала даражадаги ҳимоядан фойдаланишига тўсиқ бўла олмайди.

## МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ

ЧИЛИ ВА ИНДОНЕЗИЯ ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (1999)  
(*норасмий таржима*)

“IX модда. Шартнома тузувчи ва бошқа шартномаланувчи томоннинг инвесторлари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш

...

(3) Инвестор низони ўз ҳудудида инвестиция амалга оширилган Ахдлашувчи помоннинг ваколатли судига ёки халқаро арбитражга топширгандан сўнг, **ушбу танлов якуний хисобланади. ...”**

## МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУГАТИЛГАНИ

Халқаро арбитражга даъво киритилгандаги миллий ҳимоя воситаларида худди шундай низонинг кўрилишининг тўхтатилиши (“No U-turn”)

- Бу қоида инвесторларга миллий судларда кўрилиши бошланган низоларни халқаро арбитражга топшириш имконини беради.
- Лекин бундай ҳолда инвестор худди шундай масаладаги даъвосини миллий судларда кўрилишига бўлган ҳуқуқидан воз кечиши талаб этилади.

## МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ

БАҲРАИН ВА МЕКСИКА ВНДОНЕЗИЯ ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (2012) (*норасмий таржима*)

1-модда. Даъво аризаси

[...]

5. Низолашаётган инвестор ўзи эгалик қилаётган ёки бошқараётган юридик шахс бўлган бошқа Аҳдлашувчи томоннинг корхонаси номидан арбитражга даъво келтириши фақатгина инвестор ва корхонанинг иккиси:

[...]

6) [...] низолалашаётган Аҳдлашувчи томоннинг чораси бўйича ўша Томоннинг қонунчилигига биноан ҳар қандай маъмурӣ трибунал ёки суд ёхуд низоларни ҳал қилишнинг бошқа процедураларида низонинг кўрилиши жараёнини бошлаш ёки давом эттириш ҳуқуқидан воз кечганидагина [мумкин];

[...]

6. Ушбу моддада кўрсатилган розилик ва воз кечиш ёзма равища, низолашаётган Аҳдлашувчи томонга етказилади ва ҳакамлик судига даъво аризаси билан бирга тақдим этилади.

## БОШҚА ТАЛАБЛАР

ЯПОНИЯ ВА МАРОКАШ ЎРТАСИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ БИТИМИ (2020) (*норасмий таржима*)

### Вақт бўйича чеклаш

“16-модда. Аҳдлашувчи томон билан бошқа Аҳдлашувчи томоннинг инвесторлари ўртасидаги инвестиция низоларини ҳал қилиш.

(...)

6. (а) 5-бандга қарамай, агар низолашаётган инвестор 1-бандда кўрсатилган йўқотиш ёки зарарни кўргани ҳақидаги маълумотга эга бўлган ёки биринчи мартда эга бўлиши лозим бўлган **кундан бўён, уларнинг қайси бири олдинроқ юз берганига қараб, уч йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса**, 4-бандда кўрсатилган арбитражга ҳеч қандай инвестиция низолари тақдим этилиши мумкин эмас.”

## БОШҚА ТАЛАБЛАР


### Ёзма билдиришнома

“3. Ҳар бир Томон ушбу бўлимнинг қоидаларига мувофиқ 2-бандга биноан қуидаги шартлар асосида низони арбитражга топширишга розилик беради:

(...)

(д) низолашаётган инвестор даъво тақдим этилишидан камида 90 кун олдин жавобгар томонга низони бундай арбитражга топшириш нияти тўғрисида қуидагиларни ўз ичига олган ёзма билдиришнома тақдим этиши;”

## ИНВЕСТОР – ДАВЛАТ АРБИТРАЖИ: АСОСИЙ БОСҚИЧЛАР



## ИШНИ АРБИТРАЖДА ҚЎРИШНИНГ БОШЛАНИШИ

Арбитраж сўровини рад этиш.

Вашингтон Конвенцияси

36(3)-модда.

(3) Бош комиб, агар сўровда келтирилган маълумотларга асосланаб, низо Марказнинг юрисдикциясидан ташқарида эканини аниqlамаса, сўровни рўйхатдан ўтказади. У дарҳол томонларни рўйхатдан ўтказиш ёки рўйхатдан ўтказишини рад этиш тўғрисида хабардор қиласади.

## ИШНИ АРБИТРАЖДА КЎРИШНИНГ БОШЛАНИШИ

### Арбитраж таркибини шакллантириш

Одатда, 3 нафар ҳакамдан иборат ҳайъат:

*Ҳар бир томон бир кишидан, учинчи раислик қилувчи ҳакам низо томонларнинг келишуви (Вашингтон Конвенцияси) ёки тайинланган ҳакамлар (ЮНСИТРАЛ Қоидалари) томонидан тасдиқланади.*

Агарда раислик қилувчи ҳакамни танлаш бўйича келишувга эришилмаса:

*ХИШда ўрнатилган қоидага асосан (мавжуд рўйхатдан) бундай танловни амалга оширувчи учинчи томон тайинланади. Бундай томон, шунингдек, низолашаётган томонлар (уларнинг бири) тайинламаган ҳакамларни ҳам тайинлаш ваколатига эга бўлиши мумкин.*

## ЮРИСДИКЦИЯ МАСАЛАЛАРИ

- *Ratione materiae* юрисдикцияси  
“инвестиция”дан “тўғридан тўғри” келиб чиқадиган “хукуқий низо”
- *Ratione personae* юрисдикцияси  
“Аҳдлашувчи томон” ва бошқа Аҳдлашувчи томоннинг “шахслари” (жисмоний ва юридик)

## ИШНИ АРБИТРАЖДА КЎРИШНИНГ БОШЛАНИШИ

### Инвестициянинг таърифи

- Инвестиция ҳисобланувчи иқтисодий фаолият
- Икки томонлама инвестиция битимлари инвестицияларга кенг таъриф беради (масалан, пайлар, қимматли қофозлар, концессиялар, ер ва кўчар мулклар).

## Давлатлар ва бошқа давлатларнинг фуқаролари ўртасидаги сармояга доир низоларни тартибга солиш тўғрисидаги Конвенция

Иқтисодий ривожланиш учун халқаро ҳамкорлик зарурлигини ва унда хусусий халқаро инвестицияларнинг ролини ҳисобга олган ҳолда; (...)

Преамбула

Марказнинг юрисдикцияси

- Аҳдлашувчи Давлат ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат фуқароси ўртасидаги
- тўғридан-тўғри инвестиция натижасида келиб чиқадиган ҳар қандай ҳукуқий низоларга тааллуқлидир,
- қайсиларини низолашаётган томонлар Марказга топширишга ёзма равища розилик берадилар. Томонлар ўз розилигини бергандা, ҳеч бир томон ўз розилигини бир томонлама равища қайтариб ололмайди.

25-модда

## Давлатлар ва бошқа давлатларнинг фуқаролари ўртасидаги сармояга доир низоларни тартибга солиш тўғрисидаги Конвенция

“Бошқа Аҳдлашувчи Давлат фуқароси” деганда

2(a) низолашаётган Давлатдан бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг жисмоний шахслари (бир вақтда низолашаётган Давлатнинг фуқаролари бундан мустасно)

2(b) низолашаётган Давлатдан бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг юридик шахслари

25-модда

## ЮРИСДИКЦИЯ МАСАЛАЛАРИ

ХИШдаги инвестиция таърифидан ташқари Марказ амалиётида бу борада қўшимча талаблар ҳам шакллантирилган.

Марказ қошидаги бир қанча трибуналлар Вашингтон Конвенцияси асосида киритилган активларни инвестиция деб топилиши учун талабларни шакллантириди:

- маълум бир нисбатан узоқ муддатга мўлжалланган фаолият;
- даромад олиш күтиладиган фаолият;
- хавфнинг мавжудлиги;
- инвестициянинг қабул қилувчи давлат ривожланишига сезиларли ҳисса қўшиши.

Салини ва Мароказ ўртасидаги низо (ICSID Case No Arb/00/04) (Decision on Jurisdiction, 23 July 2001)

## ЮРИСДИКЦИЯ МАСАЛАЛАРИ

- Икки фуқаролик:
  - Вашингтон Конвенциясининг 25(2)(а)-моддаси ҳам қабул қилувчи, ҳам капитал киритувчи давлат фуқароси бўлган инвесторларга Марказга даъво киритишга йўл қўймайди.
  - Бир қатор ХИШлар ҳам икки томон фуқароларини шартнома амал қилиши доирасига киритмайди. Акс ҳолда ҳам қабул қилувчи давлатнинг, ҳам иккинчи томоннинг фуқароси бўлган шахслар қабул қилувчи давлатга қарши даъво қўзғатишлари мумкин бўлиб қолади.
- Давлат корхоналари
  - Ҳар доим ҳам корхона давлат корхонаси экани аниқ эмас.

## ҚАРОР

### Кўлланувчи ҳуқуқ

- Халқаро марказ қоидалари: томонлар келишувига кўра белгиланган ҳуқуқ. Бундай келишув бўлмаганда трибунал низолашаётган Аҳдлашувчи Давлат қонунчилиги ҳамда тегишли халқаро нормаларини қўллайди.
- ЮНСИТРАЛ қоидалари: томонлар келишувига кўра белгиланган ҳуқуқ. Бундай келишув бўлмаганда трибунал томонидан ҳуқуқни танлаш қоидалари асосида у “кўллана оладиган” (1976 йилги Қоидалар) ёки “тўғри келадиган” (2010 йилги Қоидалар) деб топганларини қўллайди.

## ҚАРОР

### Қарорларни бекор қилиш

- ЮНСИТРАЛ ва бошқа арбитраж қарорлари ушбу арбитражлар жойлашган давлатларнинг судлари томонидан бекор қилиниши мумкин (худди халқаро тижорат арбитражи ҳолатида бўлгани каби).
- Халқаро марказ қарорларини бекор қилиш ушбу марказнинг ўзи томонидан амалга оширилади (марказ жойлашган ҳудуд судлари бу борада ваколатга эга эмас). Қарорлар фақатгина рўйхати чекланган асослардагина Маъмурий кенгаш раиси тайинлаган ad hoc кўмита томонидан бекор қилиниши мумкин. Амалиётда бундай қўмита Марказнинг бошқа низоларида ҳакамлар бўлганлардан ташкил топади.

## ҚАРОР

### Қарорларни ижро этиш

- ЮНСИТРАЛ қоидалари бўйича тузилган арбитражлар қарорлари тан олиниши ва ижро этилиши халқаро тижорат арбитражлари қарорлари сингари тартибда амалга оширилади (тегишли давлат судлари томонидан). Уларнинг ижроси Нью-Йорк Конвенцияси 5-моддасида келтирилган чекланган асосларга кўра рад этилиши мумкин (масалан, оммавий тартиб, процессуал талаблар).
- Халқаро марказ қарорлари эса автоматик тарзда ижрога қаратилади (ижро ҳужжати сифатида).
- Лекин инвестор учун бундай автоматик ижрога қаратилишининг аҳамияти ҳаддан ташқари ошириб юборилади. Чет эл инвестори учун муаммоли бўлган ҳолат бу қарорнинг амалда ижро этилишидир.

## ХАЛҚАРО МАРКАЗ ЁКИ ЮНСИТРАЛ

### Вашингтон Конвенциясининг 54-моддаси

Ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат ушбу Конвенцияга мувофиқ чиқарилган қарорни мажбурий деб тан олади ва ушбу давлат томонидан ушбу қарор томонидан юклатилган моддий мажбуриятларни худди шу давлат судининг якуний қарори каби бажаради.

Қарорнинг ижро этилиши уни ижро этилиши сўралган давлатда ўрнатилган суд қарорларини ижро этиш тўғрисидаги қонунлар билан тартибга солинади.

### Нью-Йорк Конвенциясининг 5 моддаси

Ўзига қарши қаратилган тарафнинг аризасига кўра, арбитражининг қарорларининг тан олиниши ва ижрога қаратилиши қўйидаги ҳолларда рад қилиниши мумкин:

- арбитраж битимининг ҳақиқий эмаслиги
- айрим процессул ҳолатлардаги камчиликлар (арбитраж битими шартига тегишли бўлмаган низо, низо ваколатли бўлмаган чет давлат арбитражи томонидан қўрилиши)
- қарор тарафлар учун ҳали якуний бўлмаганида ёки у тегишлича бекор қилинганида ва бошқа рўйхати чекланган ҳолларда.

Шунингдек, қарор у ижро этилиши сўралган давлатнинг қонун ҳужжатлари бўйича арбитраж муҳокамасининг предмети бўла олмайдиган масала юзасидан чиқарилган ёки унинг тан олиниши ва ижроси давлатнинг оммавий тартибига зид бўлса.

## САВОЛЛАР?

[rodrigo.polanco@wti.org](mailto:rodrigo.polanco@wti.org)

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Rana Shehzad Ahmad & Anthony Vanduzer, Trade and Investment Updated, ITC Training Material, 2012.
2. John Dunning, "The investment development path revisited: some emerging issues", in J. Dunning and R. Narula (eds), Foreign Direct Investment and Governments: Catalysts for Economic Restructuring, London: Routledge, 1996.
3. John Dunning and R. Narula, R, A Rose by Any Other Name? FDI Theory in Retrospect and Prospect, Mimeo, University of Reading and Rutgers University, 1999.
4. Jeffrey P. Graham and R. Barry Spaulding, "Understanding Foreign Direct Investment (FDI)", [http://www.going-global.com/articles/understanding\\_foreign\\_direct\\_investment.htm](http://www.going-global.com/articles/understanding_foreign_direct_investment.htm)
5. Krista Nadakavukaren Schefer (2013), Introduction to the study of International Investment Law. International Investment Law, Text, Cases and Materials, Edward Elgar, 2013.
6. Franklin R Root, International trade and investment, South-Western Pub. Co., 1978.
7. Christoph Schreuer, "Full Protection and Security", Journal of International Dispute Settlement (2010), pp. 1-17
8. Stephen Woolcock, Trade and investment rule-making: the role of regional and bilateral agreements, United Nations University. UNU-CRIS. Tokyo; New York : United Nations University Press, 2006.
9. UNCTAD IIA Issue Note 1, February 2015, Recent Trends in IIAs and ISDS
10. World Bank, Foreign direct investment, net inflows, <http://data.worldbank.org/indicator/BX.KLT.DINV.CD.WD>

## ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР:


1. Rudolf Dolzer & Christoph Schreuer, Principles of International Investment Law, Oxford: Oxford University Press, 2008
2. Roberto Echandi, Prospects in International Investment Law and Policy, Complementing Investor-State Dispute Resolution: A Conceptual Framework for Investor-State Conflict Management, Cambridge: Cambridge University Press. (2013), p. 270-305
3. Anabel González et. al, Foreign Direct Investment as a Key Driver for Trade, Growth and Prosperity: The Case for a Multilateral Agreement on Investment, World Economic Forum 2013.
4. ICSID, The ICSID Caseload - Statistics (issue 2015-1)
5. Andrew Newcombe & Lluis Paradell, Law and Practice of Investment Treaties, The Netherlands, Kluwer Law International, 2009.
6. OECD (2004), «Fair and Equitable Treatment Standard in International Investment Law», OECD Working Papers on International Investment, 2004/03, OECD Publishing.
7. Rodrigo Polanco, The No of Tokyo Revisited: Or How Developed Countries Learned to Start Worrying and Love the Calvo Doctrine, ICSID Review - Foreign Investment Law Journal. Vol. 30 No. 1 (2015), pp. 172-193
8. Jeswald Salacuse, The Law of Investment Treaties, Oxford: Oxford University Press, 2010
9. M. Sornarajah, M. The International Law on Foreign Investment, Cambridge Publications, 2010.

10. UNCITRAL Rules on Transparency in Treaty-based investor-State Arbitration (2014)
11. UNCTAD, Expropriation - UNCTAD Series on Issues in International Investment Agreements II (2011) (UNCTAD/DIAE/IA/2011/7)
12. UNCTAD, Investor-State Dispute Settlement, UNCTAD Series on Issues in International Investment Agreements II (2014), p. 1-29.
13. UNCTAD, Investor-State Disputes: Prevention and Alternatives to Arbitration, United Nations, 2010.
14. UNCTAD, Most-favoured nation treatment: A sequel (2011) (UNCTAD/DIAE/IA/2010/1)
15. UNCTAD, National Treatment (1999) (UNCTAD/ITE/IIT/11(Vol. IV)
16. UNCTAD IIA Issue Note 1, February 2015, Recent Trends in IIAs and ISDS
17. UNCTAD, Reform of Investor-State Dispute Settlement: In search of a Roadmap, IIA Issue Note June 2013
18. UNCTAD, Scope and Definition (A sequel) - UNCTAD Series on Issues in International Investment Agreements II (2010) (UNCTAD/DIAE/IA/2010/2)
19. UNCTAD, World Investment Report 2014 - Investing in the SDGs: An Action Plan - Overview (UNCTAD/WIR/2014)
20. Gus Van Harten, Investment Treaty Arbitration and Public Law, Oxford University Press, 2007.
21. Jason Yackee, "Do Bilateral Investment Treaties Promote Foreign Direct Investment? Some Hints from Alternative Evidence", Virginia Journal of International Law (2010), Vol. 51 (2), pp. 397-440.

## ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР:

1. Digest of International Investment Jurisprudence: <http://www.investment-law-digest.com/default.aspx>
2. ICSID Convention, Regulations and Rules, <http://www.worldbank.org/icsid/basicdoc/basicdoc.htm>
3. Investment Treaty Arbitration: <http://www.italaw.com/>
4. UNCTAD Investment Policy Hub: <http://investmentpolicyhub.unctad.org/>
5. UNCTAD, Investment Policy Framework for Sustainable Development (IPFSD), <http://unctad.org/en/Pages/DIAE/International%20Investment%20Agreements%20%28IIA%29/IIA-IPFSD.aspx>





ИНВЕСТОР ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДА  
НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ  
АСОСЛАРИ

ТРЕНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИ